

ПИНХАСОВ

# Ҳозирги ўзбек адабий тили

ЛЕКСИКОЛОҒИЯ ВА ФРАЗЕОЛОҒИЯ

(Педагогика институтлари филология факультетларининг сиртки  
бўлим студентлари учун қўлланма)

*ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим  
министрлиги тасдиқлаган*

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 1969

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Масъул муҳаррир:  
филология фанлари кандидати  
**ҚАРШИБОЙ САМАДОВ**

## АВТОРДАН

Ўзбекистондаги педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида ўтиладиган тилшунослик циклига кирадиган фанлар орасида «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курси асосий ўринни эгаллайди. Бу курс кириш, лексикология ва фразеология, фонетика ва орфоэпия, графика ва орфография, грамматика (морфология, синтаксис) ва пунктуация қисмларидан иборатдир.

Республика олий ўқув юртларида сиртдан ўқиётган студентлар учун 1957 йилда «Ўзбек тили фразеологияси ҳақида» ва 1960 йилда «Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси», 1965 йилда «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (морфология, лексикология) номли қўлланма ва конспектив курслар нашр қилинди. Кейинги йиллар ичида республика олий ўқув юртларининг ўқув планларига бирмунча ўзгартиришлар киритилди. Тилшунослик фани соҳасида бир қадар янгиликлар юзага келди.

Мазкур қўлланма юқорида номлари келтирилган ишларнинг давоми, уларнинг кейинги йиллардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши сифатида тавсия қилинади.

Қўлланма икки қисмдан — лексикология ҳамда фразеология қисмларидан иборат.

Биринчи қисмда сўз ва унинг маънолари, ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғат состави ва унинг

ривожланиш йўллари, сўзларнинг тарихий жиҳатдан, ижтимоий-диалектал состави жиҳатдан, экспрессив-стилистик жиҳатдан турлари тўғрисида ҳамда қисман бўлса-да, ўзбек терминологияси тўғрисида материаллар берилади.

Иккинчи қисмда сўзлар боғланмаси ва унинг турлари, барқарор сўзлар боғланмаси ёки фразеологик иборалар ва унинг асосий типлари (фразеологик чатишма, фразеологик бирлашма, фразеологик қўшилма), шунингдек, фразеологик ибораларнинг баъзи бир грамматик ва стилистик хусусиятлари ҳамда ўзбек лексикографияси тўғрисида фикр юртилади.

Ўзбек лексикологияси ва фразеологиясига доир баъзи терминлар ҳали барқарор бир ҳолга келиб етмаганидан бу ишда қатъийлашмаган баъзи бир терминлар ишлатилди.

Ушбу қўлланма 1962 йилда нашр қилинган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» программаси асосида ёзилди.

Ўзбек тилшунослари ва тил-адабиёт ўқитувчиларининг қўлланмада учрайдиган камчиликлар ва етишмовчиликларни бартараф этиш борасидаги фикрларини автор мамнуният билан қабул қилади.

# ЛЕКСИКОЛОГИЯ

## 1. КИРИШ

**1-§. Сўз тилдаги асосий бутунлик сифатида.** Тил кйшиларнинг фикрлари, ўйлари, истак ва мақсадларини юзага чиқарувчи асосий воситадир. Тил ўзининг бу хислати билан кишиларнинг фикр олишувини таъминлайди, жамият тараққиёти учун хизмат қилади.

Доҳий В. И. Ленин айтганидек, тил кишиларнинг энг муҳим ўзаро алоқа воситасидир. Тил одамларнинг фикрини, мақсадини, истагини, дунёқарашини рўёбга чиқаришда нутқ товушлари, сўзлар, гаплар билан иш кўради.

Сўз тилдаги асосий бутунлик ҳисобланади. Сўз икки томоннинг: шакл томони (ташқи томони, товуш ва унинг айтилиши) нинг ва маъно томони (ички томони) нинг бирлашмасидан, ўзаро алоқасидан иборатдир.

Сўзнинг фонетик, лексик-семантик ва грамматик томонлари мавжуд бўлиб, улар ўзаро мустаҳкам алоқада бўлади.

Сўзларнинг муносабатга киришувидан ҳосил бўладиган сўзлар боғланмаси тилшуносликнинг бир неча қисми учун текшириш объекти ҳисобланади.

1. Фонетика — сўзларнинг товуш томонини текширади.

2. Лексикология — лексик birlikларни, сўз бойлигини текширади.

3. Фразеология — сўзларнинг барқарор боғланмасини, фразеологик birlikларни, фразеологик ибораларни текширади.

4. Грамматика — сўзларнинг ўзгариши, сўз туркумлари; сўзларнинг эркин боғланмаси (сўз бирикмаси ва гап), гапнинг турлари ва бўлақларини текширади.

Тилшуносликнинг бу қисмлари бир-бирлари билан боғланган ҳолда иш кўради.

**2-§. Тилдаги луғавий birlikлар ҳақида.** Тилшуносликда луғат сўзи кенг маънода ишлатилади. Луғат лексик birlik (сўз бойлиги)ни ҳам, фразеологик birlik (ибора бойлиги)ни ҳам ўз ичига қамраб олади. Луғат китобларида сўз маънолари билан бир қаторда ибора маънолари ҳам изоҳланади.

Демак, сўз бойлиги билан ибора бойлиги йиғиндисига луғавий бирликлар дейилади.

Луғавий бирликлар иккига бўлинади:

1. Лексикология.

2. Фразеология.

Лексикология, юқорида айтилганидек, луғат составини, сўз бойлигини текширадиган билимдир. Лексикология — юнонча сўз бўлиб, икки ўзакдан: *lexikos* — луғавий, бу сўз эса *lexis* — сўз ва *logos* — билим сўзларидан ясалган. Демак, лексикология сўз ҳақидаги илмдир.

Фразеология, юқорида ёзилганидек, сўзларнинг барқарор боғланмасини, фразеологик бирликларни, фразеологик ибораларни ўргатадиган билимдир. (Фразеология сўзининг маънолари, фразеологиянинг қисмлари ва унга доир бошқа масалалар ҳақида шу қўлланманинг иккинчи бобида фикр юритилади).

**3-§. Лексикология қисмлари.** Лексикология асосан уч қисмга бўлиб ўрганилади:

1. Лексика — маълум бир тилнинг сўз бойлигини, луғат составини ўрганади.

2. Семантика — сўзларнинг маъносини ўрганади.

3. Этимология — сўзларнинг келиб чиқишини ўрганади.

Бу қисмлар ўзаро боғланган ҳолда ўрганилади.

**4-§. Лексикология турлари.** Лексикологиянинг уч асосий тури бор:

1. Умумий лексикология — барча тилларнинг сўзларига, лексик бирликларига хос бўлган қонуниятларни ўрганади.

2. Чоғиштирама лексикология — қариндош тилларнинг барчаси ёки бир нечасининг сўз бойлигини қиёсий текширади.

3. Конкрет лексикология. Бундай лексикология ўз навбатида иккига бўлинади:

а) тарихий лексикология — маълум бир конкрет тил сўз бойлигининг тарихий тараққиётини, ундаги сўзларнинг келиб чиқишини текширади;

б) тасвирий лексикология — конкрет бир тилнинг ҳозирги мавжуд сўз бойлигини ўрганади, унинг қонуниятларини текширади.

Тасвирий лексикология тарихий ва чоғиштирама лексикологиялардан ажралган ҳолда эмас, балки улар билан боғланган ҳолда иш кўради. Албатта, уларнинг текшириш объектлари ва вазифаларининг ҳар хил эканини ҳам унутмаслик керак.

## II. СЎЗ ВА УНИНГ МАЪНОЛАРИ

**5-§. Тушунча, сўз ва сўзнинг маъноси.** Тушунча мантиқ категорияларидан биридир. Тушунча объектив борлиқнинг умумий томонларини акс эттиради. Тушунча тафаккурнинг асосий бир шакли ҳисобланади. Тафаккур уч шаклда: тушунча, муҳо-

кама ва хулоса шаклларида ўз ифодасини топади. Тушунча предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг умумий томонлари ҳамда муҳим белгиларини ифодалайди. Муҳокама предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг тасдиқ ё инкор шаклида ўзаро алоқа ва муносабатларини кўрсатади. Хулоса ҳам фикрлаш жараёни бўлиб, бир ёки бир неча муҳокамадан янги бир муҳокамага келиш демакдир.

Сўз тафаккурнинг бир шакли бўлган тушунчани ифодалайди. Драма сўзи бир тушунчани ифодаласа, «Драма адабий жанрлардан ҳисобланади», «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма» (Уйғун) деган гаплар муҳокамани, нисбий тугал фикр-ни билдиради.

Сўз нутқ товушлари комплексидан (ол, ил, қол, бор, сатр, қалам, китоб, дафтар, каптар каби), баъзан биргина товушдан (у, э, о каби) иборат бўлади. Нутқ товушлари сўзнинг материал томони (ташқи томони) бўлса, маъно сўзнинг ички томонидир.

Сўз тилдаги асосий бутунлик саналади. Бу бутунлик эса, ўз функциясини грамматик шаклланиши натижасида бажаради. Масалан, *Бугунги ишни эртага қўйма* деган мақолдаги сўзлар муайян тартибда ва талаб қилинган грамматик шакллар (-ги, -ни, -га, -ма) билан қўлланмаганда эди (*бугун, эрта, қўй, иш* тарзида), фикр рўёбга чиқмай, мақсад англашилмай қолар эди. Шунинг учун ҳар бир сўз бир-бири билан боғланган маъно ва шакллар системасини ўзида акс эттиради. Сўзнинг лексик ва грамматик томонлари бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Демак, сўзнинг моҳиятини тушунмоқ учун унинг фонетик, лексик ва грамматик томонларига эътибор бериш керак.

Ҳар бир сўз, юқорида айтилганидек, товуш томони билан маъно томоннинг бирлашмасидан иборатдир. Сўзнинг товуш томони сўзнинг ўзи эмас, балки фақат унинг материали — ташқи томонидир. Нутқ товуши ўз-ўзича маънони билдирмайди, чунки ёлғиз олинган бир товушнинг (*э, к, л...*) ёки тартибсиз келтирилган товушлар комплексининг (*мркла, хлқа...*) маъноси йўқ, шунинг учун булар сўз саналмайди. Нутқ товушлари комплекси муайян бир тилнинг қоида-қонунларига мувофиқ маълум тартибда келгандагина, бир лексик-грамматик бутунлик ҳолида маънони ифодалай олади. Масалан: *кел, марка, халқ каби*.

Эслатма: **у, э, о** каби фонема-сўзлар тилда жуда оз бўлиб, булар юқорида айтилган сўзлардан мустаснодир.

Сўз маъноси сўз тузилишида алоҳида бир соҳа сифатида ўрганилади. Сўз маъноси, бир томондан, сўз проблемасига, иккинчидан, тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати проблема-сига тегишлидир.

Сўз маъноси — предмет, воқеа-ҳодисалар ёки улар орасидаги муносабатнинг киши онгида акс этишидир.

Сўз маъноси сўзнинг товуш томони билан ҳамиша бирга яшайди.

**6-§. Сўз ва контекст.** Сўз бир ва кўп маънони билдириши ёки тўғри ва кўчма маъноларда ишлатилиши<sup>1</sup> мумкин. Сўзнинг ҳар қандай маъноси контекстда аниқланади.

Контекст лотинча сўз бўлиб, *Contextus* — тўқиш, қўшиш, бириктириш маъноларини билдиради. Текст ёзилган асар ё унинг парчаси бўлса, контекст шу асар ёки унинг парчасининг нисбий тугал фикрни англатувчи қисми ҳисобланади. Контекст бир ёки бир неча гапдан иборат бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, бирор асарнинг, нутқнинг тугал фикрни англатадиган парчасига, мураккаб тушунча ёки тасаввурни ифодаладиган сўз бирикмасига контекст дейилади.

Сўзнинг у ёки бу маъносининг намоён бўлишида контекст ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қўйидаги икки контекстда ишлатилган *қўй* ва *бўри* сўзларининг маънолари солиштирилсин:

Ҳушёр ва қўрқмас чўпон *қўй*ларни *бўридан* омон сақлаб қолди.

Йигитлар мардикор, аёллар — чўри,  
Қизимиз *қўй* эди, амирлар — *бўри*.

(«Хат»дан.)

Кўриниб турибдики, биринчи парчадаги *қўй* ва *бўри* сўзлари тўғри маънода, шەърий парчадаги *қўй* ва *бўри* сўзлари кўчма маъноларда ишлатилган.

*Қуёш* сўзи планеталардан бирининг маъносини билдириши билан бирга, совет замони, совет даврини ифодаладиган кўчма маъноларда ҳам ишлатилади. Буни қўйидаги контекстларда аниқлаш мумкин:

Ер ҳамиша ўз ўқи атрофида ва *Қуёш* атрофида айланиб туради.

Бизнинг бахтга *Қуёш* чиққан  
Кундир бу кун, унутма!

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий.)

Шундай қилиб, лексик-семантик масалаларни аниқлашда, умуман, лингвистик таҳлилда контекстга эътибор бериш ва унинг хусусиятларини билиш зарур.

**7-§. Сўзнинг лексик ва грамматик маънолари.** Сўз предмет ва воқеа-ҳодисалар ҳақидаги конкрет ва абстракт тушунча-тасаввурларни англатади.

Сўзнинг предмет ё воқеа-ҳодисалар ҳақидаги дастлабки асосий маъноси, яъни реал маънони билдириши сўзнинг лек-

<sup>1</sup> Бу масалалар тўғрисида кейинги параграфларда тўхталади.



сик маъноси ҳисобланади. *Китоб* сўзи — ўқув қуролларидан бири, бу — сўзнинг лексик маъносидир.

Яна мисоллар: *Дарахт* — ўсимлик, *шамол* — табиий ҳодисалардан бири, *қизил* — предмет белгиси каби маънолар шу сўзларнинг лексик маъноларидир.

Сўзнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари унинг грамматик маъноси саналади.

Масалан, *китоб* сўзи сўз туркуми жиҳатдан содда турдош от, бирлик сонда, бош келишиқда, гапдаги вазифаси эга каби маъноларни билдириши *китоб* сўзининг грамматик маънолари ҳисобланади.

Яна мисоллар: *қизил* — сўз туркумига кўра сифат, маъноси жиҳатдан аслий сифат, *даражаси* — оддий, тузилиши — туб соддадир.

*Келди* — сўз туркумига кўра феъл, шакли — соф (тусланувчи), аспекти — бўлишли, майли — аниқлик, нисбати — аниқ, яқин ўтган замон, тузилиши — содда, учинчи шахс бирликда, гапдаги вазифаси — кесим ва шу кабилар.

**Кўп маъноли сўзлар.** Ҳар бир тилда, жумладан ўзбек тилида кўпчилик сўзлар бир неча маънони билдириб келади. Шунингдек, тилда биргина маънода қўлланиладиган сўзлар ҳам бор.

Биргина тушунча ё тасаввурни ифодалаб, бир маънони англатиб келган сўзлар бир маъноли сўзлар ёки моносемия деб аталади: *шаҳар, қишлоқ, урғу, равишдош, кесим, изоҳловчи, роман, ухламоқ, гапирмоқ, трактор, радио* сингари сўзлар бир маъноли сўзлар (моносемия) дандир.

Одатда фан, техника ва турли ҳунар соҳасидаги терминлар шу бир маъноли сўзлар асосида яратилади.

Икки ёки ундан ортиқ тушунчани ё тасаввурни ифодалаб, бир неча маънони билдириб келувчи сўзлар кўп маъноли сўзлар ёки полисемия дейилади.

Ўзбек тилида *бош, кўз, юз, тил, қўл, бел, қалам, йўл, ер, кўк, қош, тош, тиш, лаб, кеча, учрашув, тўғарак* каби сўзлар кўп маъноли сўзлар жумласидандир. Бундай сўзлардан *кўз* сўзининг бир неча маъносини кўриб чиқайлик:

Бобомнинг *кўзи* ҳали яхши кўради. (Бу мисолда *кўз* — кўриш органи маъносиди.)

Тўғоннинг *кўзи*; яранинг *кўзи*, игнанинг *кўзи*. (Бу сўз бирикмаларида *кўз* — тешиқ маъносиди.)

Узукнинг *кўзи*. (Узукка тақилган ёқут ё зумрад тош маъносиди.)

Деразанинг *кўзи*. (Деразанинг ойна қўйиладиган ўрни маъносиди.)

Тахтанинг *кўзи*. (Тахтанинг ўртасидаги ё бирон четигадаги доира ёки бошқа шаклда ажралиб турган қисми маъносиди.)

Кўп маъноли сўзлардан бўлган *кўз* сўзи булардан бошқа бир неча маъно нозикликларини билдириши ва кўчма маъноларда қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, бизнинг кунларда ишнинг *кўзини* билиб раҳбарлик қилиш керак. (Бу ўринда *кўз* сўзи ишнинг йўлини, сирини, олиб бориш усулини билиш маъносида). Энди билдим. *Кўзим очилди*. (*Ойбек*). (Бирор масалани кейинчалик билиб олиш, тушуниш маъносида.)

*Кўз олдида* ўғил-қизлари,  
Невараси, *кўзи қораси*.

(Ҳ. Олимжон.)

(*Кўз олдида* — ўзи билан бирга, *кўз қораси* — фарзанди, невараси маъноларидадир). У бу ишда *кўзи кўр*, *қулоғи кар* бўлиб юрди. (Ҳеч нарсани билмаслик, билмасликка солиш маъносида) ва шу кабилар.

Кўп маъноли сўзларнинг турли маънони англатишини ёки унинг хилма-хил маъно нозикликларини билдиришини контекстда аниқлаш мумкин.

Сўзлардаги кўп маънолилиқ ҳамда сўз маъноларининг нозик оттенкалари бадий адабиётда муҳим тасвирий восита сифатида, айниқса, кенг қўлланади.

**Сўзнинг тўғри ва кўчма маънолари.** Сўз маълум предмет ё воқеа-ҳодиса тўғрисидаги тушунчани ифодалаб, реал — лексик маънони англатиши билан бирга, айни замонда шу сўз бошқа контекстда бошқа хил маънони билдириб келиши ҳам мумкин.

Масалан, *Синелим, кўзгуни олиб келинг*, деган мисолда *кўзгу* сўзи ўзининг дастлабки, реал (лексик) маъносида қўлланиб, ойна ҳақидаги тушунчани ифодаламоқда.

Марксизм-ленинизм — *ҳаётимиз кўзгуси*. («*Қизил Ўзбекистон*».) Бу гапда *кўзгу* сўзи ўзининг тўғри маъносида эмас, балки кўчма маънода, марксизм-ленинизм таълимоти ҳаётимизни ёритувчи, халқимизни коммунизмга томон олиб борувчи каби маъноларда ишлатилган.

Ёки *баҳор* сўзини олайлик. *Баҳор* сўзи йил фаслларида бири деган тушунчани ифодалани билан бирга, бадий адабиётда, айниқса, унинг бир тури поэзияда кўпгина кўчма маъноларда ҳам қўлланади:

Жануб қуёшида қайнаган кунда  
Буюк Эльбруснинг ярқирар қори.  
Подшодан узоқ, оғир сургунда  
Тўлишарди рус шеърининг баҳори.

(Ҳ. Олимжон.)

Бу парчада шоир *баҳор* сўзини кўчма маънода ишлатган. Бунда рус поэзиясининг ривожланаётган даври баҳорга ўхша-

тилиб, улуғ рус шоири А. С. Пушкиннинг поэтик ижодиёти шунга нисбат берилган.

Сўзнинг лексик маъноси сўзнинг тўғри маъноси саналади. Масалан, *қуёш юлдуз* — планетадир, бу маънолар *қуёш, юлдуз, хазина* сўзларининг лексик, тўғри маъноларидир.

Кишилар ишлаб чиқариш процессидаги, турмуш ва бошқа соҳалардаги ўз тажрибаларига таяниб, сўзларни ўхшатиш, киноя, муболаға, сифатлаш ва бошқа усуллар билан хилма-хил кўчма маъноларда фойдаланадилар.

Демак, сўзнинг ўз реал, лексик, тўғри маъносидан ташқари, ўхшатиш, муболаға ё киноя каби усуллар билан бошқа маъноларда қўлланиши сўзнинг кўчма маъноси дейилади.

Юқорида тўғри маънода қўлланган *қуёш, юлдуз, хазина* сўзларининг қуйида кўчма маъноларда ишлатилганини кўриб чиқайлик:

*Бу — Шарқнинг юлдузи Ўзбекистондир. (Ҳ. Олимжон.)  
Нур сочар республикамнинг кўксига икки қуёш.*

Биринчи мисрада *юлдуз* — Ўзбекистонни, иккинчи мисрада *қуёш* — Ленин орденини билдириб келган.

Албатта, юқорида мисол сифатида келтирилган сўзлар бошқа контекстларда яна турлича кўчма маъноларда қўлланиши ҳам мумкин.

Масалан, Ҳ. Олимжон *қуёш* сўзини тўғри маъносида ишлатишдан ташқари, яна бир неча кўчма маъноларда (тинчлик-омонлик; электр кучи, нури; талантлар, машҳур шахслар ва бошқа маъноларда) фойдаланган. Мисолларга мурожаат қилайлик:

Қоронғулик йўқолиб,  
Тонг тамом ёйилади.  
Дунё нур ичра қолиб,  
Қуёш билан тўлади.

Одамлар уйларига  
Қайтишадилар шунда  
Ва гўёки ҳеч нарса  
Ўтмагандай бу тунда.

(«Роксананинг кўз ёшлари».)

Жаҳон бўлар экан чароғон,  
Машиналар айлана бошлар.  
Тунда кезар экан далани  
Тўда-тўда бўлиб қуёшлар.

(«Икки қизнинг ҳикояси».)

Қанча бўстонлар вабо айёмида бўлди хазон,  
Зўр жаҳаннам ичра ёнди қанча номус, қанча жон,  
Не қуёшлар ўртаниб, тош бағридан топди ўлим,  
Неча дарёларни ютди ўт бўлиб ёнгувчи қум.

(«Бахтимиз тарихига».)

Сўзларни тўғри маъноларидан ташқари, хилма-хил кўчма маъноларда қўллаш бир неча турли бўлиб, улардан метафора, метонимия ва синекдоха каби турларини кўриб ўтайлик.

**Метафора.** Бу сўз юнонча бўлиб, *metaphora* — кўчириш, кўчирма, истиора демакдир. Метафора сўзни кўчма маънода қўллашнинг бир туридир. Метафорада маълум предмет ё воқеа-ҳодисанинг бирон томонни ёки айрим белгиси билан бошқа предмет ё воқеа-ҳодисанинг ўхшашлиги аниқланади. Бундай ҳолда предметларнинг ранг, шакл, ҳаракат-ҳолат характери, ўрин ва пайтга муносабати жиҳатдан ўхшашлигига асосланилади. Метафорада сўз маъноси ўзгаради, тушунча ё тасаввур эса тамоман ўзгармай, балки унинг дастлабки маълум белгиси қолган бўлади.

Масалан: *Сўз санъатининг боши фолъклордир. (М. Горький). Эга билан кесим гапнинг бош бўлақларидир. Қош қорайган пайтда Муқимий Яйпан қишлоғига кириб келди. («Қизил Ўзбекистон».)*

*Кириб шоҳнинг қошига шоир,  
Таъзим, қуллуқ адо қиладир.*

(Ойбек.)

Мисолларнинг биринчисида *бош* сўзи кўчма маънода бўлиб, пайтга ва ўринга нисбатан ўхшашликни билдириб, бадний адабиётнинг бошланиши, биринчи намуналари маъносида ишлатилган.

Қиши, ҳайвон, паррандалар организмнинг бир қисми бўлган бош тананинг юқорисиди, барча органлардан юқори, биринчи ўринда жойлашган. Бошнинг шу хусусиятига нисбат берилиб, бир неча кўчма маънолар юзага келтирилган. Шунингдек, бош организм учун жуда муҳим вазифани — барча нервларни идора қилиш функциясини бажаради. Бошнинг бу хусусиятига кўра ҳам бир неча кўчма маънолар майдонга келтирилган. Демак, биргина бош сўзининг турлича хусусиятларига қараб, бир неча кўчма маъноли сўз ва иборалар ҳосил қилинган.

Метафорани иккига бўлиб, тилшунослик ва адабиётшунослик метафоралари бўлади, деб қараш маъқул эмас. Чунки метафора сўзларни кўчма маънода қўллашнинг бир тури, бу кўчма маънолар сўзлар орқали, яъни тил материали билан юзага келиши туфайли уни икки фанда икки хил деб кўрсатишга ҳожат йўқ. Метафоралар хоҳ тор, хоҳ кенг маънода бўлмасин, у сўзларни кўчма маънода ишлатишни билдиради.

Мисол: *Пахта — колхоз рўзгорининг фили.* (Ойбек.) Бу гапда *фил* сўзи кўчма маънода қўлланган.

Ўзбекистон шароитида пахтанинг колхоз ҳаётида, деҳқончиликда энг муҳим, энг зарур экин эканлиги таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам, пахтанинг инсон турмуши учун зарурлиги, ундан

хилма-хил нарсалар (газлама, ип, ёғ, совун, кунжара, шелуха, қоғоз ва бошқа шу кабилар)нинг олиниши ҳаммага аёндыр.

Маълумки, Ҳиндистонда ва бошқа иқлими иссиқ мамлакатларда фил энг зарур ҳайвон бўлиб, унинг кучидан транспорт сифатида кенг фойдаланилади. Филнинг суяги ҳам муҳим буюм саналади. Шунинг учун ҳам ёзувчи Ойбек моддий ва маънавий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган пахтани филга қиёслаб тасвирлаган.

Коммунистик ниҳоллар моҳиятини кўрсатиш... керак. («Қишлоқ Ўзбекистон».)

Бу гапдаги *ниҳоллар* сўзи — ёшлар, ўсиб келаётган кадрлар маъносида, метафора сифатида фойдаланилган.

*Бизга ётдыр Ширин бахтини  
Поймол этган у қоп-қора тун.*

(Ҳ. Олимжон.)

*Тун* сўзининг тўғри маъноси вақт бирлиги бўлиб, сутканинг бир қисмидир. Лекин бу парчада *тун* сўзи кўчган маънода — қора ўтмиш, эркисизлик, феодализм замони деган маънони англатмоқда.

**Метонимия.** Бу сўз юнонча *metonymia* — янги ном қўйиш, номини ўзгартириш демакдир. Метонимияда бирор предмет ёки воқеа-ҳодисанинг номини айтганда шуларга ўзаро боғлиқ бўлган иккинчиси англашилади, бир ном орқали иккинчиси ифода этилади. Бунда предметларнинг ички ёки ташқи томонларининг ўхшашлиги кўзда тутилмайди.

Мисоллар: *Навой „Қуш тили“ устида тўлгин завқ билан тилиди (Ойбек.)* деган гапда «*Қуш тили*» сўзи орқали иккинчи бир сўз — китоб (асар) ҳам англашилмоқда, яъни китоб сўзи ҳақидаги тушунча «*Қуш тили*» сўзига кўчирилмоқда, чунки бу икки сўз ўртасида ўзаро боғланиш мавжуддыр.

*Гектар-гектар саналган ерда  
«Ҳакимзода» колхозчисининг  
Тўқ турмуши кезиб юради.*

(Ҳ. Олимжон.)

Бунда *Ҳакимзода* сўзи Ҳамза Ҳакимзода номидаги колхозни билдириб келмоқда, яъни колхоз тушунчаси «*Ҳакимзода*» сўзига кўчирилмоқда.

*С. Иброҳимов — «Совет Ўзбекистони» муҳбири* деган гапда газета сўзи «Совет Ўзбекистони» сўзи орқали англашилмоқда.

Агар биз «Навойни мутолаа қилдик» ёки «Ойбекни ўқидик» десак, Навой ва Ойбек асарларини ўқиганлигимизни англатамиз. «Асарларини» деб таъкидламасак ҳам, авторлар ва асарлари орасида макон ва замонга кўра донмий боғлиқлик уни англаб олишга имкон беради.

**Синекдоха.** Бу сўз ҳам юнонча бўлиб, *Synecdoche* — биргалликда ўйламоқ, фаҳмламоқ демакдир. Синекдоха ҳам сўзларни кўчма маънода қўллашнинг бир хилидир. Синекдоха метонимияга жуда яқин, бироқ у предметларнинг миқдор, сон жиҳатдан маъносини кўчириш билан фарқ қилади.

Синекдохада бутун ҳақидаги тушунча бўлак тушунчаси орқали ва, аксинча, бўлак тушунчаси бутун тушунчаси орқали ифода этилади. Шунингдек, кўплик сон бирлик сон орқали, бирлик сон эса кўплик сон билан билдирилади.

Мисол: *Боғингдан, гулзорингдан,  
Хат келтирдим ёрингдан.  
Йўлларингга қараб қолган,  
Кўзлари хуморингдан.*

(Ҳ. Олимжон.)

Бу банддаги Ватан сўзи *боғ, гулзор* сўзлари орқали, яъни Ватаннинг бир бўлаги билан, шунингдек, сеvimли қиз (ё) сўзи *кўзлари хумор*, яъни дилбар чехрасининг бир бўлаги орқали ифода этилмоқда.

Яна: *Республиканинг колхоз қишлоғида туғилган кўп-ла кичкинтой граждaнлари жуда соz шароитда яшаш ва ўқий-имкониятига эга.* («Қизил Ўзбекистон».)

*Навоийлар* замонасида эски ўзбек тилида ва боғловчиси такрорланувчи боғловчи тарзида ишлатилган бўлса, ҳозирги вагон ўзбек адабий тилида у (на) якка боғловчи саналади.

*Колхоз раиси ўзи учун машина сотиб олди.*

Биринчи мисолда *болалар сўзи граждaнлар* сўзи орқали, яъни ҳали ҳуқуққа эга бўлмаган ёшлар — кичкинтойлар тушунчаси мамлакатнинг ҳуқуққа эга бўлган кишилари — граждaнлар тушунчаси билан; иккинчи мисолда кўплик тушунчаси бирлик тушунчаси билан (*Навоий* сўзи орқали) ва охири мисолда тур тушунчасини билдирувчи *автомобиль* сўзи тўда маъносини билдирувчи *машина* сўзи орқали ифодаланган.

Сўзларни метафора, метонимия, синекдоха ёрдами билан кўчма маъноларда қўллаш тил луғат составининг, айниқса сўзлар семантикасининг доирасини кенгайтиради ва лексикани бойнатади.

Сўзларни кўчма маънода ишлатишнинг турларидан бўлган метафора, метонимия ва синекдоха бадий адабиётда муҳим тасвирлаш воситаларидан ҳисобланади.

**8-§. Сўз маъноларининг ўзгарувчанлиги.** Тил кишилик жамияти билан бирга пайдо бўлган, у билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келмоқда. Бу тараққиёт давомида тилнинг луғат состави — сўз бойлиги аста-секинлик билан ўзгаради ва бойиб боради. Луғат составидаги айрим сўзлар эскириб, истеймолдан чиқиб қолади, анчагина янги сўзлар пайдо бўлади ёки бошқа тиллардан янги сўзлар қабул қилинади. Тилнинг грамматик

қурилиши эса жуда ҳам секинлик билан ўзгаради, силлиқлашади ва мукамаллашиб боради.

Тил луғат составининг ўзгариши билан боғлиқ равишда сўз маънолари ҳам ўзгара боради. Бу ўзгариш тилнинг бутун тарихий тараққиёти давомида юз беради. Баъзи сўзлар шаклан ўзгармай, маъно томондан ўзгаради, бир маънони билдирган сўз бир неча маънони ифодалай бошлайди ва ҳоказо.

Тилда мавжуд бўлган сўз маъноларининг тарихий ўзгаришидан сўз маъноларининг кенгайиши ва торайиши тўғрисида тўхтаб ўтайлик.

**Маънонинг кенгайиши.** Замон ўтиши билан тилдаги баъзи сўзлар дастлабки англатган маъноларидан ташқари, яна бошқа янги маъноларни ифодалай бошлайди.

Масалан, ўзбек тилида *ватан* сўзи дастлаб бировнинг мулки, уйи маъносини ифодалаган. Кейинчалик, у сўз дастлабки маъноси билан бир қаторда район, иттифоқчи республика ва СССР маъноларини ҳам билдира бошлайди.

Мисоллар чоғиштирилсин: *Раҳимнинг туғилган ватани — Самарқандда. Бизнинг ватанимиз — СССР нинг пахта базаси. Совет ватани — тинчлик таянчи ва бошқалар.*

Кураш сўзининг маъноларига эътибор беринг, *Бу икки полвон курашда ғолиб чиқди. Аъло ўқиш учун кураш — ҳар бир студентнинг бурчи. Социалистик мамлакатлар, жаҳондаги барча прогрессив инсоният тинчлик учун кураш олиб бормоқда.*

Совет даврида ўзбек тили луғат составида мавжуд бўлган маълум сўзларнинг маънолари кенгая бошлади. Ҳозирги ўзбек миллий адабий тилида *бурчак, тўғарак, оила, ўзлаштириш, карнай, йўл, кеча, ютуқ, бошланғич, қуро* каби сўзлар маънолари кенгайган сўзлардан саналади.

**Маънонинг торайиши.** Даврлар ўтиши билан икки ё уч маънони ифодалаган сўз бир ёки икки маъносини йўқотиб, биргина маъносини сақлаб қолади. Бундай семантик ҳодиса тилда сўз маъноларининг торайиши номи билан юритилади.

Масалан: ўзбек тилида *ичкари* сўзи ҳам бирор бино ё нарсанинг ички қисмини, ҳам илгари хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигини ифодалаган бўлса, ҳозирги даврда у сўз фақат биргина маъно (маълум бино ёки нарсанинг ичкараси)ни билдиради.

«*Кийик* сўзи XI асрда Маҳмуд Қошғарий изоҳига кўра, — деб ёзади кўзга кўринган олим С. Муталлибов, — ҳар бир *вахший* ҳайвонга нисбатан ҳам қўлланган. Сўнг уларнинг бир хилигагина: *оҳуға* хосланиб қолган. Бу мисолда сўз маъноси тўлиқ равишда торайгандир»<sup>1</sup>.

Ҳозирги ўзбек миллий адабий тилида *пшчи, ош, жой, ҳарф бир, ҳикмат* сўзлари маъноси торайган сўзлар жумласидандир.

<sup>1</sup> Қаранг: С. Муталлибов, *Морфология ва лексика тарихидан қисқача* очерк, 1959, 166-бет.

Замонлар ўтиши натижасида айрим сўзлар ўзининг объекти билан боғлиқ равишда умумистеъмолдан чиқиб қолади, архаизм ё тарихий сўзга айлана бошлайди. Бироқ айрим ҳолларда ўша эскирган сўзлар янги объектининг ифодаси учун яна ишлатила бошланади. Бундай ҳол эскирган сўзларнинг янги маънода қўлланиши ҳисобланади.

Масалан, ўзбек тилида *арбоб* сўзи революциядан бурун бир қишлоқ ҳокими, яъни эксплуататорни ифодалаган бўлса, революциядан сўнг бу сўз бир неча йил истеъмол қилинмади, чунки у тарихий сўзга айланган эди. Аммо, маълум давр ўтгач, бу эскирган сўз тагин янги объект ифодаси учун янги маънода қўллана бошлади. Ҳозирги кунда *арбоб* сўзи фан, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларда танилган, жамиятимизнинг равнақи учун хизмат қилувчи машҳур киши маъносига фойдаланилади: *Халқимиз фан арбобларини чуқур ҳурмат қилади. Санъат арбоби Тўхтасин Жалилов кўпгина куйларнинг авторидир.*

Эскириб умумистеъмолдан чиққан, кейинчалик яна янги маънода ишлатила бошлаган сўзлардан *миқаддас, табаррук, раис, ходим, миришкор, домла, мушоира* каби сўзларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Сўз маъноларининг тарихий ўзгарувчанлиги ҳар бир тил тараққиётининг ички қонуниятлари асосида майдонга келади. Тилдаги бундай ҳоллар миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишини очиқ-равшан кўрсатиб беради.

**9- §. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари.** Тилда сўзлар хилма-хил хусусиятларга эга бўлади. Маълум бир тушунча ё тасаввурни бир сўз эмас, балки бир неча сўз ҳам ифодалаб келиши мумкин. Аксинча, биргина сўз орқали бир неча тушунча ё тасаввур ифодаланиб, бир неча маъно англашилади. Баъзи сўзларнинг маънолари бир-бирига зид бўлиб, қарама-қарши тушунчаларни ёки тасаввурларни ифодалаб келади. Мана шундай маъно ва шакл муносабатларига кўра сўзлар, асосан, уч хил бўлади: омонимлар, синонимлар ва антонимлар. Буларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

**Омонимлар.** Омоним сўзи юнунча бўлиб, *homos* — бир хил, опута — ном, яъни бир хил ном, бир хил сўз демакдир. Бу тор маъно омонимларнинг ҳозирги даврда англатаётган маъносига тўғри келмайди. Омонимларнинг моҳиятини тушунмоқ учун унинг уч белгисини билиш керак: биринчидан, ҳар бир омоним икки ё ундан ортиқ мустақил маънога эга бўлган сўзлардир. Иккинчидан, шу сўзлардаги барча товушлар бир хил талаффуз қилинади. Учинчидан, шу сўзларнинг ҳаммаси бир шаклда ёзилади.



Шундай қилиб, ҳам талаффуз, ҳам ёзув жиҳатдан бир хил, мустақил маъноли икки ва ундан ортиқ сўзларга омонимлар дейилади.

Мисоллар:

Ёз ганимат, ерни ҳайда, дона соч,  
Кексалик келмай, оқармай бошда соч.  
Қушчалар, боғингда яйраб сайрасни,  
Энг гўзал қушдир чуғурчиқ ичра соч.

(Ҳабибий.)

Биринчи мисрада *соч* — эк, уруғни эк маъносини, иккинчи мисрада кишининг бошидаги *соч*, охириги мисрада сайроқи ўрмон қуши, чуғурчиқнинг бир тури — майна маъносини билдириб келмоқда.

Шунингдек, *кеч* деган омонимнинг маъноларини қуйида кўриб чиқайлик:

Ҳар қанча билсанг-да, ўқи эрта-кеч,  
Билим тоғига чиқ, денгизини *кеч*.  
Қуруқ савлатингга маҳлиё бўлма,  
Меҳнат-машаққатсиз ҳаловатдан *кеч*.

(И. Салоҳ.)

Биринчи мисрада *кеч* сўзи — кечқурун, кечаси маъносини, иккинчи мисрада ўтгин, сакрагин маъносини, сўнги мисрада баҳридан кечмоқ маъносини ифодаламақда.

Омонимлар материал томондан, яъни қайси сўз туркумларидан бўлишига кўра асосан икки турли бўлади:

1. Бир сўз туркумига тегишли бўлган омонимлар.

*Мол* — чорва (от).  
          — газлама (от).  
*Май* — икки литр май (от).  
          — 15 май куни (от).

2. Бир неча сўз туркумига тегишли бўлган омонимлар.

*Тер* — Пахта тер (феъл).  
          — Тер тўкиб ишлади (от).  
          — Қирқ сўм пул (сон).  
*Қирқ* — сочини қирқ (феъл).

Омонимлар маъно миқдорига кўра турличадир. Кўпгина омонимлар икки маъноли, баъзилари эса уч-тўрт маъноли бўлади.

Омонимларнинг бой маъно англатиш хусусиятларини ўз даврида улуғ ўзбек шоири ва олими А. Навоий ўзининг «Муҳокаматул луғатайн» номли тилшунослик асарига қайд қилиб ўтган эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий, Танланган асарлар, III том, 1948 йил, 182—183-бетлар.

Омонимларнинг маъно миқдорига кўра турларидан баъзиларини кўриб чиқайлик:

1. Икки маънони билдирувчи омонимларга мисол:

Оқин — Халқ оқини (шоири).  
— Сув оқини.

2. Уч маънони билдирувчи омонимларга мисол:

Ошиқ — Мажлисда юздан ошиқ киши бор.  
— Ошиқ ўйнамоқ зарарли.  
— Ошиқ бўлмоқ уят эмас.

Тилда омонимлар турли йўллар билан пайдо бўлади. Булардан баъзиларини кўриб ўтайлик:

1. Маълум бир тилда, масалан, ўзбек тилида турли сўз туркумларига тегишли бўлган айрим сўзларнинг шаклан бир хилда бўлиши, бир хил талаффуз қилиниши натижасида омонимлар вужудга келади.

Чунончи, қил сўзини олайлик: бу сўз туркумига кириб, отнинг қили маъносини билдиради; феъл туркумига кириб адо эт, бажар маъноларини англатади.

Яна:

Кўй — Беш бош кўй (от).  
— Дафтарни столга кўй (феъл).

2. Баъзи сўзларнинг маъно хусусиятлари орасидаги ўзаро муносабатнинг борган сари узоқлашиши натижасида омонимлар юзага келади:

Кун — Кун чиқди, иш бошлаймиз.  
— Кун кўриш осон бўлди.  
Ой — Янги ой чиқди.  
— Ўттиз кун бир ой.

3. Маълум сўзнинг ўзак-негизидан қўшимчалар орқали янги сўзлар ясалиши натижасида омонимлар ҳосил бўлади.

Ойлик — Ойлик (маош) олдим.  
— Ойлик план бажарилди.  
Кундалик — Сенда кундалик (дафтар) борми?  
— Кундалик иш нормаси белгилаб берилди.

4. Бир тилга иккинчи бир тилдан сўз олиниши натижасида омонимлар пайдо бўлади. Масалан, ўзбек тилига рус тилидан май (ой номларидан бири: 10 май), тур (спорт термини: иккинчи тур бошланди) каби сўзларнинг кириб келиши билан тилимизда мавжуд май (вино), тур (хил) сўzlари ўз омонимларига эга бўлиб қолди.

Омонимлар катта аҳамиятга эга. Омонимлар кишининг чуқур фикр юритишига ёрдам беради. Омонимлар тасвирлаш воситаларидан бири сифатида бадий адабиётда ишлатилади, шу йўл билан ўзига хос сўз ўйини (тажнис) ҳосил бўлади. Омонимлар шеъриятга алоҳида бадийлик бағишлайди. Ўзбек адабиёти тарихида омонимлар ёрдами билан янги бир жанр, яъни туюқ жанри (тажниси том) майдонга келтирилган. Бу соҳада Лутфий, Навоий каби ўзбек классик шоирларининг хизмати катта бўлган.

Алишер Навоий туюқларидан бир мисол:

Олмани сунди нигорим — ол! — деди.  
Олма бир-ла бу кўнгилни ол! — деди.  
Сўрдим эрса олмасининг рангини,  
Не сўрарсан? Олма ранги — ол! — деди.

Бу туюқда ол сўзи биринчи сатрда олгин, иккинчи мисрада мафтун қил, хурсанд қил, тўртинчи йўлда қизил ранг маъноларида ишлатилган.

Ҳозирги давр ўзбек шеъриятида ҳам янги туюқлар яратилган. Улардан икки мисол:

Қилмаса меҳнат киши, йўқ нону ош.  
Луқма бўлса шубҳали гар, бўлмас ош.  
Бир улуғ мақсадни кўзлаб олға бос,  
Бўлса ҳам йўлда довону тоғлар, ош!

(Ҳабибий.)

Бир марта сўзласанг, ўйла неча бор.  
Билмасанг, билганлар ҳузурига бор.  
Бурун кўтармоқни ким қўйди сенга,  
Ахир, ақллироқ ўзгалар ҳам бор.

(И. Салоҳ.)

Юқорида фақат лексик омонимлар ҳақида фикр юритилди. Лекин, тилда лексик омонимлардан ташқари, грамматик омонимлар (омоморфемалар) ёки омонимик аффикслар, лексик-грамматик омонимлар (омофонлар, омографлар, омоформалар) ва фразеологик омонимлар борки, буларни бир-бирлари билан аралаштириш ярамайди. Бу ўринда омонимия деб юқорида кўрсатилган барча омонимик ҳодисаларни кенг маънода тушуниш керак бўлади. Омонимия деганда ёлғиз лексик омонимларни эмас, шу билан бирга, грамматик омонимлар, лексик-грамматик омонимлар ва фразеологик омонимларни ҳам англаш лозим.

Лексик-семантик омонимлар ҳисобланган омофонлар, омографлар ва омоформалар тўғрисида қисман тўхтаб ўтамиз.

**1. Омофонлар.** Бу сўз юнонча бўлиб, *homos* — бир хил, *phone* — товуш, яъни товуши бир хил сўзлардир. Омофонларни

айтганда оҳанг, талаффуз бир хилда эшитилади, аммо ёзувда бундай сўзлар бошқа-бошқа шаклда бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, омофонларда бутун бир сўздан биргина товуш иккинчи шу хилдаги сўзнинг бир товушидан фарқ қилиб, қолган товушлари иккала сўзда бир хилдир. Омофонлар маъно томондан бошқа-бошқа сўзлардир. Ундай сўзлар ёзилишида қисман фарқланса ҳам, жуда яқин талаффуз этилади:

Менга бегона *ёт*. Мени гангитмас  
Атом дағдағаси, олтин тожу тахт.

(С. Акбарий.)

Шу байроқ остида маҳв этдик душманни,  
Партия ва Ленин номини этиб *ёд*.

(Т. Тўла.)

Мисоллардаги *ёт* ва *ёд* сўзлари ҳар хил ёзилган, маънолари ҳам ўзгача, бироқ *ёд* сўзидаги *о* товуши жарангсизланиб, *ёт* сўзидаги *т* дек талаффуз этилади.

Яна мисол:

Тушмаса юзга ҳеч ажнндан из,  
Яна бир муддаоки ҳал бўлса.  
Бахтимиз борҳо ёйиб илдиз.  
Умримиз бир *аср* тугал бўлса.

(Ҳ. Олимжон.)

Соатларча *асир* нигоҳи  
Бўлар эди учган қанотда.

(Ҳ. Олимжон.)

Биринчи мисолдаги *аср* сўзи юз йил маъносига, иккинчисига *асир* сўзи банд бўлиш маъносига келган. Бу икки сўзнинг ёзилиши ҳам, маъноси ҳам ҳар хил бўлса-да, аммо талаффузи яқиндир.

Ўзбек тилида *туг-тук*, *туз-тус*, *туб-туп*, *судхўр-сутхўр*, *там-бур-танбур*, *шёр-шер* сўзлари ҳам омофонлар саналади.

2. Омографлар: бу сўз ҳам юнонча бўлиб, *homos* — бир хил *гарҳо* — ёзув, яъни бир хилда ёзиладиган сўзлардир. Омографлар ёки омограммалар айни бир сўзда урғунинг турлича ҳолатларда турли бўғинларга туриши билан вужудга келади. Омографлар шу хусусияти билан лексик омонимлардан қисман фарқ қилади, лекин шаклан бир хил, маъно томондан ҳар хил сўзлар бўлиши жиҳатидан омонимларга кўпроқ ўхшайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, лексик омонимлар икки сўздан тўрт-беш сўзгача бўлиши мумкин, бироқ омографлар фақат икки сўздан иборат бўлади:

Бир тўда одам билан  
Бўлиб тоза овора,

Мозор бошига бирдан  
Етиб келади Сора.

(Ҳ. Олимжон.)

Йўқ, ҳали йўқ. Ҳали *тоза* виждоним,  
Оташгоҳнинг оловида бу жоним.

(Ҳ. Олимжон.)

Биринчи тўрт мисрада *тоза* сўзи омограф бўлиб, урғуси биринчи бўғинга тушган ва жуда ҳам, ниҳоятда деган маънони билдирмоқда, иккинчи мисолда эса *тоза* сўзининг урғуси иккинчи бўғинда бўлиб, соф, пок, гард юлмаган деган маъноларни англатиб келмоқда.

Яна қуйидаги парчалардаги омографларга эътибор берайлик:

Боғда *гуллар* очилган,  
Ҳиди ҳар ён сочилган.

(Қўшиқ.)

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,  
Ҳар бир қалбда ишқ бўлар меҳмон.  
Ҳар юракда *гуллар* муҳаббат,  
Бўстон этар уни бегумон.

(Ҳ. Олимжон.)

Биринчи байтдаги *гуллар* — чечаклар (от), иккинчи бандда *гуллар* — гуллайди (февл) дир.

*Олма*—*блма*, *туғма* — *туғма*, *қондир* — *қондир*, *қизча*—*қизча*, *бошлар* — *бошлар*, *излар* — *излар* каби сўзлар омографлар жумласидандир.

**3. Омоформалар** ҳам юнонча *homos* ва лотинча *logma* лексикограмматик омонимларга кирадиган масалалардан биридир. Омоформаларда иккита айрим-айрим сўз товушлар (ҳарфлар) миқдори ва шакли жиҳатдан ўхшаш бўлади, ammo маъно томондан ўлар бошқа-бошқадир. Омоформаларда бир сўз бир урғуга эга бўлса, қолган иккита сўз (шунга ўхшаш бўлган икки компонент) икки урғу билан талаффуз қилинади. Бундай сўзларда биринчи компонент (чунончи, *мардона*) паузасиз бўлса, иккинчи компонент (*мард она*) пауза билан айтилади.

Демак, иккита айрим-айрим келган сўзларнинг маълум бир сўзга ўхшаб келиш ҳодисаси омоформа дейилади.

Мисоллар:

Икки она ўртасида гангиб қолди бўз ўғлон,  
Иккови ҳам жондан азиз, иккови ҳам парвона,  
Бирни жигарпорасидир, бири асл *мард она*.

(Т. Тўла.)

Бу... Матросовнинг, Гастеллонинг, Зоянинг,  
Назарали Ниёзовнинг мард, *мардона* нақаз!

(Т. Тўла.)

Мисоллардаги *мард она* ва *мардона* сўзлари аслида омонимлар бўлмаса-да, бироқ у сўзлар бир-бирига шаклан ҳам товуш миқдори томондан ўхшашдир. Шунинг учун ҳам улар омоформалар ҳисобланади.

Яна бир мисол:

*Дилбаро, ўлтур, бошингдин айланай,  
Пандим ол. ўлсам сўнгогим айла най.*

(Увайсий.)

Ўзбек тилида *қаҳрамон она* ва *қаҳрамонона*, *жон ватан* ҳамда *жон ва тан*, *бутун* ва *бу тун* кабилар ҳам омоформалардандир.

Эслатма: Омонимия ҳодисасини полисемантик сўزلардан фарқлаш керак. Булар орасидаги тафовутни тубандаги асосий белгилар орқали ажратиш мумкин.

1. Полисемантик сўзлар маъно жиҳатдан ўзаро боғланган бўлса, омонимларда бундай ҳолат, яъни семантик жиҳатдан боғланиш асосан йўқ.

2. Полисемантик сўзлар бир сўзнинг тил тараққиёти қонунарига мувофиқ янги маъно ва янги маъно познкликлари билан бойишининг натижасидир, омонимлар эса бир неча мустақил сўзларнинг бирлашишидан иборатдир.

3. Ўзбек тилида икки маънони билдирувчи омонимдан тўрт маънони ифодаловчи омонимгача бор. Полисемантик сўзлар эса маъно миқдори жиҳатдан бундан ҳам ортиқ маънони билдириб келади. Бундай полисемантик сўзларнинг маъноси эркин сўзлар боғланмаси (сўз бирикмалари ва гап), айниқса барқарор сўзлар боғланмаси (фразеологик иборалар) таркибида очиқ-равшан билинади.

**Синонимлар.** Синоним сўзи юнунча бўлиб, *synonim* — бир хил номли демакдир. Бу топ маъно синонимлар моҳиятини тўлиқ ифодадай олмайди. Синонимлар ўз таркибидаги товушлари, талаффузи жиҳатдан бошқа-бошқа бўлган сўзлардир. Синонимлар шаклан бошқа бўлса-да, маъно жиҳатдан айти бир тушунча ё тасаввурни ифодалаб, бирлаштирувчи бир маънони билдиради. Бир синонимик қаторга кирувчи сўзларнинг бирлаштирувчи маъноси бир хил бўлса-да, лекин бу сўзларнинг маъно оттенкалари уларнинг бир-биридан фарқини кўрсатади.

Демак, бирлаштирувчи маъноси бир хил, талаффуз ва ёзилиши ҳамда қўшимча маънолари ҳар хил бўлган сўзларга синонимлар дейилади:

Мисоллар:

Тинмай эсар ҳар томонда ел,  
Қўймай сочар ўрикнинг гулин.

(Ҳ. Олимжон.)

...Ва *шаббода* қурғур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг тётини.

(Ҳ. Олимжон.)

Дарё тўлқин *шамол* қўйнида,  
Парилламоқдадир чироқлар.

(Ҳ. Олимжон.)

Шеърый парчаларда *ел//шамол//шаббода* бир синонимик қаторни ташкил қилган.

Бир тушунчани ифодалашига кўра ўзаро синоним ҳисобланган сўзлар группаси синонимлар қатори ёки синонимик қатор дейилади. Шунингдек, қуйидаги икки мисрада *қайғу* (*ғам*) *алам* сўзлари бир синонимик қаторни ташкил этади.

Ердаги *аламлар, қайғулар, ғамлар,*  
*Фарёдлар* ўтида ёна бошлади.

(Ҳ. Олимжон.)

Бир синонимик қаторга кирувчи сўзларнинг қайсилари тенг маънога эга бўлиб, бир хил қўлланиши ва қайсилари маъно оттенкалари билан фарқ қилишга кўра иккига бўлинади:

1. Идиографик синонимлар — ҳар вақт, ҳар қандай текстда тенг қўлланадиган, бир-бирини алмаштирадиган синонимлардир: *буюк//улуғ, дунё//жаҳон//олам, кўк//осмон, сўзламоқ//гапирмоқ* кабилар.

2. Стилистик синонимлар — ҳар қандай текстда тенг ишлатилмайдиган, маъно нозикликлари фарқ этилиб қўлланадиган синонимлардир: *буюк//улуғ//улкан//катта//зўр//гигант* (буюк бинолар, улуғ бинолар, улкан бинолар, катта бинолар, зўр бинолар, гигант бинолар) деб қўллаш мумкин, аммо буюк доҳий//улуғ доҳий бирикмасини улкан доҳий ёки гигант доҳий формасида ишлатиш тил нормасига хилофдир ва ҳоказо.

Синонимлар тузилиши, қайси шаклда ишлатилиши жиҳатдан уч хил бўлади:

1. Якка синонимлар: *керак//лозим; тез//чаққон//илдам; азиз//меҳрибон* каби.

2. Жуфт синонимлар: *соғ-саломат, эл-юрт, бахт-саодат, қаҳр-ғазаб* каби.

3. Бирикмали синонимлар (синоним иборалар): *юзи қора//бети қора//ори йўқ//номуси йўқ; эрта билан//қуш уйғонмай; кеч киргунча//қош қорайгунча* кабилар.

Синонимларнинг тилдаги мавқеини билиш учун уларни сўз туркумларига кўра турларга ажратиб кўриш характерлидир. Синонимлар деярли ҳар бир сўз туркумида учрайди.

Синонимларнинг сўз туркумларига кўра турлари қуйидагича:  
1. От синонимлар:

Толеним шулки. Ватанда бир гулистон танладим.

Колхоздаги ҳур, ҳалол меҳнат —  
Шудир бахтим, шудир иқболим.

(Ҳ. Олимжон.)

Гуллар боғида бахт-саодат қарор топди.

(Ш. Рашидов.)

Мисоллардаги *бахт//саодат//толе//иқбол* сўзлари от синонимлардир.

Яна мисол:

*Жаҳонда, дунёда, оламда мен ёлғиз эмас, дўстлар,  
Жигарбанду қариндошу яқин хешу таборим бор.*

(Ҳабибий.)

Бу байтда *жаҳон//дунё//олам ва жигарбанд//қариндош//хешу табор* сўзлари от синонимлардандир.

Шоир Ҳабибий ўзининг «Уч сўз бир маъно» номли 14 мисрадан иборат ғазалининг ҳар бир сатрида уч сўзли от синонимлардан фойдаланиб, 14 та синонимик қатор (42 та сўз)ни усталик билан қўллаган<sup>1</sup>.

От синонимлардан: *от//ном//исм, шон//шуҳрат//шавкат//донг; мазмун//маъно* каби сўзларни ҳам кўрсатиши мумкин.

2. Сифат синонимлар: *сезир//зийрак//хушёр; шод//хурсанд//қувноқ//хуррам; ёруғ//ойдин//равшан; гўзал//чиройли//кўркам//сулув; улуг//буюк//катта//ўлкан//зўр//гигант* кабилар.

3. Феъл синонимлар: *йсмоқ//тараққий қилмоқ//вояга етмоқ//улғаймоқ; тингламоқ//эшитмоқ//қулоқ солмоқ; сезмоқ//ҳис қилмоқ; гапирмоқ//сўзламоқ; чидамоқ//сабр этмоқ//тоқат қилмоқ* кабилар.

4. Олмош синонимлар: *барча//ҳамма//бари//бутун; қандай//қанақа; бу//шу* каби.

5. Равиш синонимлар: *аста//секин; кўп//мўл; оз//кам; тез//чаққон//илдам; доимо//ҳамиша//мангў//ҳамма вақт* каби.

6. Кўмакчи синонимлар: *томон//сири; каби//сингари; ҳақида//тўғрисида* каби.

7. Боғловчи синонимлар: *ва//ҳам; бироқ//аммо//лекин; ё//ёки//ёхуд* каби.

8. Модал сўзлардан бўлган синонимлар: *шубҳасиз//сўзсиз//шаксиз; эҳтимол//шекилли//чамаси* ва шу кабилар.

Тилда синонимлар /лексик синонимлар/ асосан уч йўл билан ҳосил бўлади:

1. Умумхалқ тилидаги мавжуд бир сўзга (барча шевалар учун муштарак бўлган сўзга) маҳаллий диалектлардан сўз ўтиб, эквивалент бўлиб қолиши натижасида синонимлар пайдо бўлади: Самарқанд шевасида олволи, адабий тилда — гилос; Бухоро шевасида — инак, адабий тилда — снбир.

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳ а б и б и й, Шеърлар, 1963 йил, 31—32-бетлар.



2. Бир тилдан иккинчи бир тилга сўз ўтиб қолиши билан синонимлар вужудга келади: манглай (ўзбекча) — пешона (тожикча); кўклам/ўзбекча/— баҳор/тожикча/; куч/ўзбекча/— қувват/тожикча/— қудрат/арабча/; онг/ўзбекча/— фикр/арабча/ кабилар.

3. Сўзларнинг маъно жиҳатдан яқинлашиши, ўхшаб қолиши натижасида синонимлар ҳосил бўлади: *яхши/ёқимли; дўст/қадрдон; еирдош/йўлдош; биродар/ўртоқ* ва шу кабилар.

Оғзаки ва ёзма нутқда синонимларнинг катта амалий аҳамияти бор. Синонимлар нутқ бойлигини оширади. У тил луғат составининг қанчалик бой ва ранг-баранглигини кўрсатувчи белгилардан биридир. Синонимлар бир сўзни ўринсиз такрор ишлатишга йўл қўймайди, услубнинг равонлигини таъминлайди, жумлаларнинг ихчам тузилишига кенг йўл очади, сўз маъноларини ўрганиш жараёнида чуқур фикр юритишга имкон беради.

Синонимлар бадий адабиётда муҳим тасвирлаш воситаларидан бири саналади. Ёзувчи синонимлар ёрдами билан кишиларнинг хусусиятларини, воқеа-ҳодисаларни, манзараларни аниқ, равшан ва жонли қилиб ифодалай олади.

Қисқаси, синонимлар тилдаги гўзаллик ва ранг-барангликни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир студент ўз нутқини ўстириш учун, ўз сўз хазинасини бойитиши учун синонимларни ва уларнинг қўлланишини яхши билиши ва ўрганиши лозим. Бунинг учун ҳар бир студент алфавит тарзида тузилган изоҳли ён луғатча тутиши ва унга синонимларни ёзиб бориши ҳамда улардан ўз нутқида системали фойдаланиб бориши зарур.

**Антонимлар.** Антоним сўзи ҳам юнонча бўлиб *anti* — зид ва опута — ном, яъни зид номлар, сўзлар демакдир. Антонимлар бир-бирига зид, қарама-қарши бўлган тушунчаларни ифодалайди.

Шундай қилиб, қарама-қарши тушунча ё тасаввурларни ифодаладиган, сўз маънолари орасидаги зиддиятни билдирадиган сўзларга антонимлар дейилади.

Мисоллар:

*Яхшилик яшар,  
Ёмонлик ўлар.  
Бу ўлка бўйлаб  
Оқсоқол юрар.*

(М. Шайхзода.)

...*Жаҳонда бойқушининг кушандаси бўлган бургут бор, тун зулматини тарқатиб юборадиган ёруғ кун бор.* (Ш.Рашидов).

Мисоллардаги *яхшилик* сўзи — *ёмонлик* сўзига, *яшар* — *ўлар* га, *кун* — *тун* га, *ёруғ* сўзи — *зулмат* сўзига антонимдир.

Синонимлар баҳсида бир сўзнинг иккитадан беш-олтитагача синоними борлиги ҳақида, омонимлар бобида икки сўзни

билдирувчи омонимдан тўрт-беш сўзни билдирувчи омонимлар мавжудлиги тўғрисида сўз борган бўлса, антонимлар тема-сида ёлғиз икки сўз борасидагина гап бориши мумкин.

Антонимлар маъноларига кўра дастлаб иккига ажралади:

1. Тўла антонимлар.

2. Ярим антонимлар.

Инкор қилиш ҳам, белгилар зидлиги ҳам мавжуд бўлган антонимлар тўла антонимлар саналади:

Уринма, қайтмайман бу ёруғ йўлдан,  
Юрмайман, юрмайман қоронғи чўлдан

(К. Яшин, А. Умарий.)

*Баланд-паст, кўп-оз, оқ-қора, иссиқ-совуқ, кеча-кундуз, ёш-қари* каби антонимлар ҳам тўла антонимлар жумласидандир.

Белгилар зидлиги асосий ўринда турганлигини, инкор қилиш эса кучсиз эканини билдирувчи антонимларга ярим антонимлар дейилади:

Бошни фидо айла ота қошида,  
Жисмни қил садқа она бошида.

(А. Навоий.)

*Эр-хотин, ака-сингил, ўғил-қиз, чол-кампир* каби антонимлар ҳам ярим антонимлар саналади.

Антонимлар турмушдаги турли соҳаларга оид нарсаларни, табиат ва жамиятдаги ҳар хил воқеа-ҳодисаларни ифодалаб келади. Мана шу хусусиятларига кўра, яъни тематик жиҳатдан антонимлар бир неча турли бўлади. Булардан баъзилари қуйидагилар:

1. Предмет белгиларини ифодалайдиган антонимлар: *ёруғ-қоронғи, катта-кичик, ботир-қўрқоқ, оқ-қора* каби.

2. Уринни ва ўринга муносабатни ифодалайдиган антонимлар: *ичи-сирти, яқин-узоқ, нари-бери, ер-осмон* каби.

3. Пайт-замонни билдирувчи антонимлар: *қиш-ёз, кун-тун, эрта-кеча, ҳозир-қадим, бугун-эрта* кабилар.

4. Ҳаракат-ҳолатни билдирувчи антонимлар: *келмоқ-кетмоқ, олмоқ-бермоқ, кулмоқ-йиғламоқ* кабилар.

5. Ойла, қариндошликка доир антонимлар: *эр-хотин, ота-она, ўғил-қиз...*

6. Ҳолат, усулни билдирувчи антонимлар: *тез-секин, илдам-бўш, баланд-паст, хушфезл-тажанг* каби.

7. Миқдорни билдирувчи антонимлар: *оз-кўп, кам-мўл* каби.

Антонимлар шаклан икки хилдир:

А. Бир хил ўзакли антонимлар: *таниш-нотаниш, ақлли-ақлсиз, юракли-юраксиз, бамаъни-бемаъни* каби.

Б. Ҳар хил ўзакли (шакли бошқа-бошқа бўлган) антонимлар: *ақлли-нодон, таниш-бегона, ботир-қўрқоқ, доно-аҳмоқ, ёз-қиш* кабилар.

Антонимлар тузилиш томондан икки турлидир:

1. Туб антонимлар: *баҳор-куз, чол-кампир, оз-мўл* кабилар.

2. Ёсама антонимлар: *яхшилик-ёмонлик, дўстлик-душманлик, ақлли-ақлсиз, унумли-унумсиз* каби.

Антонимларга сўз туркуми нуқтаи назардан қараганда, бир неча мустақил сўзларда антонимлар мавжудлигини кўрамиз:

1. Сифат антонимлар: *оқ-қора, катта-кичик, ширин-аччиқ* каби.

2. От антонимлар: *йигит-қиз, вафо-жафо, дўст-душман* кабилар.

3. Феъл антонимлар: *кулмоқ-йўғламоқ, ухламоқ-уйғонмоқ, тирмоқ-ўтирмоқ* каби.

4. Равиш антонимлар: *узоқ-яқин, оз-кўп, ҳозир-илгари* кабилар.

Тилда бор бўлган барча сўзлар ҳам ўз антонимларига эга эмас. Баъзан эса, аксинча, бир сўз бир неча антонимига эга бўлиши мумкин. Бу ўринда сўзларнинг тўғри маънолари ва кўчма маъноларига ҳамда сўзларнинг кўп маънолилигига эътибор қилиш керак. Сўз ўзининг тўғри маъносига кўра бир антонимга, контекст ичида қўшимча маъноларига кўра, яна бир неча бошқа антонимларга эга бўлади.

Мисоллар чоғиштирилсин: *паст-баланд, тузи паст — тузи баланд* (шўр), *ақли паст* одам — *ақли расо* одам, *зоти паст* сигир — *зоти яхши* сигир, *зоти асл* сигир, *паст нав* чой — *олий нав* чой каби.

Баъзи антонимлар жуфт ҳолда қўлланганда, ундан умумий бир тушунча, кўчма бир маъно англашилади.

Солиштирилсин: *яхши-ёмон нарсалар* (ҳамма нарсалар), *дўст-душман кулмасин* (барча кулмасин), *эрта-кеч ишлайди* (ҳар вақт ишлайди), *остин-устун бўлди* (тўполон бўлди), *борди келдимиз бор* (алоқамиз бор) ва шу кабилар.

Антонимларнинг ҳам нутқда катта аҳамияти бор. Антонимлар айниқса бадий адабиётда кўп қўлланади, бундай сўзлар тасвирлаш воситаларидан бўлган антитеза (қарама-қарши қўйиш приёми) ва киноя, ҳазил, эркалаш сифатида фойдаланилади:

Кўкда парвоз этса лочин, *ерга* киргай зоғлар.

(Ҳ. Олимжон.)

...Оқ билан қорани, *кеча-кундузни*,  
*Дўст* билан *душманни* қила олди фарқ.

(Ғ. Ғулом.)

Уқиш-ўқитиш жараёнида омонимлар, синонимлар ва антонимлар билан бир қаторда пароним сўзларни ҳам билишга тўғри келади.

**Паронимлар.** Бу темада ҳам, антонимлардагидек, икки сўз ҳақида гап боради. Паронимлар шакл томондан оз фарқ қилиб (бир ё икки товуши билан ажралиб), мазмунан тамомила бошқа-бошқа сўзлардир. Паронимлар тилда тасодифан кўп товуши билан бир-бирига ўхшаб қолган ёки тил тараққиёти давомида маънолари дифференциация қилинган сўзлардир.

Масалан, *дадил* сўзи *далил* сўзидан бир товуш билан (д билан) фарқ қилса, мазмунан тамомила бошқа-бошқадир. *Дадил* сўзи қўрқмаслик, шер юраклик маъноларини ифодаласа, *далил* сўзи исбот, асос, факт каби маъноларни билдириб келади. *Дадил* билан *далил* сўзлари паронимлар жумласидандир.

Демак, шаклан бир-бирига яқин бўлиб, маъно томондан бошқа-бошқа бўлган сўзларга паронимлар дейилади.

Мисоллар: *Аҳил* бўлиб ишласак, *Ҳар мушкул осон бўлур*.

*Меҳнат аҳли* чўл-биёбонларни бўстон айлади.

Биринчи байтда *аҳил* сўзи биродар, дўст, иттифоқ маъноларини, иккинчи мисолда *аҳл* сўзи аҳоли, халқ, омма маъноларини ифодалаб келмоқда.

Паронимлардан *халос-холос*, *жуда-жудо*, *тарихи-тарихий*, *сўнги-сўнги*, *тажрима-тажриба*, *хун-хўш*, *факт-пакт*, *Австрия-Австралия*, *Швеция-Швейцария*, *посилка-посёлка* сингарин сўзлари ҳам кўрсатиш мумкин.

Кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатдики, ёзма ишлар (контрол диктант, контрол иш, баён, ишшо, курс ишлари илмий докладлар тексти)даги хатоларнинг бир тури мана шу паронимларни билмасликдан келиб чиқади. Бундай ҳол лексика-семантика баҳсида паронимлар темасини ҳам ишлаб чиқишни талаб қилади.

\* \* \*

Ўзбек тилида якка-якка ҳолда келадиган сўзлар билан бир қаторда жуфт ҳолда, такрорий равишда ишлатиладиган сўзлар ҳам бор. Такрорий сўзлар баъзи хусусиятларига кўра жуфт синонимлар ва жуфт антонимларга ўхшайди, бироқ маъно, тузилиш ва вазифаси жиҳатдан ундай сўзлардан фарқ қилади.

Такрорий сўзларда биргина сўзнинг маъноси бор. Бундай сўзларнинг кўп қисми тузилиши жиҳатдан бир шаклда бўлади, шунингдек, айрим ҳолларда бир товуш ёки бир морфема билан шаклан бир-биридан фарқ қилади. Такрорий сўзлар сўз ва ибораларнинг маъносини таъкидлаш, бўрттириш, кучайтириш каби вазифаларни бажаради.

*Боғингизда мева борми?* деган гапда сўроқ оддий тарзда баён қилинган. *Боғингизда мева-чева борми?* сўроқ гапда фикр таъкидланган тарзда, қўшимча маъно билан (худди мева ва унга яқин нарсалар айтилганидек) баён қилинган. Биринчи гап-

ли *мева* содда сўз бўлса, иккинчи жумлада *мева-чева* такрорий сўз саналади.

Шундай қилиб, шаклан бир хил, ё бир ҳарф ёки бир морфема билан фарқ қиладиган, таъкидлаш, кучайтириш ва бўрттириш каби вазифаларни бажарадиган жуфт сўзларга такрорий сўзлар дейилади. Такрорий сўзлар тилшуносликда редупликация термини билан ҳам юритилади.

Мисоллар:

Олам сари сочиб янги онг,  
Секин-секин ёришарди тонг.

(Ҳ. Олимжон.)

Бинафшалар ранго-ранг гуллар,  
Шиша каби зангори кўллар,  
Ҳамишалик дилтортар кўклам...

(Ҳ. Олимжон.)

*Қўриқ кўм-кўк, онда-сонда битта-иккита сигир, қўй кўринар эди. (А. Қаҳҳор.)*

Парчалардаги секин-секин, ранго-ранг, кўм-кўк, онда-сонда сўзлари такрорий сўзлар ҳисобланади.

Такрорий сўзлар маъносига кўра икки турга эга:

1. Иккала компоненти ҳам тўлиқ маънога эга бўлган такрорий сўзлар: *аста-секин, тез-тез, катта-катта, қатор-қатор, бир-бир, айрим-айрим, кула-кула, бориб-бориб* кабилар.

2. Биринчи компоненти тўлиқ маъно англатиб, иккинчи компоненти қўшимча маъно билдирадиган такрорий сўзлар: *чой-пой, пон-пон, патир-сатир, дон-дун, патнис-матнис, майда-чуйда, соч-пoch, ош-пош, дафтар-пафтар* кабилар.

Такрорий сўзлар шакл жиҳатдан асосан уч турлидир:

1. Бир хил шаклдаги такрорий сўзлар: *қоп-қоп, даста-даста, қатор-қатор, йиғлай-йиғлай* кабилар.

2. Ҳар хил шаклдаги такрорий сўзлар: *дон-дун, фарч-ғурч, сал-пал, чой-пой, ош-пош, онда-сонда* каби.

3. Морфемали такрорий сўзлар: *борми-бор, олдинма-олдин, бирдан-бир, оғиздан-оғизга, бешу-беш* кабилар.

Такрорий сўзлар бадий адабиётда тасвирлаш воситаларидан бири — кучайтириш приёми сифатида кенг фойдаланилади, шунинг учун ҳам бундай сўзларнинг аҳамияти каттадир.

Умуман олганда, такрорий сўзлар сўз маъноларини конкретлаштириш, аниқлаш ва кенгайтириш учун хизмат қилади.

### III. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЯ ТИЛИНИНГ ЛУҒАТ СОСТАВИ

10-§. Луғат состави ҳақида. Ҳар бир тилнинг луғат состави кенг маънода шу тилда ишлатиладиган барча сўзларни ўз ичига қамраб олади. Луғат состави тилнинг аҳволи қандайлигини,

унинг хилма-хил сўзларга бойлигини кўрсатади. Тилнинг аҳволи луғат составидаги сўзларнинг миқдори — сони билангина эмас, шу билан бирга, сўзларнинг ҳар хил маънолари ва маъно оттенкалари билан белгиланади.

Тилнинг луғат состави замонлар ўтиши билан ўзгариб туради: эскирган сўзлар (архаизм ва историзмлар) истеъмолдан чиқиб қолади, янги сўзлар — неологизмлар пайдо бўла бошлайди, сўз маънолари кенгайди ёки тораяди ва ҳоказо. Шундай аҳволни ўзбек тили луғат составида ҳам кўрамиз.

Ўзбек тилида қўлланадиган ҳамма сўзлар ўзбек тилининг луғат состави деб аталади. Ўзбек тилининг луғат состави хилма-хил бўлиб, турли қатламлардан иборат.

**11-§. Ўзбек тили луғат составидаги асосий қатламлар.** Ўзбек тилининг лексик қатламини аниқлаш учун сўзларнинг қайси соҳада қўлланишига, давр-замонга кўра истеъмол этилишига ва сўз туркумлари жиҳатидан таркибига эътибор бериш лозим. Ўзбек тили луғат составида куйидаги қатламлар бор:

1. Кенг омма учун тушунарли ва ҳаётда тез-тез қўлланадиган сўзлар: *ер, сув, буғдой, нон, киши, бола, ҳайвон, қуш, бош, оёқ, ўроқ, болта, тинчлик, турмуш, кўйлак, дўппи, қозон, товоқ* кабилар.

2. Турли касб-ҳунарга оид терминлар: *шончўп, қолип, бигиз, мум* (этикдўзлик касбига доир терминлар); *йўрмадўзлик, чизмакашлик, зеҳдўзлик, дўппидўзлик, зардўзлик* (каштачилик ҳунарига тегишли терминлар) ва шу кабилар.

3. Маҳаллий шева сўзлари: *ёрғучоқ (Бухорода) — қўл тегирмони; гаримдори* (Тошкентда) — *қалампир; занги* (Хоразмда) — *нарвон* ва бошқалар.

4. Турли соҳаларда қўлланадиган русча-интернационал сўзлар: *совет, колхоз, совхоз, трактор, комбайн, бульдозер, кино, радио, театр, фонетика, лексикология, математика* кабилар.

5. Эскирган сўзлар (архаизмлар ва историзмлар): *фирқа* (партия), *квашоф* (пионер), *байналмилал* (интернационал), *мухторият* (автономия), *сарф* (морфология), *наҳв* (синтаксис); *амлоқдор, миршаб, амир, вазир, қози, батрак* ва шу кабилар.

6. Жаргонлар: *таважжух айламоқ* (юзланмоқ, қарамоқ), *фақирул ҳақир* (камбағал, нотавон), *жаноби олий* (амир, хон), *олам паноҳ* (подшоҳ, хон) кабилар.

7. Арголар: *ханжар* (қорин), *хит* (оч), *якам* (пул), *нойи* (йўқ), *данаб* (хотин), *дах* (яхши, дуруст) кабилар<sup>1</sup>.

Ўзбек тили луғат составининг сўз туркумларига кўра хиллари тубандагича:

1. От туркумидаги сўзлар: *ота, она, сув, нон, буғдой, арпа, олма, узум, шамол, бўрон* кабилар.

<sup>1</sup> Юқорида санаб ўтилган сўзлар ҳақида кейинги параграфларда айрим-айрим тўхталади.

2. Сифатлар: *яхши, ёмон, катта, кичик, ширин, аччиқ, оқ, қора, кенг, юмалоқ* кабилар.

3. Сонлар: *бир, икки, уч, тўрт, беш, элик, юз, миллион* кабилар.

4. Олмошлар: *мен, сен, у, биз, сиз, улар, қандай, қанча, бу* кабилар.

5. Феъллар: *ишламоқ, тишламоқ, ўқимоқ, ёзмоқ, келмоқ, кетмоқ, ухламоқ, уйғонмоқ* кабилар.

6. Равишлар: *тез, секин, ҳозир, илгари, эрта, индин, ҳаминша, доимо* кабилар.

7. Қўмакчилар: *учун, билан, каби, сари, ҳақида, тўғрисида* кабилар.

8. Боғловчилар: *ва, ҳам, ё, ёки, дам, гоҳ, хоҳ, аммо* би-роқ кабилар.

9. Юкламалар: *фақат, танҳо, ёлғиз, ҳатто, наҳот* ка-билар.

10. Ундовлар: *эҳ, оҳ, уф, эй, аҳа, эҳе, бай-бай, ура* ка-билар.

11. Мимемалар: *шилдир-шилдир, тиқ-тиқ, тақ-тақ, ялт-ялт* кабилар.

12. Модал сўзлар: *албатта, майли, демак, чунончи, фикримча* кабилар.

Кўринадики, ўзбек тили луғат составининг доираси жуда кенг бўлиб, у шу тилда турли соҳаларда хилма-хил жанрларда истеъмол қилинадиган барча сўзларни ўз ичига қамраб олади.

**12- §. Совет даври ўзбек адабий тили луғат составининг ривожланишига доир.** Совет даври ўзбек тили ёки ҳозирги ўзбек миллий адабий тили шу тилнинг кўп асрли тарихий тараққиётида алоҳида ўринни эгаллайди. Бу ҳол совет социалистик тузумининг характери, мазмуни ва бу даврнинг ўзига хос қонуниятлари билан изоҳланади.

Совет даврида ўзбек халқининг моддий ва маънавий ҳаётида буюк тарихий ўзгаришлар юз берди, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, экономикаси социалистик асосда қайта қурилди, юксалди. Совет фаши ва техникаси, санъат ва адабиёти мислизи ривожланди, халқимиз савияси чексиз ўсди. Буларнинг барчаси жуда кўп инги тушунчаларнинг ва шу янги тушунчаларни ифодаловчи жуда кўп янги сўзлар (неологизмлар), терминлар, ибораларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Мана шуларга кўра, ўзбек тилининг луғат состави анча кенгайди, бойиди ва бойиб бормоқда. Совет даври ўзбек тили луғат составининг бойиши икки асосий манба негизида содир бўлди:

1. Ўзбек тилининг ички манбаи, яъни ўз сўзлари негизида бойиши.

2. Рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан сўзлар кириши (ташқи манба негизида бойиш).

Ўзбек тили луғат составининг ўз ички манбаи заминиди бойиши бир неча йўллар билан содир бўлади. Булардан баъзилари қуйидагилар:

1. Ўзакка қўшимча қўшиш йўли билан янги сўзлар яратилди: *сифатдош, равишдош, аълочи, турсунойчилар* каби.

2. Ўзакка ўзак қўшиш йўли билан: *халқаро, умуммиллат* каби.

3. Ўзақларни қисқартириш йўли билан: *ЎзССР, Ўздавнашр, райшжроком, ТошДУ* каби.

4. Сўзга эквивалент бўлган янги ибораларни яратиш йўли билан: *оқ олтин* (пахта), *Шарқ юлдузи* (Ўзбекистон), *дала малякаси* (маккажўхори) кабилар.

Сўз маъноларининг кенгайиши (*натан, кураш, кеча, учрашув* каби), эски сўзларнинг янги маъноларда қўлланиши ҳам (*муқаддас, раис, арбоб, домла* каби) ўзбек тили луғат составининг ички манба негизиди бойинглигининг далилларидандир.

Совет даври ўзбек тили луғат составининг ташқи манба негизиди бойиши асосан русча-интернационал сўзлар ҳисобиди бўлди. Бундай сўзлардан мисол тарзида фан терминлариди намуна келтириш мумкин:

1. Тилга доир русча-интернационал сўзлар: *грамматика, морфология, синтаксис, пунктуация, суффикс, префикс, метатеза, тире* кабилар.

2. Адабиётга оид русча-интернационал сўзлар: *роман, повесть, очерк, драма, комедия, поэзия* кабилар.

3. Тарихга доир русча-интернационал сўзлар: *формация, революция, конституция* кабилар.

4. Математикага оид русча-интернационал сўзлар: *арифметика, геометрия, куб, квадрат* каби.

5. Химияга доир русча-интернационал сўзлар: *кислород, водород, оксиген, натрий, хлор, фосфор* каби.

6. Географияга оид русча-интернационал сўзлар: *экватор, параллел, меридиан, океан* каби.

7. Фалсафага доир русча-интернационал сўзлар: *материя, диалектика, метафизика, материализм, идеализм* кабилар.

Булардан ташқари, *СССР, РСФСР, КПСС; комсомол, колхоз, совхоз* каби қисқартма ва қўшма сўзлар ҳам тилимизга кириб, ўзлашиб кетди.

#### IV. ТАРИХИЙ ЖИХАТДАН ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИКАСИ

**13- §. Ўзбекча сўзлар.** Қардош тилларнинг лексик ва грамматик томондан ўхшашлиги қонуний бир ҳолдир.

Туркий тиллар оиласига мансуб тиллардан ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, турк, қорақалпоқ, уйғур, татар,



бошқирд, уйғай каби тилларни кўрсатиш мумкин. Ўзбек тили туркий тиллар оиласига кирувчи, луғат состави бой, хилма-хил сўзларга эга бўлган қадимий тиллардан саналади.

Туркий тиллар учун умумий бўлган сўзлар асрлар давомида оғек, қозоқ, озарбайжон, туркман, татар, уйғур ва бошқа тилларда қўлланиб келган сўзлар бўлиб, шу тиллар лексикасининг асосини учун янги сўзлар ясашда база сифатида хизмат қилган. Бундай сўзлар ҳозирги вақтда ҳам туркий тилларда кенг равишда қўлланилади. Гарчи фонетик жиҳатдан қисман бошқа шакллик бўлган бўлса-да ёки талаффуз қилиниши фарқ қилса-да, бу сўзларнинг негизи кўпинча бирдир.

Туркий тиллар учун умумий бўлган сўзлар ўзбек тили луғат составининг ҳам асосини ташкил этади. Бундай сўзлар деярли барча мустақил сўз туркумини ва баъзи ёрдамчи сўзларни ўз ичига олади:

1. От туркумига кирадиган сўзлар: *тош, тоғ, ер, бош, сув, тил, қўл, кун, киши, бола, ёш, ош* кабилар.

2. Сифатлар: *оқ, қора, қизил, кўк, сариқ, яшил, яхши, ёмон* кабилар.

3. Сонлар: *бир, икки, уч, тўрт, беш, етти, саккиз, юз, минг* кабилар.

4. Олмошлар: *мен, сен, у, биз, сиз, бу, шу, қандай, қачон* кабилар.

5. Феъллар: *келмоқ, олмоқ, бормоқ, турмоқ, қарамоқ* кабилар.

6. Равишлар: *илдам, эрта, индин, мангу* кабилар.

Шундай қилиб, ўзбекча сўзлар ўзбек тили луғат состави (лексикаси)нинг кўп қисмини, асосини ташкил қилади<sup>1</sup>.

**14-§. Тожикча сўзлар.** Ўрта Осиё территориясида қадим замонлардан бери ўзбеклар ва тожиклар ёнма-ён яшаб, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатда бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар уларнинг тилларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбек ва тожик тилларининг бошқа-бошқа тил системасига кирганлигига қарамай, бу тиллардан бир-бирига кўпгина сўзлар, иборалар, аффикслар ўтган. Бу тил вакилларининг кўпчилиги бир-бирларини тушунган. Айниқса, тожиклар билан ўзбеклар аралаш яшаган жойларда (Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда ва уларга яқин қишлоқларда) аҳолининг кўпчилики

<sup>1</sup> Бу ўринда шунни айтиш керакки, ҳозирга қадар ўзбек тилининг ўз сўзлари (ёки асл ўзбекча сўзлар), бошқа туркий тиллардан фарқ қиладиган сўзлар, илмий асосда етарли ўрганилиб, аниқлаб чиқилган эмас. (1962 й., дашлик «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, лексика» тўлимида Ф. Г. Исҳоқовнинг «Опыт сравнительного словаря современных тюркских языков» деган мақоласи бор, холос.) Бу ўзбек тилшунослиги, туркологлар олдидаги ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардан биридир.

қисми ҳар икки тилда, яъни ўзбек ва тожик тилларида сўзлашган. Ҳозирги даврда ҳам шундай аҳвол давом этмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, тожик тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан тожик тилига сўз, ибора ва грамматик шакллар ўтган, ўзлашган ва сингиб кетган<sup>1</sup>.

Тожик тилидан ўзбек тилига ўтган сўзларга мисоллар:

Отлар: *осмон, офтоб, баҳор, баҳо, коса, обрўй, барг, дарахт, нон, гул, хона, шамол, арра* кабилар.

Сифатлар: *ширин, мард, доно, меҳрибон, жонажон, қаҳрамон, камтар* каби.

Равишлар: *мардона, қаҳрамонона, доимо, астойдил* (аз таҳи дил) каби.

Ердамчи сўзлар: *ҳам, ё, ёки, балки, агар, чунки* кабилар.

Аффикслар:

-*кор*, -*гар*: *пахтакор, мисгар*...

-*каш*, -*дор*: *аравакаш, чорвадор*...

-*бон*, -*паз*<sup>2</sup>: *боғбон, ошпаз*...

*но-*, *ба-*: *нокас, бамаъни*...

Тожикча сўзларнинг баъзи бир фонетик ва морфологик хусусиятлари у сўзларни бошқа тилдаги сўзлардан фарқлаб беради.

Масалан, *ж* (*ё*) товуши тожик тилига хос бўлиб, у ўзбек тилига ўша тилдан кириб ўзлашгандир: *мужда, аждар* каби. Рус тилидан баъзи сўзлар орқали ўзбек тилига кирган *ж* (*ё*) товушини ҳам айтиш мумкин: *журнал, жюри, жирафа* кабилар.

Тубандаги сўз элементлари тожикча сўзларни бошқа тилдаги сўзлардан фарқлаб беради:

-*анд* — *фарзанд, монанд, дилбанд*...

-*хт* — *бахт, дарахт тахт*...

-*мон* — *армон дармон қаҳрамон*...

*бар-* — *барно, барпо, барбод*...

Ўзбек тилидан тожик тилига ўтган ва ўзлашиб кетган сўзларга мисоллар:

Отлар: *қишлоқ, тўй, телпак, ўсма, қош, келин, ош, қаймоқ, қатлама, қиров, қайроқ, қўшин* кабилар.

Сифатлар: *ёш, йўрға, ўткир* каби.

Аффикслар: -*чи* — *дуюрчи, тамбурчи*...

-*дош* — *синфдош, касбдош*...

<sup>1</sup> Қаранг: А. К. Боровков, Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос взаимовлияния таджикского и узбекского языков, «Ученые записки института востоковедения», т IV; изд. АН СССР, 1952. Н. А. Баскаков, Состав лексики Каракалпакского языка и структура слова, «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, лексика», 1962, 69-101-бетлар.

<sup>2</sup> -*кор*, -*каш*, -*дор*, -*паз* элементлари ўзбек тилида қўшимча вази-фасинигина бажарса, тожик тилида ҳам мустақил сўз (ўзак), ҳам қўшимча саналади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасида тожик тилидан ўзбек тилига ўтган сўзларнинг айримлари асл ўзбекча сўзлар билан параллель, яъни синоним тарзда ишлатилмоқда: *бахор//кўклам*, *осмон//кўк*, *хона//уй*, *офтоб//қуёш*, *барг//япроқ*, *шамол//ел*, *пиёда//яёв*, *бегона//ёт* кабилар.

Урта Осиёдаги қадимги халқлардан бўлган тожиклар билан ўзбеклар ўртасидаги қардошлиқ, дўстлик, айниқса совет даврида янада кучайди ва мустақкамланди. Бундай ҳол уларнинг тилларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

**15-§. Арабча сўзлар.** Ўзбек тилига араб тилидан анчагина сўзлар кириб, ўзлашиб кетган.

Маълумки, VII—VIII асрларда араб ҳукмдорлари Урта Осиёни босиб олгандан сўнг, ерли халқлар ўртасида зўравонлик сиёсатини амалга оширдилар. Шунинг натижасида, бир неча халқлар тилига, жумладан ўзбек тилига анчагина арабча сўзлар ва баъзи аффикслар кириб, замонлар ўтиши билан ўзлашиб кетган. Бундай сўзларнинг кўпчилик қисми от ва қисман сифат ҳамда равиш категорияларига доир сўзлардир.

Отлар: *китоб*, *мактаб*, *маориф*, *халқ*, *шоир*, *шеър*, *маъно*, *санъат*, *маданият*, *адабиёт*, *ватан*, *давлат* каби.

Сифатлар: *сиёсий*, *маданий*, *марказий*, *оммавий*, *аъло*, *олий*, *амалий* каби.

Равишлар: *асосан*, *баъзан*, *қисман*, *шахсан*, *умуман* каби.

Ёрдамчи сўзлар: *аммо*, *лекин*, *ва* каби.

Аффикслар: *-ий*, *-вий* — *Навоий*, *Жомий*, *оммавий*, *тарбиявий*... *-а*, *-я* — *Наима*, *Азима*, *мураббия* каби, *-ан* — *асосан*, *шаклан*, *мазмунан*, *шахсан* каби.

Арабча сўзлар ўзининг баъзи бир фонетик ва морфологик хусусиятлари билан бошқа тилдаги сўзлардан фарқ қилади. Чунинчи, баъзи арабча сўзларда айн товуши борки, бу ҳол ўзбек тили сўзларига хос эмас. Масалан: *санъат*, *маъно*, *суръат*, *аъло*, *аълон*, *маълум*, *таълим*, *раъно* кабилар.

Арабча сўзларда бирлик-кўплик хусусиятини (сўз ўзаги, негизига аффикс қўшмай) ўзақдаги ўзгаришдан кўрамиз.

Мисоллар: *хулқ* (бирлик), *ахлоқ* (кўплик), *халқ* (бирлик), *халойиқ* (кўплик), *ҳол* (бирлик), *аҳвол* (кўплик), *тараф* (бирлик), *атроф* (кўплик), *шеър* (бирлик), *ашъор* (кўплик)...

Аммо араб тилидаги бундай хусусият ўзбек тилига ўтган сўзларда тўла сақланиб қолган эмас. Бинобарин, бирор тилдан иккинчи тилга кирган сўз кейингисининг қонуниятига кўра истеъмоли этилиши табиийдир. Шунинг учун араб тилидан кирган сўзлар ҳам ўзбек тили қонуниятига бўйсунган ҳолда ишлатилмоқда. Масалан, ҳозир ҳеч бир ўзбек *аҳвол* ни ҳол сўзининг кўчилиги маъносида ишлатмайди, *аҳволларингиз* ёки *ҳол-аҳволларингиз қалай?* дейди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, ўзбекча, тожикча, арабча сўз ва қўшимчалар ўзаро бириккан ҳолда ҳам қўлланади. Бунда шундай вариантларни учратамиз:

1. Ўзбекча-тожикча: *билимдон, ошхона, донгдор, Ўзбекистон* кабилар.

2. Тожикча-ўзбекча: *мардлик, жангчи, қаҳрамонлик, чорвачилик* кабилар.

3. Арабча-тожикча: *ватанпарвар, ҳаваскор, ғамхўр, муҳаббатнома* каби.

4. Тожикча-арабча: *сарлавҳа, бадавлат, хушҳол, бежавоб, бамаъни* каби.

5. Тожикча-арабча-ўзбекча: *беғамлик, ғамхўрлик, ватанпарварлик* ва ҳоказо.

Ўзбек тилининг кейинги тараққиёт даврларида бир қатор арабча сўзлар эскириб, истеъмолдан чиқиб, архаизмларга айланди ва уларнинг ўрнини русча-интернационал сўзлар эгаллади.

Мисоллар: *жумҳурият* (республика), *фирқа* (партия), *риёзиёт* (математика), *ҳаҳмат* (физика), *ҳандаса* (геометрия), *совтиёт* (фонетика), *сарф* (морфология), *наҳв* (синтаксис) ва шу кабилар.

**16-§. Русча ва интернационал сўзлар.** Буюк рус халқининг тили жаҳондаги энг бой ва энг нафис тиллардан бири ҳисобланади. Рус тили айни замонда СССР халқларининг миллатлараро алоқа қилиш воситаси ёки интернационал тилдир.

КПСС Программаси улуг рус тили тўғрисида шундай ёзади: «Турмушда она тили билан бир қаторда рус тилини ҳам ихтиёрий суратда ўрганиш процесси кетаётганлиги ижобий аҳамиятга эгадир, чунки рус тили ўзаро тажриба алмашишга ва ҳар бир миллат ва халқнинг СССР даги бошиқа барча халқларнинг маданий ютуқларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишига ёрдам беради. Рус тили амалда СССР даги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишида умумий тил бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

Қудратли рус тили кўп миллатлар, элатлар (халқлар) ва этник группалар учун, жумладан ўзбек миллати учун иккинчи она тилидир. Бу масала ҳақида ўртоқ Шароф Рашидов ўзининг «Социалистик миллатларнинг равнақи ва бир-бирига яқинлашуви» номли мақоласида шундай ёзади: «Ўзбек халқи фан ва маданият чўққиларини эгалламоқ учун рус тили гоаят зўр аҳамиятга эга эканлигини ўз тажрибасида кўриб, унга ишонч ҳосил қилди. Ҳар бир ўзбек ишчиси, колхозчиси, зиёлиси рус халқининг тилини билишни ўзи учун катта бахт деб ҳисоблайди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, 1961 йил 117-бет.

<sup>2</sup> «Қизил Ўзбекистон», 1961 йил 18 август.

Рус тили халқаро муносабатларда ҳам расмий тил ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва Бош Ассамблеянинг ишлари дунёдаги йирик миллий тиллардан бўлган рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

Ўзбек миллий тилининг тарихий ривожланишида рус тилининг зўр ижобий таъсири бўлди.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон Россияга қўшиб олинди. Бу воқеа халқимизнинг умумий тараққиётида катта ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Йирик миллий тиллардан бўлган рус тилининг ўзбек тилига таъсири асосан шу даврдан бошланади. Уша вақтдан эътиборан русча сўзлар, терминлар, иборалар ва рус тили орқали бошқа тилларга хос сўзлар ҳам ўзбек тилига ўтиб, ўзлашиб, унинг луғат составини бойита бошлади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида умумхалқ ўзбек тилига (ҳам жонли тилга, ҳам адабий тилга) рус тилидан келган рус тили орқали бошқа тиллардан *завод, фабрика, самовар, поезд, вокзал, вагон, машина, патнис (поднос), почта, телеграф, телеграмма, полк, батальон, офицер, матрос, артист, театр, спектр, капитализм* каби русча ва интернационал сўзлари кириб келди ҳамда ўзлашиб кетди.

Совет даври ўзбек тили шу тилнинг кўп асрлик тарихий тараққиётида алоҳида мавқега эгадир. Совет даврида ўзбек тилининг луғат состави анча ўзгарди, мислсиз тараққий қилди. Бу даврда ўзбек тили луғат составига русча ва интернационал сўзлар кириб, ўзлашиб кетди, ўзбек тили сўз бойлигини тобора оширди. Ҳозирги кунда тилимиздаги русча ва интернационал сўзлар анчагина миқдорни ташкил этади.

Мисоллар:

Отлар: *партия, совет, союз, революция, марксист, коммунист, бригада, звено, агроном, трактор, колхоз, совхоз, фонетика, лексикология, морфология, абзац, обзор, лекция, кино, журнал, экскаватор, бульдозер, телевизор, космонавт...*

Сифатлар: *актив (студент), пассив (киши), грамматик (таҳлил), коммунистик (ахлоқ)...*

Ҳозирги ўзбек миллий адабий тилида қўлланаётган русча ва интернационал сўз ҳамда терминлар хилма-хил бўлиб, улар тематик томондан бир неча группани ташкил қилади:

1. Ижтимоий-сиёсий сўз ва терминлар: *марксизм, ленинизм, демократия, диктатура, партия, коммунизм...*

2. Саноат соҳасига оид сўз ва терминлар: *нефть, электр, станок, трамвай, троллейбус, метро* кабилар.

3. Қишлоқ хўжалигига доир сўз ва терминлар: *колхоз, совхоз, агроном, звено, бригада, трактор, комбайн...*

4. Маданий-оқартув, санъатга оид сўз ва терминлар: *театр, кино, концерт, фильм, композитор, шашка...*

5. Фан ва техникага доир сўз ва терминлар: *физика, математика, география, радио, приёмник, насос, кран...*

6. Ҳарбий иш ва физкультурага оид сўз ва терминлар: *солдат, лейтенант, майор, гимнастика, волейбол, бокс...*

7. Савдо ва молияга доир сўз ва терминлар: *магазин, гастроном, ярмарка, буфет, аванс...*

8. Кийим-кечакка доир сўз ва терминлар: *шляпа, костюм, пальто, туфли, носки...*

9. Озиқ-овқатга оид сўз ва терминлар: *лимонад, шоколад, конфет, кофе, макарон* ва шу кабилар.

Ўзбек тилига ўтиб, ўзлашиб кетган русча ва интернационал сўзлар ёзувчиларнинг асарларида бадний тасвирлаш воситалари сифатида ҳам (ўхшатниш, қофия ва шу каби) фойдаланилаётганлигини таъкидлаш керак.

Мисоллар:

Сирли сен, чайқал, эй гўзал дилбар,  
Шўх ва қувноқ қиз *альбому янглиғ*.

(Х. Олимжон.)

«Аврора» берган залл тонгги *гудокдай*  
Уйқусин ўчирди мазлум чўнг Шарқинг.

(Ғ. Ғулом.)

Салом сенга, ўлкамизнинг кўз қорасидай,  
Гард юқтирмай гуркиратиб кўкка кўтарган,  
Салом сенга, полосонлик Ҳайдар *капитан*.

(Х. Олимжон.)

Йигирма йилдан кейин барваста, дадил, тетик,  
Очиқ манглай, азамат, қувноқ битта *инженер*,  
Ёки битта кимёгар, *агроном, доктор, физик*,  
Коммунизм ўстирган мирзамухторлармиз, дер.

(Ғ. Ғулом.)

Русча ва интернационал сўзлар ибораси остида фақат рус тилининг сўзларинигина эмас, шу билан бирга рус тили орқали европанинг бошқа тилларидан кирган сўзлар ҳам (юнонча, лотинча, инглизча, французча, итальянча, немисча ва шу кабилар) тушунилади.

Бу ўринда ўзбек тилшунослигида кўп йиллардан бери *русча-интернационал сўзлар* ибораси *совет-интернационал сўзлар термини* билан атаб келинишини айтишга тўғри келади. Агар русча сўзлар ва рус тили орқали кириб, кўп миллатлар учун тушунарли бўлган юнонча, лотинча, инглизча, французча каби сўзлар совет-интернационал сўзлар деб юритилса, у тақдирда русча сўзлар ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзлар совет давридагина ўзбек тилига кира бошлаган бўлиб чиқади. Натижада, XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек тилига

кирган русча-интернационал сўзлар бу доирадан четда қолиб кетади. Буларнинг ҳаммасини қамраш учун русча-интернационал сўзлар иборасини танлаш маъқул.

Октябрь революциясига қадар ўзбек адабий тилига кирган айрим русча-интернационал сўзлар ўзбек халқининг сўзлашув тилига мувофиқ талаффуз қилинган ва ёзиб келинган. Ҳозирги даврда ҳам у сўзлар ўша шаклда ишлатилмоқда: *патнис* (аслида поднос), *қулубнай* (клубника), *ботинка* (ботинок), *чоризм* (царизм) кабилар. Бундай сўзларнинг миқдори жуда оздир, албатта. Ҳозирги вақтда эса, русча-интернационал сўзлар учун талаффузда ва ёзувда бир хилликни сақлаш характерлидир: *плон* эмас *план*, *морт* эмас — *март*, *мой* (ойи) эмас — *май* (ойи), *мошина* эмас — *машина*, *зол* эмас — *зал* тарзида айтилади ва ёзилади.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, кейинги 25 йил ичида русча-интернационал сўзларнинг фонетик-орфоэпик ва грамматик-орфографик ўзлашуви анчагина яхшиланди. Айниқса, 1940 йилда рус графикаси асосидаги янги ўзбек ёзувининг қабул қилиниши бу масаланинг ижобий ҳал бўлишига катта ёрдам берди. Бир вақтлар *исправка*, *кўлхўз*, *кўмсўмўл* тарзида талаффуз қилиниб ва бир неча хил ёзилган сўзлар эндиликда бир хил: *справка*, *колхоз*, *комсомол* га яқинроқ тарзда талаффуз қилиниб, *справка*, *колхоз*, *комсомол* шаклида ёзилади.

\* \* \*

Ўзбек тилига рус тилидан ва шу тил орқали бошқа тиллардан анчагина сўзлар ва айрим иборалар кириб, ўзлашиб кетган бўлса, рус тилига ҳам ўзбек тилидан, шу тил орқали бошқа тиллардан баъзи сўзлар кириб, ўзлашиб кетгандир: *арик*, *сундук*, *арба*, *деньги* *таможня*, *чинар*, *багатир*, *халва*, *каса*, *нишалда*, *урук*, *плов*, *аркан*, *загара*, *сарай*, *кишлак* каби сўзлар шулар жумласидандир.

Туркий тиллар элементларининг рус тилига кириб бориши ва ўзлашиб кетганлиги жуда узоқ тарихга эга. «Игорь жангнома-си» каби асарларда туркий сўзларнинг анчагина ишлатилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Умуман ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасини тарихий жиҳатдан таҳлил қилганда, асосан, ўзбекча сўзларга, шунингдек, бошқа тиллардан кирган сўзларга, яъни тожикча, арабча ва русча-интернационал сўзларга ажратиб текшириш лозим бўлади.

## V. ИЖТИМОИЙ-ДИАЛЕКТАЛ СОСТАВИ ЖИҲАТДАН ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИКАСИ

17-§. Актив ва пассив сўзлар. Тилда мавжуд бўлган сўзлар бирчаси ҳар вақт ҳам бир хилда ишлатилмайди. Тилдаги сўзлар анмон, давр, шароит талабига кўра қўлланилади. Давр ўтиши,

шароитнинг ўзгариши билан баъзи нарсалар муомаладан чиқиб қолади, яшашдан тўхтайтиди, уларни ифодаловчи сўзлар ҳам истеъмол қилинмайди. Айрим вақтлар бир нарсанинг номини билдирган сўз бошқа сўз билан алмашади.

Жамиятда янгиликларнинг пайдо бўлиши, янги нарсалар, янги воқеа-ҳодисаларнинг майдонга келиши тилдан уларнинг ифодаси учун янги сўзларни талаб қилади. Бу эҳтиёжни қондириш учун тилда янги сўзлар юзага келади ёки мавжуд сўзларнинг баъзилари янги маъно касб этади.

Шундай қилиб, тилдаги сўзлар истеъмол қилиш жиҳатдан, давр ва шароитга қараб ишлатиш томондан актив ва пасив сўзларга бўлинади.

**Актив сўзлар** кенг истеъмол қилинадиган сўзлардир. Актив сўзлар шу халқ ё миллатнинг барча аъзоларига: ишчилар ва колхозчиларга, олимлар ва ёзувчиларга, чорвачилар ва пиллачиларга — ҳаммага тушунарли сўзлардир. Масалан: *сув, нон, ош, кийим, уй, катта, кичик, ширин, аччиқ, яхши, бир, икки, ўн, юз, минг, тез, секин, ҳозир, эртага, мен, сен, у, қандай, ишламоқ, ухламоқ, уйғонмоқ, ўқимоқ, аммо, бироқ, ёмғиз, ҳатто* каби сўзлар актив сўзлар жумласидадир.

**Пассив сўзлар** кенг истеъмол қилинмайдиган сўзлардир. Пассив сўзларнинг маъноси шу тилда сўзловчи кишилар учун тушунарли бўлади. Пассив сўзлар эскириб, кенг қўлланишдан чиқиб қолган, тарихий роман, достонларда ва тарих ҳам адабиёт тарихи китобларида ишлатиладиган сўзлардир: *бўрк* (телпак), *риёзиёт* (математика), *шўро* (совет), *амир, миришаб, қози, сўфи* каби сўзлар пасив сўзлар саналади.

Архаизмлар ва историзмлар пасив сўзлар ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, давр ўтиши билан баъзи актив сўзлар пасив сўзларга (*батрак, қўйичи, нарком, фирқа* кабилар) ва, аксинча, айрим пасив сўзлар актив сўзларга (*арбоб, муқаддас, раис, офицер, генерал сингари*) ўтиб туриши мумкин.

Энди пасив сўзлар (архаизмлар, историзмлар)ни, шунингдек, янги сўзлар (неологизмлар) ни ва шева сўзлари (диалектизмлар)ни бирма-бир қисқа равишда кўриб чиқамиз.

**18-§. Архаизмлар.** Архаизм юнонча сўз бўлиб, *archaios* — қадимги демакдир. Замон ўтиши, шароит ўзгариши билан баъзи нарсалар йўқолади ва шу билан бир қаторда уларни ифодалайдиган сўзлар ҳам истеъмолдан чиқиб қолади. Шунинг патижасида баъзи сўзлар эскиради.

Айрим вақтлар нарсалар муомалада бўлгани ҳолда, улар янги ном олади. Бундай қўлланмай қолган сўзлар ҳам эскирган саналади.

Демак, тилда сўзларнинг эскириб қолиши икки хил: а) архаизмлар, б) историзмлар шаклида бўлади.

Архаик сўзлар орқали ифодаланадиган предметлар мавжуд бўлади, бироқ у предметлар аввалги номлари (эскирган сўзла-



ри) билан эмас, балки янги сўзлар, яъни эквивалентлари билан ифодаланади.

Демак, эскириб, истеъмолдан чиққан, ўзининг эквивалентига эга бўлган сўзларга **архаизмлар** дейилади.

Мисоллар: *дирам* (танга), *жайб* (ёқа, чўнтак), *зин* (эгар), *илк ё илик* (қўл), *киева* (кийим), *товочи* (хабарчи), *сафина* (кема; шеърлар тўплами), *кашиоф* (пионер), *дорилфунун* (университет) кабилар.

Омма орасида лекция, доклад суҳбатлар ўтказганда, мактабларда дарсларни олиб боришда архаизмларни ишлатмаслик керак. Баъзан бадий адабиётда шоирлар, ёзувчилар, драматурглар томонидан давр характеристикасини ва тантанали воқеаларни бериш учун, умуман, маълум стилистик мақсадга кўра архаизмлардан фойдаланилади, лекин бундай ҳолларда у сўзлар ишоланиши зарур. Шундай қилинмаса, *истиқлол* (мустақиллик), *мухторият* (автономия), *жумҳурият* (республика), *байнилмигал* (интернационал), *йўқсил* (пролетар) каби архаизмлар, айниқса, ёш авлод учун тушунарли бўлмайди.

**19-§. Историзмлар.** Эскирган сўзларнинг бир тури тарихий сўзлардир. Историзмлар орқали ифодаланадиган нарсалар муомаладан чиқиб қолган бўлади. Историзмлар ўзларининг эквивалентларига (янги сўзларига) эга эмас.

Историзмлар эскиргани ва истеъмолдан чиқиб қолгани жиҳатдан архаизмга ўхшаса-да, бироқ бундай сўзларнинг фарқлари ҳам мавжуд:

1. Архаизмлар орқали ифодаланадиган нарсалар мавжуд бўлса, историзмлар орқали ифодаланадиган предметлар йўқолган бўлади.

2. Архаизмларнинг эквиваленти мавжуд бўлиб, у шу билан (янги сўз ёки синоними билан) ифодаланса, историзмларнинг эквиваленти бўлмайди.

3. Архаизмлар даврлар ўтиши билан пассив сўздан актив сўзга айланиши мумкин, историзмлар эса бундай хусусиятга эга эмас.

Шундай қилиб, эскириб, истеъмолдан чиқиб қолган, ўзининг эквивалентига эга бўлмаган сўзларга историзмлар дейилади.

Мисоллар: *улоба*, *уркамоч*, *бохсум*, *тутмоқ* (озик-овқат номлари); *наврўзий*, *ширдоғ*, *дакма*, *ялак*, *ёғли*; *хон*, *бек*, *подшо*, *пашир*, *амир*, *миршаб*, *элликбоши*, *мингбоши*, *қўрбоши* ва шу кабилар.

Юқорида историзм сўзлардан келтирилган мисоллар Октябрь революциясидан илгариги даврга хос бўлса, совет даврида историзмга айланган сўзлар ҳам бор: *батрак*, *қўшчи* (*союзи*), *н.т. рабфак*, *ширкат*, *нарком* кабилар.

Бундай сўзлар тарих китобларида, тарихий мавзуларда ёзилган бадий асарлар (роман, қисса, драма, дostonлар)да ва баъзан дипломатия услубида қўлланади.

**20- §. Неологизмлар.** Неологизм юнонча сўз бўлиб, neos — янги, logos — сўз, яъни янги сўз демакдир.

Жамиятда бўладиган ўзгаришлар, янги воқеа-ҳодисалар, пайдо бўладиган янги объектларга боғлиқ ҳолда янги сўзлар ҳам майдонга келади. Ҳар бир тилда, жумладан ўзбек тилида ўз сўз бойлиги асосида янги сўзлар (лексик неологизмлар ва семантик неологизмлар) яратилади.

Демак, янги объект, янги воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи янги сўзлар неологизмлар дейилади.

Мисоллар: *аълочи, ўқувчи, ўхшатиш, сифатлаш, муз ёрар, томорқа, халқаро, миллатлараро, фарҳодчилар, турсунойчилар* кабилар.

Тилшуносликда янги маъно касб этган эски сўзлар (*муқаддас, ходим, домла* каби), яъни семантик неологизмлар, бошқа тиллардан яқинда кирган сўзлар (*экскаватор, телевизор, космонавт* каби) ҳам неологизмлар қаторига киритилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси, бир томондан, ўз сўз бойлиги асосида яратилган неологизмлар билан бойиган бўлса, иккинчидан, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан кирган янги сўзлар (русча ва интернационал сўзлар) билан бойиган ҳамда бойиб бормоқда.

**21- §. Диалектизмлар.** Диалектизмлар тор доирада қўлланади, улар маълум шева вакилларига тушунарли бўлади. Диалектизмларнинг баъзилари адабий тилга ўтиб, ўша халқ ё миллатнинг барча вакилларига тушунарли бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Ўзбек тили туркий тиллар орасида кўп диалектли тил бўлиши билан ажралиб туради<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида диалектизмлар кўпдир.

Мисоллар:

Тошкент диалектида	Фарғона диалектида	Бухоро диалектида	Самарқанд диалектида	Хоразм диалектида	Адабий тилда
нарвон	шоти	нарвон (норвон)	нарвон (норвон)	занги	нарвон
дўппи	дўппи	калпўш (каллапўш)	қалпоқ	тахя (тақя)	дўппи
жилла (бўлмаса)	ҳеч (бўл- маса)	ҳеч (бўл- маса)	ҳеч (бўл- маса)	—	ҳеч (бўл- маса)
устара	устара	поку	поку	поки	устара
варрак (воррак)	варрак	бодпарақ	шохин	бодрақ	варрак
гармдори	қалампири	қалампири (қаламфур)	қалампири	мурч (ажир)	қалампири
ҳовли	эшиқ (ҳов- ли)	ҳовли	ҳовли	уй	ҳовли

<sup>1</sup> Қаранг: В. В. Решетов, Ш. Шоабдурахмонов, *Ўзбек диалектологияси*, 1959, 12—31-бетлар.

сигир кўнмоқ	сигир унамоқ	инак рози бўл- моқ	инак рози бўл- моқ	сигир кўнмоқ	сигир кўнмоқ
сиргитто- шиг бўлай	айланиб кетай	айланиб кетай	айланиб кетай	айлантай	айланиб кетай
ўқ ёй	камалак	тирикамон	тирикамон	ўқ ёй	ўқ ёй
чумоли	чумалик	мўрча	мўрча	қоринжа	чумоли
мушук	мишиқ	пишак	пишак	пишик (мушук)	мушук ва шу кабилар

Бадний адабиётда маҳаллий колоритни бериш, персонажлар шўқинки индивидуаллаштириш учун диалектизмлардан фойдаланилади.

\* \* \*

Маълум бир тил лексикаси ижтимоий-диалектал таркиби жиҳатидан ўрганилар экан, шу тилда ишлатилган жаргонлар ва арголар ҳақида ҳам фикр юритиш лозим. Бу ўринда ўзбек адабий тилида қўлланган баъзи бир жаргонлар ва арголар бўйича қисман фикр юритамиз.

Маҳаллий-территориал диалектларнинг сўзлари (шева сўзлари) диалектизмлар саналса, «синфий диалектнинг сўзлари» жаргонлар ҳисобланади. Жаргонлар синфий айирмаликни кўрсатиб берадиган, юқори табақа вакиллари учун тушунарли бўлган баъзи сўз — иборалардир.

Жаргонлар ўзбек тилининг ўз сўзларидан, баъзан бошқа тиллардан (масалан, араб ва тожик тилларидан) олиниб қўлланган сўзлардир.

Октябрь революциясига қадар ўзбек тилида айрим жаргонлар мавжуд бўлган. Эксплуататорлар ўзларини меҳнаткашлардан юқори тутиш ва ўз мақсадларини улардан яшириш учун жаргонларни қўллаганлар.

Мисоллар: *Муллорўзи. Бизга зиёфат малҳуз эмас. Неъматни жаннатни келтир.* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий.)

(Малҳуз эмас — мулоҳаза қилинган эмас, ўйлаган эмасми; неъматни жаннат — ёр, маҳбуба, бу ўринда Ойхон деган маънода).

Яна мисоллар: *Шоеъ қилинг* (билдиринг маъносида), *таваққуъ айланг* (умид билан кутинг), *таважжух айланг*<sup>1</sup>, *„Танзил денг, тақсир»*<sup>2</sup> (танзил — фойда маъносида) ва шу кабилар.

<sup>1</sup> Қараи: С. Иброҳимов, Тил ҳақида умумий маълумот, «Совет мактаби» 1953, № 3, 23—25-бетлар.

<sup>2</sup> С. Айний, «Одина» повести.

Жаргонлар меҳнаткаш омма учун хизмат қилмаган, умумхалқ лексикасида ишлатилмаган, фақат тор доирадаги юқори табақа лексиконида фойдаланилган, холос.

Арголар маълум социал группа кишиларигагина тушунарли бўлган сўзлардир. Арголар ҳам умумхалқ тилидан олиниб ишлатилган сўзлардир. Арголар, гарчи синфий табақаланишни кўрсатмаса-да, аммо бундай сўзлар ҳам кенг халқ оммасига тушунарли бўлмайди. Шу жиҳатдан арголар жаргонларга ўшаш бўлади.

Октябрь революциясигача ўзбек тилида созандалар, ҳофизлар, ўғрилар, савдогарлар ва бошқа гуруҳларнинг арголари бўлган.

Мисоллар:

1. Созандалар, ҳофизлар аргосидан: *якан* (пул), *нойи* (йўқ), *ханжар* (қорин), *хит* (оч), *ҳасут* (нон), *дах* (яхши, дуруст маъносида) кабилар.

2. Ўғрилар аргосидан: *лой* (пул), *ҳариф* (пул эгаси ё ўғрилик объекти), *шабаш* (менга бериб юбор), *мандра* ё *мура* (нон), *лигави* (милиция) кабилар.

3. Савдогарлар аргосидан: *сар* ёки *сари пиёз* (минг сўм), *сару нимсар* (бир мингу беш юз сўм), *капара* (олти минг сўм) ва шу кабилар.

4. Безорилар аргосидан: *замри* (жим тур ё тўхтаб тур), *атамри* (гапир ё аввалги ишингни давом эттир), *шухур* ёки *атанда* (қоч), *хамка* (нон), *дешевка* (чақимчи, сўз ташиб юрувчи), *рубай* (егин) кабилар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасида жаргонлар ва арголарни ишлатиш учун эҳтиёж йўқ. Тилни бундай кераксиз сўзлардан тозалаш лозим.

## VI. ЭКСПРЕССИВ ВА СТИЛИСТИК ЖИҲАТДАН ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИКАСИ

**22-§. Умумистеъмолдаги сўзлар.** Тилнинг луғат составида мавжуд бўлган барча сўзлар турмушнинг ҳамма соҳаларида бир хилда қўлланмайди. Шундай сўзлар борки, улар ҳаёт учун зарур бўлиб, шу халқ ё миллатнинг барча аъзолари томонидан кенг равишда ишлатилади. Шундай сўзлар ҳам борки, улар бир соҳада қўлланиб, иккинчи бир соҳада деярли қўлланмайди. Айрим сўзлар эса сўзловчи ё ёзувчининг предмет, воқеа, ҳодисаларга муносабатини, қандай қарашини ёки унинг ҳис-ҳаяжонини ифодалайди. Мана шундай ҳоллар луғат составидаги сўзларни экспрессив-стилистик томондан турларга ажратиб ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги ўзбек тили лексикасидаги сўзларни экспрессив-стилистик томондан дастлаб иккига: умумистеъмолдаги сўзларга ва стилистик чегараланган сўзларга бўлиш керак.

Ҳаёт учун жуда зарур бўлган, кенг истеъмол қилинадиган сўзлар умумистеъмолдаги сўзлар дейилади. Масалан: *қор, дала, дарё, денгиз, ўрмон, катта, кичик, бир, ўн, юз, минг, мен, сен, у, биз, ишламоқ, тишламоқ, ўқимоқ, ёзмоқ, эрта, кеч, бугун, ҳозир, ва, ҳам, фақат, ёлғиз* кабилар.

**23-§. Стилистик чегараланган сўзлар.** Сўзлашув тилига хос бўлиб, адабий тилда кам ишлатиладиган, турмушнинг бир соҳасида қўлланиб, бошқа соҳасида деярли истеъмол қилинмайдиган, шунингдек, ҳис-ҳаяжонни ифодалайдиган сўзлар стилистик чегараланган сўзлар саналади.

Стилистик чегараланган сўзлар, асосан, уч турли бўлади: а) оғзаки нутққа хос сўзлар, б) ёзма адабий тилга хос сўзлар, в) эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар.

**24-§. Оғзаки нутққа хос сўзлар.** Маълумки, умумхалқ тилининг икки шакли — оғзаки ва ёзма (адабий-китобий) шакллари бор. Улуғ рус ёзувчиси А. М. Горький айтганидек, бизда ишланмаган «хом» тил ва сўз санъаткорлари (олимлар, ёзувчилар, мутахассислар) томонидан ишланган, маълум қолипга солинган, нормалаштирилган тил бор. Оғзаки тил ишланмаган бўлса, ёзма (адабий) тил ишланган, маълум қолидага, нормага бўйсундирилган тилдир.

Оғзаки нутққа хос бўлган сўзлар жумласига оддий сўзлашув нутқида доир сўзлар, диалектизмлар (шева сўзлари), вульгаризмлар (қўпол сўзлар), варваризмлар (ўринсиз ишлатилган чет тилларнинг сўзлари) киради:

Мисоллар:

— Э — э, *жинни* бўлиб қолдингми? Вой-бўй, қиймалаб ташлабсан-ку бутун чирмларни, тентак. (*Ойбек.*)

— Жим, *аҳмоқ*, додлама! — деб Сарварни итарди Бўта. (*С. Аҳмад.*)

Мен бобомнинг қўлидан тортаман:

— Ҳандалак.

— Тек тур, *ҳувари*. Ҳали пишгани йўқ... — дейди бобом. (*Ойбек.*)

— Юр, укам, машинада тикишни ўргатаман. Бирам машинаки, шатиллатиб тикиб беради. Юр, ўзинг кўр, уч кун бурун *горддан* тоғанг олиб келди. (*Ойбек.*)

**25-§. Ёзма адабий тилга хос сўзлар.** Адабий тил нормалаштирилган тилдир. Адабий тил бир хилликни таъминлайди. Ёзма адабий тилнинг бир неча услуби бор: илмий услуб, расмий-идора услуби, публицистика услуби ва бадий услуб. (Бу услублардаги сўзларнинг адабий тилнинг оғзаки шаклида фойдаланиши ҳам унутмаслик керак.)

Шундай қилиб, адабий тилнинг услубларида қўлланадиган сўзлар ёзма адабий тилга хос бўлган сўзлар деб юритилади. Бундай сўзларнинг анчагинаси асосан фанларга оид терминлардир.

Ёзма адабий тилга хос бўлган сўзларни қуйидаги асосий турларга ажратиш мумкин:

1. Расмий-идора сўзлари: *ариза, акт, справка, протокол, ширтнома, буйруқ, талабнома, комитет, ташкилот, ректор, ди-*

ректор, раис, мудир, сьезд, конференция, пленум, мажлис кабилар.

2. Илмий терминлар: водород, кислород, оксиген; суффикс, префикс, эга, кесим; тенглама, учбурчак, тўртбурчак; экватор, меридиан кабилар.

3. Публицистикага оид сўзлар: тинчлик, қардошлик, дўстлик, иттифоқ, мусобақа, илғор, қолоқ, мақола, сарлавҳа, рубрика, фельетон кабилар.

4. Бадий услубга хос сўзлар: чеҳра, жамол, ишқ, муҳаббат, сокин, майин, ажойиб, самимий, мамнун, маҳбуб, фалак, диёр кабилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, оғзаки нутққа хос бўлган сўзлар ўрни билан адабий тилга хос сўзлар қаторига ўтиши ва аксинча ҳоллар ҳам юз бериши мумкин.

**26-§. Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар.** Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар сўзловчи ё ёзувчининг предмет, воқеа-ҳодисаларга муносабатини ёки унинг турли ҳис-ҳаяжонини ифодалайди.

Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар икки хилдир:

Ўз лексик маъноси билан сўзловчи ё ёзувчининг ҳис-ҳаяжонини ёки унинг ўша объектга ё воқеа-ҳодисага қарашини ифодалайдиган эмоционал сўзлар. Бундай эмоционал сўзлар ўз навбатида икки турли бўлади:

а) ҳис-ҳаяжонни билдирувчи махсус сўзлар — ундовлар ёки ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи отлар: оҳ, уф, эҳе, оҳо, эҳа, ура, эй, вой, дод; даҳшат, жаҳл, уят, ҳийлагар, маккор; қувонч, шодлик, нозиклик, қайғу, гам, тантана кабилар.

Ҳис-ҳаяжонни билдирувчи отларнинг ўзи ҳақида гап борса, масалан, психология дарсида ё психология китобида, у сўзлар эмоцияни ифода этмаслиги мумкин.

б) сўзловчи ё ёзувчининг предмет, воқеа-ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатини билдирадиган сўзлар: яхши-ёмон, доно-нодон, ақлли-ақлсиз, гўзал-хунук, хурсанд-хафа, сахий-хасис, одил-жоҳил кабилар.

Бундай сўзлар кўпинча антоним жуфтларига эга бўлади.

2. Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзларнинг иккинчи хили грамматик йўл билан ҳосил қилинади. Бу асосан эркалаш ва кичрайтиш қўшимчаларини олиб келган сўзлардир. Бундай сўзларнинг ёлғиз ўзаги ҳис-ҳаяжонни билдирмайди, унга (ўвакка) эркалаш-кичрайтиш қўшимчаси қўшилгач, сўнгра негиз ҳолича эмоционал хусусиятни билдиради.

Ҳозирги ўзбек тили лексикасида эмоционал сўзларнинг иккинчи тури **-ча, -чак, -чоқ, -лоқ, -гина (-кина, -қина)** каби «субъектив баҳо» ифода этувчи аффикслар ва **жон, хон, ой** сўз-қўшимчалар ёрдами билан ҳосил қилинади.

Мисоллар: қизча, йигитча, китобча, уйча, келинчак, тугунчак, тойчоқ, қўзичоқ, бўталоқ, болагина, ўртоққина, этикқина, она-

жон, опажон, Дилбархон, Назирахон, Ёқутой, Роҳатой каби-  
лар.

Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар бадий ифодани кучайтиради, тингловчи ё ўқувчи диққатини гап мазмунига тортади.

Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар оғзаки нутқда ҳам, ёзма адабий нутқда ҳам ишлатилади.

## VII. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

**27-§. Термин ва унинг турлари.** Термин латинча сўз бўлиб, *terminus* — чегара маъносидадир. Термин предмет, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тушунчанинг аниқ номи, ифодаси ҳисобланади. Терминга фан ва техникага оид тушунчаларни ифодаловчи махсус сўз ва қўшма сўзлар боғланмаси билан бирга, маълум касб-ҳунарга доир махсус сўз ва қўшма сўзлар боғланмаси ҳам киради.

Шундай қилиб, маълум бир тушунчанинг аниқ ва муҳим ифодаси саналган, фан, техника, санъат, адабиёт, касб-ҳунар соҳаларида махсус қўлланадиган сўз ё қўшма сўзлар боғланмаси термин дейилади.

Мисоллар: *буғдой, арпа, пахта, ғўза, чинор, терак* (ботаника терминлари); *феъл, равиш, қўшма гап, белгили қаратқичли аниқловчи, ажратилган иккинчи даражали бўлаклар* (тилшунослик терминлари); *сахна, декорация, афиша, режиссёр, актёр* (санъатшунослик терминлари); *арра, теша, ранда, омбур* (дурадгорлик ҳунарига оид терминлар) ва шу кабилар.

Терминни термин бўлмаган сўз ва иборалардан фарқлаш учун унинг (терминнинг) ўзига хос хусусиятини билиш керак. Бу хусусиятлар асосан иккита:

Биринчидан, термин маълум бир тушунчанинг аниқ номи бўлиб, бир маъноли (моносемантик) сўз ё қўшма сўзлар боғланмаси ҳисобланади, у кўчма маънода қўлланмайди.

Иккинчидан, термин маълум бир соҳада (маълум бир фан ё касб-ҳунарда) ишлатиладиган махсус сўз ёки қўшма сўзлар боғланмасидир.

Шуни айтиш керакки, умумистеъмолдаги сўзларнинг баъзилари терминга ўтганида, у сўзлар ўзларининг дастлабки, асосий маънолари билан кенг истеъмолдаги сўзга тегишли бўлса, иккинчи, махсус бир маъноси билан у маълум соҳадаги термин саналади.

Масалан: *Ғўза парваришини суғориш билан моҳирона боғлаб олиб бориш жуда муҳим аҳамиятга эга* (Газетадан). *Гап бўлаклари ичида эга асосий ролни ўйнайди.*

Биринчи гапдаги эга сўзи ўзининг дастлабки маъносида бўлиб, кенг истеъмолдаги сўзлар жумласига кирса, иккинчи гапдаги эга тилшунослик терминларидандир.

*Товуш, от, сифат, сон, феъл, равиш, ҳол, сўз, гап* каби сўзлар ҳам асосий (дастлабки) маънолари билан кенг истеъмолдаги сўзларга, иккинчи, махсус (лингвистик) маънолари билан тилшунослик терминларига киради.

Демак, лўғат составидаги маълум бир сўз ҳам, кенг истеъмолдаги сўз ҳам термин бўлиши мумкин.

Терминлар, юқорида айтилганидек, фан, техника, санъат ва адабиётга оид тушунчаларни, шунингдек, касб-ҳунарга доир тушунчаларни ифодалаб келади. Мана шунга кўра терминларни, асосан, икки катта турга: илмий терминлар ва профессионал терминларга ажратиш мумкин.

Фан, техника, санъат, адабиёт ёки касб-ҳунар тармоқларидан маълум бирнга хос тушунчаларни ифодаловчи терминлар йиғиндисига терминология дейилади. (Терминология сўзи икки тил элементи бўлиб, термин — латинча *terminus* — чегара, логия — юнонча *logos* — билим демакдир.) Терминларнинг турларини, уларнинг маъноларини текширадиган билим ҳам терминология номи билан юритилади.

Профессионал терминлар. Ўзбекистон территориясида кўп замонлардан бери турли касб-ҳунар тармоқлари давом этиб келмоқда. Овчилик, чорвачилик, кулолчилик, дурадгорлик, бинокорлик, пойафзалдўзлик, наққошлик, каштачилик ва бошқа шулар сингари соҳалар ўзларига хос сўзлар (терминлар)га эгадир. Шунинг учун ўзбек тилида профессионал терминлар ёки касб-ҳунар лексикаси доираси кенг бўлиб, кўнгина сўз-терминларни ўз ичига олади.

Маълум касб-ҳунарга ва мутахассисликка оид моносемантик сўзлар профессионал терминлар саналади.

Профессионал терминларга қуйидаги соҳалардан мисоллар келтириш мумкин:

1. Кулолчилик касб-ҳунаридан: *ангоб//лоя//таксир* (сопол идишларнинг юзига берилган бўёқ), *булбулзор* (сопол товоқларга бериладиган нақшнинг бир тури), *гилбўта* (тоғдан чиқадиган кўккимтир оқ тусли лой), *барги бодом* (идишларга солинадиган бодом барги шаклидаги нақш) ва бошқа шу кабилар<sup>1</sup>.

2. Пойафзалдўзлик касб-ҳунаридан: *бигиз, қолип, шончўп, соғи, бешлик, дастак, пошна* кабилар.

3. Каштачилик касб-ҳунаридан: *каштадўзлик, чизмакашлик, йўрмадўзлик, зеҳдўзлик, попопчилик, дўппидўзлик, зардўзлик, бичиқчи, тарҳкаш, пилтакач* кабилар.

<sup>1</sup> Қаранг: С. Иброҳимов, Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, 1956, 64—110-бетлар.



Илмий терминлар. Ўзбек халқи фан, санъат ва адабиёти қадимий, узоқ тарихга эга бўлган халқлардан биридир.

Совет даври барча фанларнинг (бугунги кунда дунёда 500 га яқин турли фан тармоқлари мавжуд), санъат ва адабиётнинг, умуман, маданиятнинг ҳамма тармоқларини ҳар томонлама тараққий қилдирган, юқори чўққиларга кўтарган давр бўлди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасида фан, техника, санъат, адабиёт ва, умуман, маданиятнинг ўсиши ва ривожланиши ўз аксини топгандир.

Ҳар бир фан ўзига хос терминларга эга, шунинг учун ҳам фан-техникага оид илмий терминлар хилма-хилдир.

Илмий терминларнинг баъзи турларидан мисоллар келтирамиз:

1. Тилшунослик терминлари: *фонема, фонетика, урғу, бўғин, метатеза, редуқция, лексика, семантика, фразеология, грамматика, морфология, синтаксис, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, нуқта, вергул* кабилар.

2. Адабиётшунослик терминлари: *сифатлаш, ўхшатиш, муболаға, жонлантириш, роман, повесть, ҳикоя, очерк, проза, поэзия, баллада, аруз, маснавий, мухаммас, ғазал, туюқ* кабилар.

3. Тарихшунослик терминлари: *формация, жамият, капитализм, феодализм, социализм, коммунизм, эра, уруғ, қабила, этник группа, элат, миллат, давлат* кабилар.

4. Фалсафий терминлар: *идеология, материализм, идеализм, махизм, объект, субъект, борлиқ, онг, материя, метафизика, диалектика* кабилар.

5. Физикавий терминлар: *анод, барометр, вентилятор, нейтрон, оптика, ричаг, ядро, яшин* кабилар.

6. Математик терминлар: *куб, квадрат, теорема, аксиома, синус, косинус, плюс, минус, координат, интеграл, ечим, миқдор* кабилар.

7. Географик терминлар: *компас, глобус, градус, зона, канал, карта, қирғоқ, ҳавза, яйлов, параллел, меридиан, экватор* кабилар.

8. Кимёвий терминлар: *атом, водород, темир, кислород, натрий, марганец, фосфор, мис, олтин, қўрғошин, қалай, симоб* кабилар.

9. Физиологик терминлар: *мия, бош мия, орқа мия, кўз, бўғиз (ҳиқилдоқ), нерв (асаб)* кабилар.

10. Ҳарбий терминлар: *солдат, командир, лейтенант, майор, генерал, маршал, батальон, армия, траншея* ва шу кабилар.

Юқорида кўрсатилган ва бу ўринда айтилмаган хилма-хил терминлар ҳозирги ўзбек тилида асосан икки йўл билан ҳосил бўлган:

А. Ўзбек тилининг ўз сўз бойлиги — ички манбаи асосида: *ипакчилик, тўқимачилик, пахтачилик, изоҳловчи, сифатдош, равишдош, бош бўлак, қўшма гап* кабилар.

Б. Русча ва интернационал терминлар қабул қилиш (ташқи манба) асосида: *физика, математика ассимиляция, диссимиляция, ракета, радио, телевизор, космос, космонавт, космодром* ва шу кабилар.

Демак, терминология яратишда, бир томондан, ўзбек тилининг ички манбаидан, ўз имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш керак, иккинчидан, русча-интернационал сўз-терминлардан фойдаланиш лозим.

## ФРАЗЕОЛОГИЯ

### VIII. ФРАЗЕОЛОГИЯ ҲАҚИДА

**28- §. Сўзлар боғланмаси ва унинг турлари.** Фразеология тилшунослик предметларидан бири сифатида ўрганиб келинмоқда. Фразеология маълум бир тилдаги барқарор сўзлар боғланмаси ёки фразеологик иборалар тўғрисида баҳс этади. Фразеологик иборалар, унинг турлари ва бошқа хусусиятлари ҳақида фикр юритишдан олдин сўз ва сўзлар боғланмаси бўйича маълумотга эга бўлиш керак.

Сўзлар боғланмаси икки ё ундан ортиқ мустақил сўз (ўзак)-нинг ўзаро алоқага киришидир. Бунда сўзлар семантик ва грамматик томондан боғланган бўлади. Сўзлар боғланмаси маълум тушунча ё тасаввур (кўзойнак, қишлоқ хўжалиги) ёки мураккаб тушунча ё тасаввур (шаҳар аҳолиси, оғир йигит) ёхуд нисбий тугал фикр (ҳаво иссиқ, ўпкаси тўлди) англашилади.

Шундай қилиб, гапда икки ё ундан ортиқ мустақил сўз семантик ва грамматик томондан алоқага кириб, маълум тушунча, тасаввурни ёки нисбий тугал фикрни билдирадиган тил бирлигига сўзлар боғланмаси дейилади.

Сўзлар боғланмаси составидаги сўзларнинг (элементларнинг) ўзаро алоқага кириши, алоқага киргандан кейин бутунлигича ё айрим ҳолда англатадиган маъноси жиҳатдан уч асосий группага бўлинади: а) қўшма сўзлар боғланмаси; б) эркин сўзлар боғланмаси; в) барқарор сўзлар боғланмаси.


Буларнинг хусусиятларини осон англаш учун 52-бетдаги схемага назар ташлайлик.

Энди сўзлар боғланмасининг ҳар бир турини бирма-бир кўриб чиқамиз.

**Қўшма сўзлар боғланмаси<sup>1</sup>.** Қўшма сўзлар боғланмаси ёки лексик боғланма икки ё ундан ортиқ мустақил сўздан таркиб топган бўлади. Бундай боғланмадаги сўзлар (ўзаклар) ўзаро алоқага киргач, улардан янги бир маъно англашилади. (Албатта, булар кўчма маънолар бўлмай, балки тўғри маънодир.) Қўш-

<sup>1</sup> Бу ўринда тенг алоқали сўзлар боғланмаси, унинг икки тури: жуфт сўзлар боғланмаси (ота-она, шаҳар ва қишлоқ каби), такрорий сўзлар боғланмаси (аста-аста, катта-катта каби) тўғрисида махсус тўхтамадик.

# СЎЗЛАР БОҒЛАНМАСИ



ма сўзлар боғланмаси бир тушунча ёки бир тасаввурни ифода-  
лаб, бир бош урғу билан айтилади ва гапда бутунлигича бир  
вазифани бажариб келади.

Қўшма сўзлар боғланмаси шаклан уч турлидир:

а) ўзаклари бирга келадиган қўшма сўзлар боғланмаси: *Беш-  
ёғоч, Қизилтепа, Шофайзиқулоқ, сулҳамишабахор, Шоабду-  
рахмон* кабилар;

б) ўзаклари айрим келадиган қўшма сўзлар боғланмаси:  
*қишлоқ хўжалиги, шаҳар совети, алоқа бўлими, сайлов участка-  
си, содда гап* кабилар;

в) ўзаклари қисқартирилган қўшма сўзлар боғланмаси:  
*СССР, КПСС, ГЭС, ГРЭС, ТошДУ, СамДУ* кабилар.

Қўшма сўзлар боғланмаси элементларининг ўзаро алоқаси  
қайси йўллар билан бирикиши жиҳатдан қуйидаги асосий тип-  
ларга бўлинади:

1. Қаратиш йўли билан бириккан қўшма сўзлар боғланмаси:  
*молия бўлими, Министрлар Совети, Бухоро ипак фабрикаси,  
Совет Армияси* кабилар.

2. Изоҳлаш йўли билан бириккан қўшма сўзлар боғланмаси:

Тошмат найчи, Рузвон хола, теримчи Чиннихон, композитор Зокиров, профессор Зоҳидов кабилар.

3. Сифатлаш йўли билан бириккан қўшма сўзлар боғланмаси: *Янгиқўрғон, Учқўрғон, ўтимли феъл, қўшма гап* кабилар.

Шундай қилиб, икки ё ундан ортиқ мустақил сўз (ўзак) бир бўлиб, маълум тушунча ё тасаввурни ифодалаб, бир маъно англатса, бир бош урғу билан айтилиб, гапда бутунлигича бир вазифани бажарса, бундай боғланма қўшма сўзлар боғланмаси саналади.

**Эркин сўзлар боғланмаси.** Эркин сўзлар боғланмасида икки ё ундан ортиқ мустақил сўз семантик ва грамматик томондан ўзаро алоқага кирган бўлади. Бундай боғланмаларда ҳар бир элемент ўз лексик маъносини сақлаб, гапда маълум вазифани бажаради. Эркин боғланмалар мураккаб тушунча ё тасаввурни ёки нисбий тугал фикрни англатиб келади.

Масалан, *Республикамизнинг иккита Ленин ордени бор*, деган гапда тўртта эркин сўз боғланмаси мавжуд:

а) *ордени бор* — эркин сўз боғланмасининг бир тури, гап, чунки у нисбий тугал фикрни ифодаламоқда; б) *республикамизнинг ордени*; в) *иккита ордени*; г) *Ленин ордени* боғланмалари эркин сўз бирикмаларидир.

Яна бир мисол: *Юқори ҳосилни Анорхон звеноси берди.* (*И. Раҳим*). Бу гапда тўртта эркин сўз бирикмаси бор:

- а) *юқори ҳосил* — сўз бирикмаси;
- б) *ҳосилни берди* — сўз бирикмаси;
- в) *Анорхон звеноси* — сўз бирикмаси;
- г) *звеноси берди* — гап.

Демак, гапда икки ё ундан ортиқ мустақил сўздан таркиб топган, семантик ва грамматик томондан алоқага кирган, маълум бир мураккаб тушунча ё тасаввурни ёки нисбий тугал фикрни ифодалаган боғлама эркин сўзлар боғланмаси дейилади.

Юқорида келтирилган мисоллар ва таърифдан кўринаётирки, эркин сўзлар боғланмаси мураккаб тушунча ё нисбий тугал фикрни ифодалаши, умуман, қандай функцияни бажариши жиҳатдан иккига бўлинади:

- а) сўз бирикмаси, б) гап.

**Барқарор сўзлар боғланмаси.** Сўзлар боғланмасининг учинчи тури барқарор сўзлар боғланмаси ёки фразеологик иборалардир. Барқарор сўзлар боғланмаси составидаги сўзларнинг миқдори ва элементларини ўзаро алоқага киритувчи воситалари жиҳатдан қўшма сўзлар боғланмаси ва эркин сўзлар боғланмасига ўхшайди. Аммо барқарор сўзлар боғланмаси ўзининг тубандаги белгилари билан юқоридаги боғланмалардан фарқ қилади:

1. Барқарор сўзлар боғланмаси ёки фразеологик ибораларда икки ё ундан ортиқ мустақил сўз бутунлигича бир кўчма маънони

ёки бир фикрни англатади. Қўшма сўзлар боғланмасида бир неча мустақил сўз бутунлигича бир тўғри (асосий) маънони билдиради. Эркин сўзлар боғланмасида эса ҳар бир сўз ўз бошича бир маънони англатади.

2. Барқарор сўзлар боғланмасида бир неча мустақил сўз бутунлигича бир гап бўлаги ё бутун бир гап вазифасини бажаради. Қўшма сўзлар боғланмасида бир неча мустақил сўз бир гап бўлаги вазифасинигина бажаради. Эркин сўзлар боғланмасида эса ҳар бир мустақил сўз айрим ҳолда гап бўлаги бўлиб келади.

3. Барқарор сўзлар боғланмасидаги элементлар бир қатъий қолипга келиб, шу шаклича кўп замонлар барқарор бўлса, эркин сўзлар боғланмасидаги компонентлар тез-тез ўзгарувчандир, бир қолипга кирмагандир. Қўшма сўзлар боғланмасидаги элементлар эса бу жиҳатдан барқарор сўзлар боғланмасига ўхшашдир, лекин у бошқа белгилари билан фразеологик иборалардан фарқ қилади.

4. Барқарор сўзлар боғланмаси ўзининг образлилиги, жозибadorлиги билан тингловчи ё ўқувчига таъсир қилади, лекин бошқа хил сўзлар боғланмасида бундай хусусият йўқ.

Шундай қилиб, элементлари қатъий бир қолипга кириб, кўп замонлар барқарор бўлган, кўчма маъно ё фикрни англатиб, гапда бутунлигича бир вазифани бажарган образли, жозибали сўзлар боғланмасига барқарор сўзлар боғланмаси ёки фразеологик иборалар дейилади.

Мисоллар: *Қизим бошимни осмонга етказди.* (А. Қаҳҳор.) *Боши осмонга етмоқ* — хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ маъносига. *Мажлис раиси Алихўжаев... музокарага чиқадиган кишиларнинг дамини кесиб турди.* (Газетадан.) (*Дамини кесиб турмоқ* — сўзлашга қўймаслик, истакни қайтариш маъноларида.)

*Ё соғиниб элини,  
Бўлдим юраги қон.*

(Ҳ. Олимжон.)

(*Юраги қон бўлмоқ* — қайғирмоқ, ранжимоқ, хафа бўлмоқ маъноларида.)

Мисоллардаги *боши осмонга етди, дамини кесиб турди, юраги қон бўлди* боғланмалари барқарор сўзлар боғланмаси жумласидандир.

Тилшуносликнинг фразеологик ибораларни (барқарор сўз боғланмасини), унинг барча хусусиятларини текширувчи соҳасига фразеология дейилади.

Эндиги параграфларда бу ҳақда кенг равишда фикр юритилади.

**29-§. Фразеология ва уни ўрганиш тарихига доир.** Фразеология юнонча сўз бўлиб, *phrasis* — фраза — ибора, ифода; *logos* —

логия — билим, илм, яъни иборалар ҳақидаги билим демакдир. Фразеология сўзининг бу тор маъноси унинг бутун моҳиятини очиб бера олмайди. Фразеология термини ҳозирги вақтда тор маъноси билан бир қаторда, қуйидаги маъноларда ҳам қўллаб келинмоқда:

а) маълум бир тилнинг фразеологик иборалари (барқарор сўзлар боғланмаси)нинг йиғиндиси;

б) тилшуносликнинг фразеологик ибораларни ўргатадиган бир соҳаси — предметларидан бири;

в) маълум шоир ё ёзувчига хос бўлган фразеологик иборалар йиғиндиси;

г) бир хилда такрорланадиган, штамплашган иборалар ҳам фразеология термини билан юритилади.

Фразеологияни ўрганиш тарихига кўз ташланганда, шу нарса маълум бўладики, у дастлаб адабиётшуносликда пайдо бўлган. Маълум бадий асарни бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилганда, барқарор сўзлар боғланмасини айнан таржима қилиш мумкин бўлмай қолган. Бунда ўша тилларда мавжуд бўлган фразеологик иборалар ўрганила бошланган.

Шундай қилиб, фразеология биринчи марта адабиётшунослик предмети сифатида ўрганилган. Кейинчалик, луғатларда сўз маънолари изоҳлангандек, фразеологик иборалар ҳам тўпланиб, маънолари изоҳланган. Шундан сўнг фразеологик иборалар маъноси, уларнинг грамматик қурилиши тилшунослик фанида ҳам текширила бошланган. Ҳозирги даврда фразеология масалалари ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик соҳаларида ўрганилмоқда.

Фразеология термини дунё филологиясида 1558 йилда инглиз адабиётшунос олими Неандр томонидан биринчи марта қўлланган. У бадий асарларни таржима қилишда шу терминни ишлатишга мажбур бўлган.


Рус тилшунослигида фразеологик ибораларни ўрганиш XIX асрда бошланади. Ўзбек тилшунослигида эса XX асрнинг 50-йилларидан ўрганила бошланди.

## **IX. ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАР ТУРЛАРИ**

**30-§. Фразеологик ибораларнинг асосий турлари.** Ўзбек тилшунослигида фразеологик иборалар семантик томондан асосан уч тур (фразеологик чатишма, фразеологик бирлашма ва фразеологик қўшилма)га бўлиниб, ўрганиб келинмоқда.

Фразеологик ибораларни семантик томондангина ўрганиш бу фanning барча хусусиятларини аниқлаш учун имкон бермайди. Шунинг учун фразеологик ибораларни семантик, грамматик, этимологик ва стилистик жиҳатлардан текшириш ва классификация қилиш маъқул.

# ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ СХЕМАСИ





Фразеологик ибораларни семантик томондан турларга ажратишда академик В. В. Виноградовнинг бу соҳадаги мавжуд классификациясини асосан қабул қилиб, лекин ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўриш талабга мувофиқдир.

Фразеологик ибораларни грамматик (морфологик, синтактик) томондан текширганда, уларнинг сўзга, сўз бирикмасига ва гапга тенг (эквивалент) бўлиб келиши ва бошқа шу каби хусусиятлари ўрганилади.

Фразеологик ибораларни этимологик жиҳатдан ўрганганда, бундай ибораларнинг қайси тил элементи эканлигини аниқлаш ва замонлар ўтиши билан у ибораларнинг деформация ва модернизацияга учраганлигини белгилаш керак бўлади.

Фразеологик иборалар маҳаллий диалект ва шеваларга тегишли бўлиши, диний қарашларни ифодалаши, турли касб-хунарга ва турмушнинг хилма-хил соҳаларига доир бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар фразеологик ибораларни стилистик нуқтаи назардан ўрганишга имкон беради.

## Х. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛАШМА

**31-§. Фразеологик бирлашма ва унинг турлари.** Фразеологик бирлашма фразеологик иборалар ичида ҳажм жиҳатдан катта, хилма-хил хусусиятларга эга бўлган барқарор сўзлар боғланмасидир. Фразеологик бирлашма составидаги компонентлар (сўзлар) ўз лексик маъноларини асосан сақлаган бўлади. Бундай иборадан бутунлигича келиб чиқадиган маъно компонентлардан келиб чиқадиган тўғри маъно бўлмай, балки бир бутун иборадан ҳосил бўладиган кўчма маънодир. Бу маъно ўша ибора составидаги сўзларга тегишли бўлган маъноларнинг умумий йиғиндиси сифатида келиб чиқади. Бундай иборалар кўчма маънода қўлланса, фразеологик бирлашма, тўғри маънода ишлатилса, эркин сўзлар боғланмаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, составидаги компонентларнинг маъноларига боғлиқ бўлган, шу асосда умумлаштирувчи кўчма маънони билдирган барқарор сўзлар боғланмаси фразеологик бирлашма дейилади.

Мисоллар: «*Бултурги Эшмат*» ердан *тиши билан суғуриб олган* ҳосилнинг деярли ярмини бой акасига берар эди. *Энди Сизнинг этагингизни ушлаганим-ушлаган*, Урмонжон ака. (А. Қаҳҳор.) Ҳар бир таълимни пухта ўрганишга *бел боғлаганми*з. (Ойдин.) Бу мисоллардаги *тиши билан суғуриб олган* (қийинчилик билан топган маъносида), *этагини ушлаган* (ёрдамига таянган маъносида), *бел боғлаган* (бирор ишни бажаришга киришган маъносида) барқарор сўзлар боғланмаси фразеологик бирлашмалар жумласидандир.

Фразеологик бирлашманинг эркин сўзлар боғланмасидан фарқини тубандаги мисоллар билан яққол кўриш мумкин:

**Моғор босиб ётган** нонларни молга бериш мумкинми? *Шу чоққача қайси бурчакда моғор босиб ётган эдингиз?* (А. Қаҳҳор.) Биринчи мисолдаги **моғор босиб ётган** ибораси эркин сўзлар боғланмасидир, чунки бу бирикмани ташкил этувчи **моғор, босмоқ, ётмоқ** сўзлари ўз лексик маъноларини сақлаб қолган ва боғланма ҳолича ўз тўғри маъноси билан ноннинг сифатини аниқлаб келган. Иккинчи мисолдаги **моғор босиб ётган** ибораси фразеологик бирлашма бўлиб, ундаги сўзлар ўз лексик маъноларини сақлаган ҳолда, шу маънолар асосида бир бутун боғланма кўчма маънони — нима қилаётган эдингиз, қаерда эдингиз, кейинда қолгансиз деган маъноларни билдирмоқда. Биринчи мисолда **моғор босиб ётган** ибораси гапда аниқловчи ролини, иккинчисида эса у ибора кесим вазифасини бажариб келмоқда.

Яна бир мисолни чоғиштиринг: *Дўстим, тишингизга дори кўйганимдан сўнг оғиз очманг, бир неча минут бурундан нафас олсангиз, зарар қилмас. Саркор, «хўжайин инсоф қилиб турганда, ҳақ тўғрисида оғиз очманг, коляска анча пул билан тикланди»,— деди.* (А. Қаҳҳор.) Биринчи мисолда **оғиз очманг** боғланмаси тўғри маънода бўлиб, эркин сўз боғланмаси ҳисобланса, иккинчи гапда у ибора гапирманг, сўзламанг деган кўчма маънони ифодалаб, фразеологик бирлашма сифатида келмоқда.

Фразеологик бирлашма, юқорида айтилганидек, фразеологик ибораларнинг бошқа турларига қараганда ҳажми кенг ва турлитуман бўлиб, бир неча кўринишларга эгадир. Фразеологик бирлашма составига образли иборалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар, метафорик ибораларни киритиш мумкин. Буларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

**Образли иборалар.** Фразеологик бирлашманинг турларидан бири образли иборалардир. Образли иборалар маълум объект ё воқеа-ҳодиса ёки кишиларнинг ҳаракат-ҳолатларини жонли, таъсирли, жозибали қилиб тасвирлаб берадиган фразеологик бирлашмалардандир. Образли иборалар бирон объект ёки воқеа-ҳодисани бошқасига ўхшатиш ё ўша ҳақда муболаға қилиш усули билан яратилгандир. Образли иборалар кўпинча икки мустақил сўздан, шунингдек, иккитадан ортиқ мустақил ва ёрдамчи сўзлардан таркиб топган бўлади.

Мисоллар:

*Чолнинг тили тугилди,  
Кўрқди, ўпкаси тўлди.*

(Х. Олимжон.)

Кўп одамларнинг кўзи очилиб кетади. Янаги йилга бу муруватнинг миси чиқибди. (А. Қаҳҳор.) Келтирилган мисолларда

ти тили тутилди (қўрқди, гапиролмади маъноларида), кўзи очилади (билиб олади, сўнг тушунади маъносида), миси чиқибди (сири фош бўлди маъносида) барқарор сўзлар боғланмаси образли иборалардандир.

**Мақоллар.** Фразеологик бирлашманинг хилларидан бўлган мақоллар ҳам жонли тилда, ҳам адабий тилда кўп ишлатиладиган, халқ орасида кенг тарқалган барқарор сўзлар боғланмасидандир. Мақоллар қисқа, ихчам, чуқур маъноли барқарор иборалардир. «Меҳнаткаш халқнинг бутун ҳаётини, ижтимоий-тарихий тажрибаси мақолларда ўрнак бўладиган тарзда ифодаланган»<sup>1</sup>. Мақолларнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоят зўридир.

Мисоллар: *Темирни қизиғида ур. Бир ёқадан бош чиқариш керак. Йигитнинг ботирини майдонда сина. Ойни этак билан ёпиб бўлмас* ва шу кабилар. Келтирилган мисоллардан биринчиси ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш лозимлигини, иккинчиси коллектив бўлиб ишлаш, аҳил бўлиш кераклигини, учинчиси киши меҳнат жараёнида ўз меҳнати билан танилишини ва тўртинчиси айб-нуқсонларни яшириш мумкин эмаслигини билдириб келмоқда.

Мақоллар кишини ҳақиқий инсон бўлишга чақиради; меҳнати севиш, илмли ва ҳунарли бўлишга ундайди; ёрга вафодор, дўстга шафқатли, душманга нисбатан шафқатсиз бўлишга ўргатади; кишини ватанпарвар, қаҳрамон, ростгўй ва виждонли бўлишга даъват этади.

Мақолларнинг синфий характерга эга эканлигини унутмаслик керак, чунки тилда прогрессив ғояларни ифодаловчи, гуманизмни улуғловчи мақоллар билан бир қаторда, реакцион ғояларни олға сурувчи, антигуманистик мақоллар ҳам бор. Шунинг учун барча мақолларга бир хилда қараш тўғри эмас.

Мақоллар семантик жиҳатдан икки хил бўлади: а) ўз (асл) маъносида бўлган мақоллар, б) кўчма маънодаги мақоллар. Фразеологик бирлашмага асосан кўчма маънодаги мақоллар киради. Ўз (асл) маъносидаги мақоллар фразеология доирасига кирмайди. *Бугунги ишни эртага қўйма, душманга омон берма, ёвга бўйсунмоқдан кўра ўлим афзал* каби ўз маъносидаги мақоллар фразеология составига кирмайди. *Қолган ишга қор ёғар, етти ўлаб, бир кес, кўрпанга қараб оёқ узат* сингари кўчма маънодаги мақоллар фразеологик бирлашма таркибига киради. *Қолган ишга қор ёғар* (ўз вақтида бажарилмаган иш амалга оширилиши қийин бўлади, кишини овора қилади маъносида), *етти ўлаб, бир кес* (бир ишни кўп ўйлаб, сўнг қилгин маъносида), *кўрпанга қараб оёқ узат* (кучингга яраша иш қил маъносида) типидagi мақоллар мажозий бўлиб, фразеологик бирлашма талабларига жавоб бера олади.

<sup>1</sup> М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1962, 98-бет.

Мақоллар шакл жиҳатдан ҳам икки турлидир: а) прозаик шаклдаги мақоллар, б) поэтик шаклдаги мақоллар.

Прозаик шаклдаги мақолларга мисол: *Ойни этак билан ёпиб бўлмас* (айб, нуқсонларни яшириб бўлмайди маъносида), *дардни яширсанг, иситмаси ошкор қилар* (бир айб-нуқсоннинг устини ёпсанг, иккинчиси уни фош этар маъносида) кабилар.

Поэтик шаклдаги мақолларга мисоллар:

*Юрган — дарё,*

*Утирган — бўйра* (ҳар ким ҳаракат қилса, ишласа, мақсадига этар маъносида);

*Тома-тома кўл бўлар,*

*Томмай қолса чўл бўлар.*

(Доимо ишлаш, ўқиш билан ҳар қандай мақсадга эришиб бўлади, акс ҳолда ҳеч нимага эришиб бўлмайди маъносида.)

*Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда,*

*Жондан кечмасанг, жонона қайда* (меҳнат қилмасдан, қийинчилик тортмасдан роҳат кўриш мумкин эмас маъносида) кабилар.

Кўпгина мақоллар идиоматик ифодалар (фразеологик ча-тишма)га ўхшайди, бироқ бу хусусият улар ўртасидаги фарқни инкор этмайди. Улар ўртасидаги фарқлар қуйидагилар:

а) мақоллар кўпинча дидактик аҳамиятга эга, идиомалар эса бундай хусусиятга эга эмас;

б) мақоллар синфий қарама-қаршиликни кўрсатади, идиома-ларда бундай ҳолни кўрмаймиз;

в) поэтик шаклдаги мақоллар вази, ритм ва қофияга эга бўлса, идиомаларда бундай хусусиятлар йўқ.

**Афоризмлар.** Фразеологик бирлашманинг хилларидан бири афоризмдир. Афоризмлар ёки ҳикматли иборалар мақоллар сингари содда, ихчам, чуқур маъноли ва дидактик характерга эга бўлган барқарор сўзлар боғланмасидандир.

Афоризмлар келиб чиқиши жиҳатдан асосан адабий-китобий тилга хосдир. Улар тарбиявий аҳамиятга эгаллиги жиҳатидан, тузилиши томондан ва семантик хусусиятига кўра мақолларга ўхшашдир. Афоризмларнинг адабий тилга хослиги ва авторнинг маълумлиги унинг мақоллардан фарқини кўрсатади.

Шундай қилиб, фразеологик бирлашманинг бир тури ҳисоб-ланган, ихчам, чуқур маъноли ва тарбиявий аҳамиятга эга бўл-ган, автори маълум иборалар а ф о р и з м дейилади.

Мисоллар:

*Улуғликка етсанг, унутма ўзинг —*

*Қачон кийсанг атлас, унутма бўзинг.*

(Аҳмад Юғнакий.)

Бу байтдаги иккинчи мисранинг кўчма маъноси (афоризмнинг моҳияти) биринчи мисрада изоҳлангандир.

Қафасдан бўшалган ҳар қуш  
Қайтиб ўзини солурму?

(Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.)

Бу афоризмнинг кўчма маъноси — эркинликка эришган меҳнаткашлар эксплуататорларга қайта таслим бўлишни истамайдилар, демакдир.

Афоризмлар ҳам мақоллар каби шакл жиҳатдан икки турлидир:

а) прозаик шаклдаги афоризмлар:

*Мушукка риоят қабутарга офатдир ва шағал жонибин<sup>1</sup> тутмоқ товуқ тухмин қурутмоқдир.* (А. Навоий.) Бу афоризм душман томонини олма, уни ҳимоя қилма, душманга омон берма, деган кўчма маъноларни ифодаламақда.

*Ифлос қўл билан отилган балчиқ тоза кишига асло юқмайди.* (Ш. Рашидов.)

Бу афоризм тухматчи, ғийбатчиларнинг бўҳтони, душманларнинг иғвоси виждонли кишиларни, дўстларни чўчита олмайди, деган кўчма маънони билдирмоқда.

б) поэтик шаклдаги афоризмлар:

*Эрурман васлинг доим талабгор,  
Нечаким тун узун бўлса, тонги бор.*

(Хоразмий.)

Бу афоризм ҳар қандай меҳнат, ҳар қандай қийинчиликларнинг охирида роҳат, албатта, бўлади, деган маънони ифодаламақда.

*Ут иши — қовурмоқ,  
Ел иши — совурмоқ.*

(А. Навоий.)

Бу афоризм дўст ҳамиша яхшилик, душман эса доимо ёмонлик қилади, деган маънони билдириб келмоқда.

*Сарву гулу лола харидори бор,  
Лек сомоннинг дағи бозори бор.*

(А. Навоий.)

Бу ҳикматли ибора орқали ҳар нарсанинг ўз талабгори, ҳар бир ошиқнинг ўз маъшуқаси бор, деган маъно ифодаланмоқда.

Марксизм классиклари томонидан айтилган қимматли ибора ва шиорлар, шунингдек, машҳур шахслар, давлат арбоблари тарафидан айтилган қимматли ифодалар ўз характери жиҳатдан афоризмларга яқиндир: *Дин — халқ учун афюндир.*

<sup>1</sup> Жониб — томон, тараф маъносидадир.

(К. Маркс.) *Меҳнат — барча бойликларнинг манбаидир.* (Ф. Энгельс.) *Агар душман таслим бўлмаса, уни янчадир* (М. Горький.) ва шу қабилар.

Булар ўзбек тилида янги ифодалар бўлиб, рус тилидан таржима қилиш натижасида майдонга келгандир. Бундай мисоллар рус тилининг ўзбек тили фразеологиясини бойитишда ҳам баракали таъсирини кўрсатади.

Метафорик иборалар ҳам фразеологик бирлашманинг турларидан биридир. Бундай иборалар кўпинча икки сўздан, баъзан уч-тўрт сўздан таркиб топиб, бирикма ҳолича бир кўчма маънони билдиради. Метафорик иборалар предметларни бир-бирига ўхшатиш усули билан ифодалайди. Метафорик иборалар кўпинча адабий тилда қўлланади.

Мисоллар:

*Бу — Шарқнинг юлдузи Ўзбекистондир.* (Ҳ. Олимжон.)

Улар кимё саноатига кўпроқ *зангори ёнилғи* юбориш учун фидокорона ишламоқдалар. (Газетадан.)

Келтирилган мисолларда *Шарқ юлдузи* (Ўзбекистонни ифодаловчи ибора) ва *зангори ёнилғи* (газни ифодаловчи ибора) метафорик иборалардандир.

Метафорик иборалар грамматик тузилиши жиҳатдан кўпинча қаратқичли бирикма шаклида: *ақл чироғи* (илм), *умр баҳори* (ёшлик), *билим хазинаси* (китоб), *революция бешиги* (Ленинград), *дала маликаси* (маккажўхори шаклида учраса), баъзан сифатловчили бирикма шаклида: *оқ олтин* (пахта), *қора олтин* (нефть), *зангори кема* (пахта териш машинаси) тарзида келади.

Фразеологик бирлашманинг турларидан бўлган метафорик иборалар фразеологик қўшилмаларга шаклан ўхшашдек кўринадилар, бироқ уни бир-биридан фарқлай билиш керак. Метафорик ибораларда бутун бир боғланма кўчма маънони ифодалайди. (*Рус шеърининг баҳори* — А. С. Пушкинни ифодаловчи ибора каби.) Фразеологик қўшилмаларда эса бирикма составидаги бир сўз, баъзан икки сўз кўчма маънони билдириб, қолган сўзлар тўғри маъносида бўлади. (*Жамиятимизнинг гули* — жамиятимизнинг энг яхши кишиси, танилган одами маъносида.)

## XI. ФРАЗЕОЛОГИК ЧАТИШМА

**32-§. Фразеологик чатишма ва унинг турлари.** Фразеологик ибораларнинг яна бир тури фразеологик чатишмадир. Фразеологик чатишмада компонентлар ўзларининг дастлабки (лексик) маъноларидан узоқлашиб, ибора составида бутунлигича кўчма маънони ифодалайди. Иборадан келиб чиқадиган кўчма маъно билан сўзларнинг дастлабки (лексик) маънолари ўртасида боғланиш бўлмайди.

Демак, ўз составидаги сўзларнинг дастлабки маъноларига асосланмаган, бир бутун боғланмадан келиб чиқувчи кўчма маънони англатган барқарор сўзлар боғланмасига ф р а з е о л о г и к ч а т и ш м а дейилади.

Мисоллар: *Ҳали эшикдан киришим билан келин қиёмат кўтаради, йиғлайди. (Ойдин.)*

— *Ковушини тўғрилаб қўйиш керак, қурилишни ҳам, коллективни ҳам сариқ чақага сотади бу. (А. Мухтор.)* Парчалардаги қиёмат кўтаради (жанжал қилади, кўнгил қоралик қилади маъносида), ковушини тўғрилаб қўйиш керак (ҳайдаш маъносида), сариқ чақага сотади (менсимайди, ҳурмат қилмайди, сирни фош этади маъноларида) иборалари фразеологик чатишма саналади.

Фразеологик чатишма составидаги сўзлар миқдори жиҳатдан ва бутун боғланма бир бўлиб кўчма маъно англатиши жиҳатдан фразеологик бирлашмага ўхшашдир. Лекин тубандаги хусусиятлари билан улар бир-биридан фарқ қилади:

1. Фразеологик чатишма составидаги сўзлар ўзларининг лексик маъноларидан тамоман узоқлашган бўлса, фразеологик бирлашма таркибидаги сўзлар ўзларининг лексик маъноларидан бутунлигича узоқлашмай, қандайдир уларнинг ўз маънолари сезиларли бўлади.

2. Фразеологик чатишмадан келиб чиқадиган кўчма маъно билан боғланма составидаги сўзларнинг орасида боғланиш бўлмайди, аммо фразеологик бирлашмадан келиб чиқадиган кўчма маъно билан боғланма составидаги сўзларнинг маъноси ўртасида қандайдир боғланиш бўлади.

3. Фразеологик чатишма бутунлигича ёлғиз кўчма маънода қўлланса, фразеологик бирлашманинг бир неча кўринишлари ҳам кўчма маънода, ҳам ўз маъносида ишлатилади. Бундай иборалар кўчма маънода қўлланса, у фразеологик бирлашма саналади, агар ўз маъносида фойдаланилса, у эркин сўзлар боғланмаси ҳисобланади. (Бу тўғрида 31-параграфга ҳам қаралсин.)

Фразеологик чатишмани бир тилдан иккинчи бир тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди.

Фразеологик чатишма кўпинча идиоматик ифодалар ёки идиомалар термини билан юритилади.

## ХII. ФРАЗЕОЛОГИК ҚУШИЛМА

**33-§. Фразеологик қўшилма ва унинг турлари.** Фразеологик ибораларнинг учинчи тури фразеологик қўшилмадир. Фразеологик қўшилма кўпинча икки сўздан, баъзан ундан ортиқ сўздан ҳам таркиб топади. Фразеологик қўшилма составидаги бир ёки икки сўз кўчма маънода қўлланиб, бошқаси ўз лексик маъносини сақлаган бўлади. Кўчма маънони ифода этган элемент ёлғиз ўзи келганда кўчма маънолилик хусусиятини йўқотиб, ўз

асл маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам фразеологик қўшилма составидаги бир элементнинг кўчма маънони ифода этиши учун иккинчи элемент — ўз маъносида келган сўз бўлиши шарт. Бундан маълум бўладики, фразеологик қўшилмадаги бир элементдан англашиладиган кўчма маъно бутун боғланмадаги сўзларга боғланган ҳолда юзага чиқади.

Шундай қилиб, составидаги сўзлардан бири ё иккитасининг кўчма маъносига асосланган ва боғланмадаги барча сўзларга хос мустақил маъно марказларини сақлаб қолган иборалар фразеологик қўшилма деб аталади.

Мисоллар: *Гапнинг тузи курсин, болам, у нима деганинг?* (Ойдин.) Конкрет участкада *каллали одамлар* бўлса, иш мана шундоқ бўлади. (А. Мухтор.) *Урмон полвон... бугун Бухородан комиссия келганини эшитган бўлса керак, кечаги дами* ҳам қолмаган. (С. Айний.) *Бизнинг вазифамиз халқ таърибасини илмнинг элагидан ўтказишдир.* (А. Қаҳҳор.) Бу гаплардаги *гапнинг тузи* (гапнинг мазмуни, маъноси), *каллали одамлар* (доно, билимдон одамлар), *кечаги дами* (кечаги ҳаракати, ғайрати), *илмнинг элаги* (илмнинг асоси) иборалари фразеологик қўшилмалар жумласидандир.

Фразеологик қўшилма составидаги эркин элемент бу иборанинг эркин сўзлар боғланмаси (синтактик боғланма)га ўхшашлик томонини кўрсатади, аммо фразеологик қўшилмани синтактик боғланмадан фарқлай билиш керак. Бу фарқни қуйидаги мисоллар билан равшан кўриш мумкин: *Аччиқ чойдан бўлсин.* Бундай *аччиқ гаплардан* биз ҳам бенасиб қолмадик. (С. Анорбоев.) Биринчи мисолдаги *аччиқ чой* ибораси синтактик боғланма бўлиб, ҳар бир сўз лексик маъносида қўлланмоқда. Иккинчи мисолдаги *аччиқ гап* ибораси фразеологик қўшилма ҳисобланади, чунки бунда *гап* сўзи ўз маъносида, *аччиқ* сўзи эса кўчма маънода (койитувчи, ранжитувчи маъноларида) ишлатилган.

Яна тубандаги мисоллар чоғиштирилсин: *Биз ишнинг кўзини билувчи кадрларни тарбиялашимиз керак. Бу чолнинг кўзи ҳали яхши кўради. Ғалабанинг калити бизнинг қўлимизда!* (Яшин.) *Шкафнинг калити* кимда экан? ва бошқа шу кабилар.

Фразеологик қўшилмаларни компонентларининг ўзаро алоқага кириши, уларнинг қайси сўз туркумлари орқали ифодаланиши жиҳатдан уч турга ажратиш мумкин: а) қаратқичли фразеологик қўшилма, б) сифатловчили фразеологик қўшилма, в) предикативли фразеологик қўшилма.

Қаратқичли фразеологик қўшилмаларда биринчи сўз ўз лексик маъносида келган компонент қаратқич келишигида (ё белгили, ё белгисиз шаклда), иккинчи сўз — кўчма маънода келган компонент қаралмиш ҳолида бўлади: — *Уртоқлар, — деди Қулмурод, — бу далилларнинг ҳаммасидан маълум бўлишича, жиноятнинг ипи бориб «Нўмон ўғли» деган йигитга тақалади.*



(С. Айний.) *Ишнинг кўзини топдим, деб ўйладим-да.* (А. Мухтор.) Бу мисоллардаги *жиноятнинг ипи* (жиноятнинг бошланиши, сабаби маъносида), *ишнинг кўзи* (ишнинг йўли, усули, методи маъносида) иборалари қаратқичли фразеологик қўшилмалардандир.

*Жамиятнинг гули, тинчлик кабутари, пахтанинг тили, меҳнатнинг меваси, жиноятнинг изи* каби иборалар ҳам фразеологик қўшилма жумласига киради.

**Сифатловчили фразеологик қўшилмаларда** биринчи сўз — кўчма маънода келган компонент сифатловчи, иккинчи сўз — ўз маъносида келган компонент сифатланмиш вазифасида келади: *Тўхтамурод умрида дадасидан бунчалик қаттиқ гап эшитмаган эди... Дадасининг аччиқ сўзлари миясига қадалди-қолди.* (С. Анорбоев.) Мисоллардаги *қаттиқ гап* (койитувчи, ранжитувчи маъносида), *аччиқ сўзлар* (койитувчи, ранжитувчи; таъсирли маъносида) иборалари сифатловчи фразеологик қўшилмалардандир.

Сифатловчили фразеологик қўшилмага *оғир йигит, қалтис ҳазил, нозик масала, нордон сўзлар, қўли гул киши* каби иборалар ҳам мисол бўла олади.

**Предикативли фразеологик қўшилмаларда** биринчи компонент — ўз маъносида келган аналитик тишдаги қўшма феълнинг етакчи қисми, иккинчи компонент — кўчма маънода келган аналитик типдаги қўшма феълнинг кўмакчи қисми алоқага кирган бўлади: *Бу касалнинг эндигина иштаҳаси очилди. Комсомол яна кўрсин, овозга қўйсин.* Мисоллардаги *иштаҳаси очилди* (иштаҳага кирди, энди овқатланишга киришди маъносида), *овозга қўйсин* (овоз натижасини билсин, сайлаб кўрсин маъноларида) иборалари предикативли фразеологик қўшилмалардан саналади.

*Уққа тутди, тўпга тутди, қўл кўтарди, ҳақинг кетмайди, ваъда берди* каби иборалар ҳам предикативли фразеологик қўшилмалар жумласига киради.

\* \* \*

**34-§. Фразеологик ибораларнинг баъзи бир грамматик хусусиятлари.** Фразеологик ибораларга грамматик нуқтан назардан қараганда, бундай ибораларнинг бир хили сўзга тенг келиб, бир маънони англатади. Бошқа хиллари сўз бирикмасига тенг бўлади; баъзилари гапга тенг келиб, нисбий тугал фикрни билдиради. Мана шу хусусиятларига қараб, фразеологик ибораларни грамматик томондан дастлаб учга бўлиш мумкин:

1. Сўзга тенг келган фразеологик иборалар: *қўли очиқ* (сахий), *қўли қаттиқ* (хасис), *қаттиқ қўл* (талабчан), *кўзи йўлинг-да* (интизор), *кўзи тушди* (кўрди), *кўз қораси* (фарзанди) кабилар.

2. Сўз бирикмасига тенг келган фразеологик иборалар: *Кўнглидагини очиб ташлади* (сирини айтди), *ўзларини ака, эчкиларини така деб юрди* (ялиниб-ёлвориб юрди), *кўзини шира босган* (муваффақиятлардан эсанкиради) кабилар.

3. Гапга тенг келган фразеологик иборалар: *Кенгашли тўй тарқамас* (ҳар бир иш маслаҳат билан бўлса яхши), *қолган ишга қор ёғар* (ҳар бир иш ўз вақтида бўлиши дуруст), *ойни этак билан ёпиб бўлмас* (айб-нуқсонларни яшириб бўлмайди) кабилар.

Сўзга тенг келган фразеологик ибораларга морфологик жиҳатдан қараганда, ундай иборалардан келиб чиқадиган кўчма маъно феъл, сифат, от ва равиш сўз туркумларига тенг келиши мумкин. Шунга кўра, сўзга тенг фразеологик ибораларни морфологик томондан асосан тўртга бўлиш мумкин:

1. Феъл фразеологик иборалар: *Кўзи етади* (билади, тушунади), *ичи кўйди* (қайғурди), *кўнгил қўйди* (севди), *жуфтакни ростлади* (қочди), *боши осмонга етди* (қувонди, хурсанд бўлди), *юраги қинидан чиқиб кетди* (қўрқди), *дунёдан, ўтди* (ўлди), *бўш келди* (таслим бўлди) кабилар.

2. Сифат фразеологик иборалар: *териси қалин* (беғам, бепарво), *оқ кўнгил* (виждонли), *дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди* (бепарво, беғам), *арслон юрак* (ботир, қаҳрамон), *қўли очик* (сахий), *қўли қаттиқ* (хасис), *қаттиқ қўл* (талабчан) кабилар.

3. От фразеологик иборалар: *кўз қораси* (фарзанд), *умр баҳори* (ёшлик), *ақл чироғи* (илм), *кўзбўймачилик* (алдаш), *зангори олтин* (газ), *оқ олтин* (пахта), *дали маликаси* (маккажўхори) кабилар.

4. Равиш фразеологик иборалар: *бир ёқадан бош чиқариб* (дўстона, биргаликда), *енг шимариб* (астойдил), *бош кўтармай* (тинмай), *кечани-кеча, кундузни-кундуз демай* (ҳамиша, доимо) кабилар.

Фразеологик иборалар гапда ҳар қандай бўлак бўлиб кела олади:

а) эга вазифасида келган фразеологик ибора: *Отахоннинг юзига оёқ қўйиш бизнинг одатимизда йўқ.* (А. Мухтор.) Бу гапда юзига оёқ қўйиш (ҳурматсизлик маъносида) ибораси эга вазифасини бажармоқда;

б) кесим вазифасида келган фразеологик ибора: *Шунақа вақтда одамнинг юраги қинидан чиқиб кетади* (қўрқади маъносида) (А. Қаҳҳор.);

в) аниқловчи вазифасида келган фразеологик ибора: *Урин-босарнинг бундай хушомадлари олдида оғзининг таноби қоладиган одати бор эди* (илжаядиган маъносида) (Газетада.);

г) тўлдирувчи вазифасида келган фразеологик ибора: *Қўрқар эди шўрлик кўзни юмишдан* (ўлишдан маъносида) (Ҳ. Олимжон.);

д) ҳол вазифасида келган фразеологик ибора: *Ҳозир дунёни бошига кўтариб бувим келар* (додлаб, можаро кўтариб маъносида). (*Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий*.)

Фразеологик иборалар тузилиш томондан сўз бирикмаси, содда ва қўшма гап шаклларида келади:

1. Сўз бирикмаси шаклидаги фразеологик ибораларга мисол: *Дақиқонусдан қолган* (қадимдан), *қўлини сувга урмайди* (иш ёқмас), *қўлни қўлга берайлик* (аҳил, дўст бўлайлик), *қора юрак* (душман), *революция бешиги* (Ленинград), *умр баҳори* (ёшлик), *ақл чироғи* (илм), *бахт уйи* (Кремль) каби-лар.

2. Содда гап шаклидаги фразеологик ибораларга мисол: *Қўли очиқ* (сахий), *кўзи тунди* (кўриб қолди), *юраги йўқ* (қўр-қоқ), *тили қисик* (гуноҳкор), *тили тутилди* (қўрқди), *тарвузи қўлатигидан тушди* (айтгани бўлмади, мақсади рўёбга чиқмади), *кўнгли тўқ* (хотиржам) каби-лар.

3. Қўшма гап шаклидаги фразеологик ибораларга мисол: *Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам* (бепарво, беғам) *қизим, сен-га айтаман, келиним, сен эшит* (бировга сўзлаш билан бошқа кишини назарда тутиш).

\* \* \*

Бу ўринда фразеологик ибораларнинг ўзаро синоним қатор-ларга эгаллиги ҳақида ҳам қисқача тўхтаб ўтмоқчимиз.

Маълум бир тушунча ё тасаввур ҳар вақт ҳам бир сўз восита-си билангина ифодаланмасдан, бир қатор сўзлар билан ҳам ан-лашилади. Бундай сўзлар лексик синонимлар термини билан юритилади. Мисоллар: *ўсмоқ//улғаймоқ//вояга етмоқ//камол топ-моқ, ҳамиша//доимо//ҳар вақт* каби-лар.

Синонимия ҳодисаси сўзларга тегишли бўлганидек, аффикс-ларга ҳам (*Серунум//унумли; тилчи//тилшунос; бамаза//маза-ли...*), фразеологик ибораларга ҳам тегишлидир.

Шундай қилиб, синонимия ҳодисасини учга бўлиш мумкин:

1. Лексик синонимлар (синонимлар).
2. Морфологик синонимлар (синоним аффикслар).
3. Фразеологик синонимлар (синоним фразеологик иборалар).

Фразеология бобида ҳам бир тушунча ё тасаввур ёки нисбий тугал фикр бир фразеологик ибора билан ифодаланганидек, бир неча фразеологик ибора билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бун-дай эквивалент иборалар фразеологик синонимлар деб юритилади.

Мисоллар: *Қўлни қўлга берайлик//бир ёқадан бош чиқарай-лик.*

*Терисига сиғмади//боши осмонга етди//оғзи қулоғига етди// дўпписини осмонга отди.*

*Тўнини тескари кийди//жаҳлига минди//зардаси қайнади// зарда қилди//қовоғидан қор ёғади//сиркаси сув кўтармайди// тепа сочи тик бўлди.*

*Юраги кенг//ичи кенг//парвойи фалак//боқи беғам//дунёни сув босса, ўрдакка не ғам//дунёни сув босса, тўпигига чиқмайди ва бошқа шу кабилар.*

**35-§. Фразеологик ибораларнинг айрим стилистик хусусиятлари.** Ўзбек тилида мавжуд фразеологик ибораларнинг барчаси ўзбек халқининг ҳамма вакиллари (бутун шева вакиллари, ҳамма касб эгалари) учун ҳам тушунарли бўла олади, дейиш қийин. Шундай фразеологик иборалар борки, уларни шу тилнинг ҳамма вакиллари тушунади. Айрим ибораларни эса, бир ё икки шева вакили билади. Баъзи фразеологик иборалар эса ҳаётнинг маълум бир соҳасида қўлланади ва уни шу соҳада ишловчи мутахассис билади ва ҳоказо. Мана шу хусусиятларга кўра, фразеологик ибораларни стилистик (қўлланиш) жиҳатдан куйидагича классификация қилиш мумкин:

1. Кенг истеъмолдаги фразеологик иборалар: *Кўз очиб юмгунча, ойни этак билан ёпиб бўлмас, арпасини хом ўрган, кўрпанга қараб оёқ узат, жиғи-бийрони чиқди, капалаги учди, қўли эгри, қўлни қўлга берайлик* кабилар.

2. Шеваларга хос фразеологик иборалар: *Богдан келса, тоғдан келади* (Тошкент шевасида ҳам адабий тилда қўлланади). *Ашдан келса, дашдан келади* (Фарғона). *Мен нима дейман, қўзим нима дейди* (Қўқон). *Мен дўлдан келсам, у дўл бўш дейди* (Бухоро).

3. Касб-ҳунарга хос фразеологик иборалар. Бундай ибораларнинг ўзи тубандаги кўринишларга эга:

1) деҳқончилик соҳасидан олинган фразеологик иборалар: *олма пиш, оғзимга туш; шохида юрса, баргида юр; арпасини хом ўрибди; ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир* кабилар;

2) ошпазлик соҳасидан олинган фразеологик иборалар: *тайёр ошга баковул; ошга паниша тушди; қошиқ бўлма; қозонда бўлса, чўмичга чиқар; кулни ўз қўмоғига тортар* кабилар;

3) тикувчилик соҳасидан олинган фразеологик иборалар: *Астар-аврасини ағдарди, ипидан игнасиғача, тўнини тескари кийди, дўппи бошга тор келди* кабилар;

4) тўкувчилик соҳасидан олинган фразеологик иборалар: *бўзининг моксидай; бўзчи белбоққа ёлчимас; долу дастгоҳингни кўтар* кабилар;

5) дурадгорлик соҳасидан олинган фразеологик иборалар: *илдизига болта урди, теша тегмаган, ҳар бир уста тешани ўз томонига урар* кабилар;

6) медицина соҳасидан олинган фразеологик иборалар: *касалини яширса, иситмаси ошкор қилар; соғ тишни суғуриб олди;*

оғриган тишининг давоси омбур; иштаҳаси очилди, иштаҳаси карнай; ортиқча бош оғриқ кабилар;

7) мактаб-маориф соҳасидан олинган фразеологик иборалар: алифни калтак дейди; қорнини ёрсанг, алиф чиқмайди; икки ёрти бир бутун; икки ўн беш — бир ўттиз; «а» десам, «б» дейди кабилар.

8) темирчилик соҳасидан олинган фразеологик иборалар: темирни қизиғида бос; миси чиқди кабилар.

Юқорида кўрсатилган турлардан бошқа ҳам фразеологик ибораларнинг стилистик жиҳатдан хиллари бор.

**36-§. Фразеологик ибораларнинг этимологиясига доир.** Ҳар бир тилда, жумладан ҳозирги ўзбек тилида ўз фразеологик иборалари билан бир қаторда бошқа тиллардан олинган фразеологик иборалар ҳам учрайди. Лекин фразеологик ибораларнинг асосини ўша тилнинг ўз фразеологик иборалари ташкил этади, бошқа тиллардан олинган фразеологик иборалар озчиликни ташкил қилади.

Ҳозирги даврда ўзбек тилида қўлланаётган фразеологик ибораларнинг этимологик томондан, асосан уч хилини кўрамиз.

1. Асл ўзбекча фразеологик иборалар.

2. Тожик тилидан олинган фразеологик иборалар.

3. Рус тилидан олинган фразеологик иборалар.

Ўзбек халқининг ўз ижоди орқали майдонга келтирилган, кўп замонлар маҳсули бўлган тилимиздаги кўпгина иборалар асл ўзбекча фразеологик иборалар саналади: бош қотирди, кўз-қулоқ бўлди, капалаги учди, юраги қинидан чиқиб кетди, тўнини тескари кийди, қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит кабилар.

Қардош тожик халқи тилидан кирган, ўзлашиб кетган иборалар:

Мисоллар: Ба жону дил, дили сиёҳ бўлди, дарди бедаво, обрўсини тўкди, сукут — аломати ризо, садқаи сар кабилар.

Рус тилидан ўзбек жонли (сўзлашув) тилига бевосита ўтган фразеологик иборалар билан бир қаторда, айнан таржима қилиш (калька) йўли билан ҳам ўзбек адабий тилига кирган, ўзлашиб кетган фразеологик иборалар бор:

а) ўзбек тилига бевосита кирган русча фразеологик иборалар: буксирга олди, симофор очиқ, тормоз берди кабилар;

б) ўзбек тилига рус тилидан калькалаштирилган фразеологик иборалар: боши берк кўчага кирди (зашел в тупик), юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин (не имей сто рублей, а имей сто друзей), ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлгани яхшироқ (лучше поздно, чем никогда) кабилар.

**37-§. Совет даврида ўзбек фразеологиясининг тараққиётига оид.** Октябрь социалистик революциясидан сўнг ўзбек халқининг моддий-маънавий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Социалистик sanoat, қишлоқ хўжалиги, совет фани, техника-

си, санъати ва адабиёти ҳар тарафлама ривожланди. Бу ўзгар-  
ришлар, янгиликлар ўзбек миллий тилида ўз аксини топди.

Совет даврида ўзбек тили лексикаси анчагина янги сўзлар  
билан бойган бўлса, ўзбек фразеологияси ҳам бир неча янги  
иборалар билан бойиди.

Совет даврида ўзбек фразеологиясининг тараққиётини фра-  
зеологик бирлашма доирасининг янги иборалар билан (янги ме-  
тафорик иборалар, янги мақоллар, янги афоризмлар билан)  
бойганлигидан, янги фразеологик қўшилмаларнинг майдонга  
келганлигидан, бир неча фразеологик ибораларнинг деформация  
ва модернизацияга учраганлигидан ва рус тилидан олинган  
фразеологик ибораларнинг ўзлашиб кетганлигидан билиш мум-  
кин.

1. Янги метафорик иборалар: *Шарқ юлдузи* (Ўзбекистон  
республикаси ва журнал номи), *Ильич чироғи* (электр), *оқ ол-  
тин* (пахта), *зангори олов ё зангори олтин* (газ), *ҳаёт кўзгуси*  
(газета), *зангори кема* (пахта териш машинаси), *дала ма-  
ликаси* (маккажўхори) кабилар.

2. Янги мақоллар: *Плансиз иш — қолипсиз ғишт, коллектив  
ҳаёт — мудом барҳаёт, мард майдонда, аълочи имтиҳонда си-  
налади, социалистик замон — меҳнаткаш омон, пахта ўстирган  
олтин топади* кабилар.

3. Янги афоризмлар:

*Фарзанд гулдур, она — бир бўстон,  
Шунинг билан жаҳон гулистон.*

(Ҳ. Олимжон.)

*Пахта — колхоз рўзгорининг фили.*

(Ойбек.)

*Ифлос қўл билан отилган балчиқ тоза кишига асло юқ-  
майди.* (Ш. Рашидов.)

4. Янги фразеологик қўшилмалар: *Ўзбекистон булбули, тинч-  
лик кабутари, тинчлик байроқдори, жамиятимиз гули, илминг  
элаги* кабилар.

Фразеологик ибораларнинг деформация ва модернизация  
қилиниши ҳақида икки оғиз сўз:

**Деформация** — маълум бир фразеологик иборани шаклан  
ва сўз миқдори жиҳатдан ўзгартириш демакдир. Бунда ибора-  
нинг шакли ўзгарса-да, унинг мазмуни ўзгармайди. Масалан,  
Ҳамид Олимжон *ойни этак билан ёпиб бўлмас* деган халқ мақо-  
лини деформация қилиб *танга билан тўсиб бўлмас қуёшни* шак-  
лида ишлатган.

Маълум бир фразеологик иборани замон талабига мувофиқ  
маъносини ўзгартириш ё кенгайтириш, ёки ўша иборани янги  
маънода қўллаш усули модернизация дейилади. Маса-

лан, Ғ. Ғулом *ваъдага вафо* — *марднинг иши* деган халқ мақолини *ваъдага вафо билан ўзбек топди эътибор* тарзида ишлади.

## XIII. ҲОЗИРГИ УЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ

**38-§. Лексикография ҳақида.** Лексикография юнонча сўз бўлиб, *lexis* — сўз, *grapho* — ёзаман, демак, сўзларни тўплаб ёзиб чиқишдир.

Маълум бир тил ёки икки ва ундан ортиқ тил сўзларини йиғиб, системалаштирган ҳолда луғат тарзида чиқариш лексикография дейилади. Луғат типда бостириб чиқариладиган асарларнинг йиғиндисига ҳам лексикография дейилади.

Демак, лексикография луғат ва луғатчилик тўғрисида баҳс этади. Лексикография бўйича мутахассис киши лексикограф деб аталади.

Ўзбек тилшунослигида лексикография кейинги 25—30 йил давомида, айниқса, ривожланди.

**39-§. Луғат ва унинг турлари.** Луғат маълум бир тилдаги сўзларнинг ҳаммасини ёки анча қисмини жамлаб, у сўзларнинг маъноларини изоҳлаб берадиган китобдир. Луғат яна бир ёки икки ва ундан ортиқ тилдаги сўзларни бошқа бир тилга таржима қилиб беради. Бундан ташқари, луғат бир тилдаги сўзларни тўплаб, у сўзларнинг қандай ёзилиши кераклигини ҳам кўрсатади. Луғат муайян бир усулда, алфавит тартибда бўлади.

Луғатлар тузилиши ва мазмунларига кўра, дастлаб икки асосий турга: энциклопедик луғатлар ва филологик луғатларга бўлинади.

**Энциклопедик луғатлар.** Кишилиқ билимининг барча соҳалари ёки бирор соҳаси бўйича системалаштирилган маълумотларни берадиган луғатга энциклопедик луғат дейилади. Энциклопедик луғат энг катта ва энг муҳим луғатдир.

Энциклопедик луғатлар Шарқ халқлари тилида, жумладан ўзбек тилида қомус термини билан ҳам юритилади.

Энциклопедик луғат ёки энциклопедия характерига кўра икки хилдир.

а) умумхарактердаги энциклопедия, б) махсус энциклопедия.

Умумхарактердаги энциклопедия илмнинг барча соҳалари бўйича, машҳур шахслар, олимлар, шоирлар, ёзувчилар ҳақида бирмунча кенг маълумот беради. Махсус энциклопедия маълум бир соҳани, масалан, адабий энциклопедик луғат адабиёт соҳасидаги барча масалаларни изоҳлаб беради.

Рус тилида умумхарактердаги энциклопедиядан Катта совет энциклопедияси (БСЭ, аввалги нашри — 66 том, кейинги нашри — 51 том), Кичик совет энциклопедияси (10 том), махсус эн-

пиклопедиялардан адабиёт ва медицинага оид энциклопедиялар бор.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси «Ўзбек совет энциклопедияси» (ЎЗСЭ) устида иш олиб бормоқда.

**Филологик луғатлар.** Филологик луғатларда маълум бир тилдаги сўзлар ва иборалар маъноси изоҳланади ёки икки, уч тилдаги сўзлар таржима қилиб берилади. Филологик луғатлар мана шу хусусиятлари жиҳатдан учга: а) бир тилли луғатлар, б) икки тилли таржима луғатлари, в) кўп тилли таржима луғатларига бўлинади.

**40-§. Бир тилли луғатлар.** Бундай луғатларда маълум бир тилдаги сўзларнинг ва ибораларнинг, масалан, ўзбек тилидаги сўзлар ва ибораларнинг маънолари изоҳланади ё ўша тил сўзларининг тўғри ёзилиши (имлоси) кўрсатилади ёки сўз ва ибораларнинг келиб чиқиши баён қилинади. Мана шу хусусиятларига кўра, бир тилли луғатлар ўз навбатида бир неча хил бўлади. Булардан баъзи турлари қуйидагилар:

1. Изоҳли луғат.
2. Имло луғати.
3. Фразеологик луғат.
4. Терминологик луғат.
5. Диалектологик луғат.
6. Синонимик луғат.
7. Этимологик луғат.

1. Сўзларнинг бир ва кўп маъносини, тўғри ва кўчма маъноларини, маъно нозикликларини тушунтириб берадиган луғатга **изоҳли луғат** дейилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳали ишланмаган. Ҳозирги кунда шундай луғатни яратиш устида Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти луғат секторида иш олиб борилмоқда. 1953 йилда С. Иброҳимов ва П. Шамсиев ўртоқлар томонидан тузилган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» ни шу характердаги луғат дейиш мумкин.

2. Маълум бир тилдаги сўзларнинг тўғри ёзилишини кўрсатиб берадиган луғатга **имло луғати** дейилади.

Ўзбек тилининг имло луғати ўзбек тилидаги сўзларнинг бир хил шаклда тўғри ёзилишини кўрсатиб беради.

Совет даврида ўзбек ёзувининг турлича системасига мувофиқ равишда бир неча имло луғатлари майдонга келтирилди. Булардан Олим Усмоннинг «Имло луғати» (1949), С. Иброҳимов ва М. Раҳмоновнинг «Ўзбек адабий тилининг имло луғати» (1956) ва 1962 йилда чиқарилган «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати» каби луғатларни кўрсатиш мумкин.

3. Маълум бир тилдаги барқарор сўзлар боғланмаси ёки фразеологик ибораларни тўплаб, уларнинг хилма-хил маъноларини изоҳлаб берадиган луғат **фразеологик луғат** саналади.



Ш. Шомақсудов ва С. Долимов ўртоқлар томонидан тузилган «Кенг уйнинг келинчаги» номли луғатни шу характердаги луғат дейиш мумкин.

4. Маълум бир фан ёки касб-ҳунар соҳасида қўлланадиган терминларни тўплаб, уларнинг маъноларини тушунтириб берадиган луғатга терминологик луғат дейилади.

Ўзбек тилида жуда кўп терминологик луғатлар бор: русча-ўзбекча физика терминлари луғати, русча-ўзбекча математик терминлар луғати, пахтачилик терминлари луғати, физиология терминлари луғати ва бошқа шу кабилар.

1951 йилда проф. В. В. Решетовнинг «Краткий справочник по лингвистической терминологии» деган луғати ҳам чиққан эди, бу тилшунослик терминлари ҳақида кўп маълумот беради.

5. Маълум бир маҳаллий диалектдаги сўзларни жамлаб, маъноларини тушунтириб, уларни адабий тилдаги сўзлар билан қиёслаб берадиган луғат диалектологик луғат ҳисобланади.

6. Маълум бир тилдаги синонимик қаторларни тўплаб, маъноларини тушунтириб берадиган луғат синонимик луғат дейилади.

1963 йилда Азим Ҳожиев томонидан яратилган «Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати» нашр қилинди.

7. Маълум бир тилдаги сўзларнинг келиб чиқишини, уларнинг тарихий ривожланишини кўрсатадиган луғат этимологик луғат дейилади.

Ўзбек тилида этимологик луғат яратилгани йўқ.

Ўзбек тилшунослигида изоҳли луғат, фразеологик, этимологик, диалектологик луғатларининг майдонга келтирилиши ҳаётий-зарурий масалалардандир.

**41- §. Икки тилли таржима луғатлари.** Бундай луғатларда бир тилнинг сўзлари иккинчи бир тилга таржима қилиб берилди. Икки тилли таржима луғатларида бир тилдаги сўзларнинг полисемантик маънолари, омонимик хусусиятлари, синонимик қаторлари иккинчи бир тилдаги сўзлар билан изоҳланади. Шунингдек, бир тилнинг фразеологик иборалари иккинчи тилдаги фразеологик ибораларнинг эквивалентлари билан берилди, эквивалентлари иккинчи тилда бўлмаган тақдирда, у иборалар маъноси изоҳланади.

Ўзбек тилида бир неча икки тилли таржима луғатлари яратилган.

1941 йилда проф. Т. Н. Қориниёзий ва проф. А. К. Боровковнинг умумий таҳрири остида бир томли «Ўзбекско-русский словарь» («Ўзбекча-русча луғат») босиб чиқарилди. Бу луғат 17 мингга яқин сўзни ўз ичига олади.

1942 йилда яна шу олимлар таҳрири остида 30 минг сўзни ўз ичига олган бир томли «Русча-ўзбекча луғат» нашр қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти 1950—1956 йиллар давомида беш томли «Русча-ўзбекча луғат»ни нашр қилди. Бу беш томли луғат 71523 сўзни ўз ичига олади.

Беш томли «Русча-ўзбекча луғат» ўқувчилар ва ўқитувчилар учун, таржимонлар ва ёзувчилар учун, нашриёт ва редакция ходимлари учун, умуман, кенг меҳнаткашлар оммаси учун катта аҳамиятга эга бўлди, у улуғ рус халқининг тилини ўрганишга ёрдам берди ва ёрдам бермоқда.

**42- §. Кўп тилли таржима луғатлари.** Бундай луғатларда уч ва ундан ортиқ тилларнинг сўzlари таржима қилиб берилади. Кўп тилли таржима луғатлари тузилиш характериға кўра, асосан, икки тилли таржима луғатларига ўхшашдир, фақат тиллар миқдорининг кўплиги билан улар бир-биридан фарқ қилади.

Кўп тилли таржима луғатига 1910 йилда Тошкентда И. Д. Ягелло томонидан тузилган ва чиқарилган «Полный персидско-арабско-русский словарь»ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР

(Студентлар учун)

### I

В. И. Ленин, Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида. Асарлар, 20-том.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, 1961.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги, КПСС Марказий Комитети тезислари, 1967.

### II

## ЛЕКСИКОЛОГИЯГА ДОИР АДАБИЁТЛАР

О. А. Азизов, Тилшуносликка кириш, 1963.

О. С. Ахманова, Очерки по общей и русской лексикологии, 1957.

А. Аҳмедов, Фурқат поэзиясининг лексик таркиби, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 5.

Н. А. Баскаков, Состав лексики киргизского языка и структура слова, «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков», часть IV, лексика, 1962, 69—101.

Р. И. Бигаев, П. А. Данилов, Введение в языкознание, 1954.

А. К. Боровков, Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит на основе русской графики, «Известия УзФАН», № 7, 1940.

А. К. Боровков, Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос взаимовлияния таджикского и узбекского языков, «Учение записки Института востоковедения», том IV, изд-во АН СССР, 1952.

Л. А. Булаховский, Введение в языкознание, 1953.

В. В. Виноградов, Основные типы лексических значений слова, «Вопросы языкознания» журналы, 1953, № 5.

Е. М. Галкина-Федорук, Современный русский язык. Лексика, 1954.

Е. М. Галкина-Федорук, К. В. Горшкова, Н. М. Шанский, Современный русский язык, лексикология, фонетика, морфология, 1957.

А. И. Ефимов, Стилистика художественной речи, 1957.

С. Иброҳимов, Тил ҳақида умумий маълумот, «Совет мактаби» журналы, 1953, № 3.

С. Иброҳимов, Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, 1956.

И. Исамуҳамедова, Синонимларнинг вужудга келиш йўллари ҳақида баъзи мулоҳазалар, «Тилшунослик масалалари», 1960, 1-китоб.

Ф. Г. Исхаков, Опыт сравнительного словаря современных тюркских языков, «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков», часть IV, лексика, 1962.

Фахри Камол, Ўзбек тили лексикаси, 1953.

А. В. Калинин, Русская лексика, 1960.

К. А. Левковская, Лексикология немецкого языка, 1956.

- З. Маъруфов, Сўз состави, от ва сифат, 1956.  
 М. Мирзаев, Ҳозирги замон ўзбек тили, машқлар тўплами, 1963.  
 М. Миртожиев, Полисемиялардан омонимларнинг келиб чиқиши ҳақида, «Тилшунослик масалалари», 1960, 1- китоб.  
 М. Миртожиев, Омонимиянинг баъзи масалалари ҳақида, «Адабиётшунос-  
 лик ва тилшунослик масалалари», 1963, 5- китоб.  
 Г. Г. Мусаббаев, Современный казахский язык, лексика, 1959.  
 С. М. Муталлибов, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк,  
 1959.  
 М. Пўлатов, Рус тилининг ўзбек тили лугат составининг бойишидаги  
 роли, 1958.  
 А. А. Реформатский, В. В. Решетов, Введения в языкознание, 1955.  
 Ш. Шобдуррахмонов, Ўзбек диалектологияси, 1959.  
 А. И. Смирницкий, Значение слова, «Вопросы языкознания» журна-  
 ли, 1955, № 2.  
 Ф. Р. Травничек, Некоторые замечания о значении слова и понятий,  
 «Вопросы языкознания», 1956, № 1.  
 У. У. Турсунов, Н. Ражабов, Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги си-  
 номимлар ҳақида баъзи мулоҳазалар, «А. Навоий номидаги СамДУ асарлари»,  
 янги серия, 1960, № 102.  
 С. Усмонов, Антонимлар, «Ўзбек тил ва адабиёти масалалари» журна-  
 ли, 1958, № 2.  
 Қ. Ханазаров, Строительство коммунизма и развитие национальных  
 языков (на примере словарного фонда), «Общественные науки в Уз-  
 бекистане», 1963, № 3.  
 Анвар Шомақсудов, Муқимий сатираларининг тили ва стили, «Ўзбек  
 адабиёти масалалари» тўплами, 1959.  
 И. Қўчқортоев, Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари,  
 «Тилшунослик масалалари», 1960, 1- китоб.  
 Ҳозирги замон ўзбек тили, 1957.  
 Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1966.

### III

## ФРАЗЕОЛОГИЯГА ДОИР АДАБИЁТЛАР

- В. В. Виноградов, Основные понятия русской фразеологии как лингвисти-  
 ческой дисциплины. «Труды юбилейной научной сессии ЛГУ», 1946.  
 В. В. Виноградов, Об основных типах фразеологических единиц в рус-  
 ском языке, сборник «А. А. Шахматов», 1946.  
 А. И. Ефимов, Фразеологическое новаторство Щедрина, «Язык сатиры  
 Салтыкова-Щедрина», 1953.  
 А. М. Земский, С. Е. Крючков, М. В. Светлаев, Фразеология, «Рус-  
 ский язык», 1 часть, учебник для педучилищ, 1953.  
 Матлуба Йўлдошева, Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи-  
 даги фразеологик бирликларнинг грамматик ва баъзи лексик-семантик  
 хусусиятлари ҳақида, «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари»,  
 1961, 3- китоб.  
 А. А. Қоклянова, О границах фразеологии тюркских языков. «Вопросы  
 фразеологии», 1961.  
 Х. Комилова, Гапда сўзларнинг боғланиши, 1955.  
 Я. Пинхасов, Ҳамид Олимжон асарларида фразеологик иборалар, «Совет  
 мактаби», 1954, № 7.  
 Я. Пинхасов, Фразеологик иборалар ва уларни таҳлил қилиш, «Совет  
 мактаби», 1960, № 11.  
 Я. Пинхасов, Ўзбек тили фразеологиясининг баъзи бир масалаларига доир,  
 «Вопросы фразеологии», 1961.

- Ш. Раҳматуллаев, Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка, авт. канд. дисс., 1952.
- Ш. Раҳматуллаев, Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари, 1955.
- Ш. Раҳматуллаев, Синтактик таҳлилда фразеологик иборалар устида ишлаш масаласига доир, «Совет мактаби» журналі, 1956, № 7.
- Ш. Раҳматуллаев, Феъл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг асосий қўринишлари, «Ўзбек тили масалалари», САГУ илмий асарлари, 1957.
- Ш. Раҳматуллаев, Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштирма фразеологик бирликлар ҳақида, ўша тўплам, 1957.
- Ш. Раҳматуллаев, Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке, «Вопросы фразеологии», 1961.
- Ш. Раҳматуллаев, Луғавий бирликларнинг замонавийлиги жиҳатида гуруҳланиши ва номланиши масаласига доир, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналі, 1962, № 4.
- Ш. Раҳматуллаев, Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари, 1966.
- Ч. Г. Сайфуллин, Фразеологические единицы и их классификация, «Вопросы фразеологии», 1961.
- Ғ. Саломов, Бадий таржимада автор услубини сақлаш ва фразеология масаласига доир, «Шарқ юлдузи», 1959, № 3.
- Ғ. Саломов, Мақол ва идиомалар тиржимаси, 1961.
- Қ. Самадов, Фразеологиянинг пайдо бўлишига доир, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 4.
- У. Т. Турсунов, Состояние и задачи изучения фразеологии узбекского языка, «Вопросы фразеологии», 1961.
- А. Ғ. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили, синтаксис, 1961.
- М. Ҳусайнов, Ўзбек тили фразеологияси масалаларига доир, «А. Навоий номидаги ЎзДУ асарлари» янги серия, № 77, 1958.

#### IV

#### ПРОГРАММА ВА ЛУҒАТЛАР

- Ҳозирги ўзбек адабий тили программаси (педагогика институтлари тил ва адабиёт факультетлари учун), 1962.
- Ўзбек тили программаси (педагогика институтларининг бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлаш факультетлари учун), 1966.
- Ҳозирги ўзбек адабий тилининг практик стилистикаси, 1965.
- Узбекско-русский словарь, бир томлик, 1959.
- Русско-узбекский словарь, бир томлик, 1954.
- Русча-ўзбекча луғат, беш томлик, 1950—1955.
- Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат, 1963.
- О. С. Ахматовна, Словарь лингвистических терминов, 1966.
- С. Иброҳимов, М. Раҳмонов, Ўзбек адабий тилининг имло луғати, 1956.
- Олим Усмон, Ренат Дониёров, Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати, 1965.
- Ш. Раҳматуллаев, Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати, 1964.
- В. В. Решетов, Краткий справочник по лингвистической терминологии, 1951.
- Ш. Шомақсулов, С. Доғломов, Кенг уйнинг келпичаги, 1964.
- А. Ҳожиев, Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати, 1963.

## МУНДАРИЖА

Автордан . . . . .	8
--------------------	---

### ЛЕКСИКОЛОГИЯ

#### I. Кириш.

1- §. Сўз тилдаги асосий бутунлик сифатида . . . . .	5
2- §. Тилдаги луғавий бирликлар ҳақида . . . . .	5
3- §. Лексикология қисмлари . . . . .	6
4- §. Лексикология турлари . . . . .	6

#### II. Сўз ва унинг маънолари.

5- §. Тушунча, сўз ва сўзнинг маъноси . . . . .	6
6- §. Сўз ва контекст . . . . .	8
7- §. Сўзнинг лексик ва грамматик маънолари . . . . .	8
8- §. Сўз маъноларининг ўзгарувчанлиги . . . . .	14
9- §. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари . . . . .	16

#### III. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғат состави.

10- §. Луғат состави ҳақида . . . . .	29
11- §. Ўзбек тили луғат составидаги асосий қатламлар . . . . .	30
12- §. Совет даври адабий тили луғат составининг ривожланишига доир . . . . .	31

#### IV. Тарихий жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексикаси.

13- §. Ўзбекча сўзлар . . . . .	32
14- §. Тожиқча сўзлар . . . . .	33
15- §. Арабча сўзлар . . . . .	35
16- §. Русча ва интернационал сўзлар . . . . .	36

#### V. Ижтимоий-диалектал состави жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексикаси.

17- §. Актив ва пассив сўзлар . . . . .	39
18- §. Архаизмлар . . . . .	40
19- §. Историзмлар . . . . .	41
20- §. Неологизмлар . . . . .	42
21- §. Диалектизмлар . . . . .	42

#### VI. Экспрессив ва стилистик жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексикаси.

22- §. Умумистеъмолдаги сўзлар . . . . .	44
23- §. Стилистик чегараланган сўзлар . . . . .	45

24- §.	Оғзаки нутққа хос сўзлар . . . . .	45
25- §.	Ёзма адабий тилга хос сўзлар . . . . .	45
26- §.	Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар . . . . .	46

## VII. Ҳозирги ўзбек терминологияси.

27- §.	Термин ва унинг турлари . . . . .	47
--------	-----------------------------------	----

### ФРАЗЕОЛОГИЯ

## VIII. Фразеология ҳақида.

28- §.	Сўзлар боғланмаси ва унинг турлари . . . . .	51
29- §.	Фразеология ва уни ўрганиш тарихига доир . . . . .	54

## IX. Фразеологик иборалар турлари.

30- §.	Фразеологик ибораларнинг асосий турлари. . . . .	55
--------	--	----

## X. Фразеологик бирлашма.

31- §.	Фразеологик бирлашма ва унинг турлари . . . . .	57
--------	---	----

## XI. Фразеологик чатишма.

32- §.	Фразеологик чатишма ва унинг турлари . . . . .	62
--------	--	----

## XII. Фразеологик қўшилма.

33- §.	Фразеологик қўшилма ва унинг турлари . . . . .	63
34- §.	Фразеологик ибораларнинг баъзи бир грамматик хусусиятлари . . . . .	65
35- §.	Фразеологик ибораларнинг айрим стилистик хусусиятлари . . . . .	68
36- §.	Фразеологик ибораларнинг этимологиясига доир . . . . .	69
37- §.	Совет даврида ўзбек фразеологиясининг тараққиётига оид . . . . .	69

## XIII. Ҳозирги ўзбек лексикографияси.

38- §.	Лексикография ҳақида . . . . .	71
39- §.	Лугат ва унинг турлари . . . . .	71
40- §.	Бир тилли лугатлар . . . . .	72
41- §.	Икки тилли таржима лугатлари . . . . .	73
42- §.	Кўп тилли таржима лугатлари . . . . .	74
Адабиётлар . . . . .		75

*На узбекском языке*

ПИНХАСОВ ЯКУБ ДАВИДОВИЧ

**СОВРЕМЕННЫЙ УЗБЕКСКИЙ  
ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЯЗЫК**

ЛЕКСИКОЛОГИЯ И ФРАЗЕОЛОГИЯ

Пособие для студентов-заочников  
филологических факультетов  
педагогических институтов

*Издательство „Ўқитувчи“  
Ташкент — 1969*

Нашиёт редактори *Х. Ҳайитметов*  
Техн. редактор *Н. Сорокина*  
Корректор *Д. Галиева*

Теринга берилди 25/VIII-1968 й. Боснига рухсат этилди  
23/XII-1968 й. Қогози 60×90<sup>1/8</sup> мм. Физик. л. 5,0.  
Нашр. л. 4,98. Тиражи 3000. Р 15451.

„Ўқитувчи“ нашиёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шарғнома 103-68. Баҳоси 16 т.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот давлат комите-  
тининг 1- босмаҳонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.  
1969. Зак. 695.

Типография № 1. Государственного комитета Совета  
Министров УзССР по печати. Ташкент, ул. Хамзы, 21.